А.Тайиров

Суд – бухгалтерия экспертизаси фанидан маъруза матнлари

Самарқанд – 2005й.

Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

А.Тайиров

Суд – бухгалтерия экспертизаси фанидан маъруза матнлари.

5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат таълим йўналиши учун

Самарқанд – 2005й.

А.Тайиров. Суд – бухгалтерия экспертизаси. Маъруза матнлари
Самарқанд Сам ИСИ, 2005.

Ушбу маъруза матнлари бухгалтерия ҳисобидаги охирги ўзгаришларни инобатга олган холда тузиган. Маъруза матнлари 340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бакалавриат йўналишида таълим олаётган талабларга мўлжалланган. Бундан ташқари махсус йўналиш бўйича малака оширувчилар, шу соха билан қизиқувчи амалиёт ходимлари, аспирант ва профессор – ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Матнлар таянч сўз ва иборалар, такрорлаш учун саволлар, тест саволлари, иловалар ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати билан тўлдирилган. Матнлар асосан Д.Жалолова ва Х.Боқиевалар нинг “Суд – бухгалтерия экспертизаси”
Номли ўқув қўлланма асосида тайёрланилди.
Маруза матнлари “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг мажлисида мухокама қилинган (баённома №) ва чоп этишга тавсия қилинган

Тақризчилар:

Доцент Ўразов К.Б.(Сам ИСИ)
Доцент Қудратов Т.К.(Сам КХИ)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2005й

Кириш

Республикамиз мустакиликка эриштанидан кейин илгариги иқтисодий тузум урнига жаҳон стандартларига мос демоқоатик ҳукуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий баъзасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси куйилди.

Маълумки Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп укладли иқтсиодиётнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада булгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан узгаришлар булишига олиб келди. Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар сони анча кенгайиб бораётганлиги интеграқия жараёнларини чукурлашаётганлиги бухгалтерия хисобини жаҳон андозаларига кучиришни янада қаттиқооқ талаб килмоқда.

Бозор иктисодиёти шароитида барча мутахассислар жумладан ҳисоб ва аудит мутахассисларнинг мавқеи ортади. Шу сабабли ушбу мутахассисликни тайёрлаш бир мунча яхшиланиши керак Бухгалтерия хисоби ва аудит ҳодимлари хужаликни юритишга ёрдам курсатиши, турли хужалик ҳолат ва муҳитларини тез ва бехато аниклаб иш куриши бозор вазиятлари ва улардаги йуналишларни тушуниб етиб боищарув к;арорларини қабул қилишда раҳбариятга пухта асосланган тавсияларни тақдим этишлари керақ Бойликлар талон-тарожи, мансабдорлик ва хужалик жиноятларини суриштириш ва тергов қилишда иқтисодий фанлар жумладан махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қулланилади. Махсус билимлар орасида суд-бухгалтерия экспертизаси мухим уринда туради. Экспертиза ишларининг мураккаблиги, уни утказишда махсус билимлар талаб қўилинганлиги сабабли ҳуқукни мухофаза қилувчи орган ходимлари мутахассис бухгалтерларга турли масалалар билан мурожат қилишади. Бухгалтер, аудиторлар тергов ходимлари тошпиригига кура ҳужжатли аудит утказади, тергов ишида иқтисодий масалаларни ечипзда маслаҳатлар беришади, эксперт текпгириш утказишда қатнагаиб хулоса далолатнома тайёрлашлари мумкин. Тергов ва судда курилаётган ишдарга далил сифатида хулоса далолатнома тайёрлаш билан

биргаликда хужаликка етказилган моддий зарарни аниқлаш ва камомадни ундириб олишда бухгалтерия экспертизасини аҳамияти ортиб боради.

Суд-бухгалтерия экспертизаси курси иқтисодий олийгоҳларнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» мутахассисликлари буйича билим олаётган талабалар учун ихтисос берадиган фан ҳисобланади.

Ушбу маъруза матнида суд-бухгалтерия экспертизасининг назарий асослари ёритилган. Шунингдек савдо, умумий овқатланиш автотранспорт за қурилиш корхоналарида содир этилувчи моддий бойликларни уғирланишига доир муомалаларини ҳужжатларга асосан экспертли текшириш тартиби курсатилган. Экспертиза материалларини якунлаш ва расмийлаштиришга мисоллар келтирилган.

Суд - бухгалтерия экспертизасининг моҳияти ва вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишнинг моҳияти ва аҳамияти.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда иқтисодий фанлар, жумладан, махсус бухгалтерия ҳисоби билимлари қўлланилади. Махсус билимлар орасида суд-бухгалтерия экспертизаси муҳим ўринда туради.

Тергов жараёнида ёки суд муҳокамасида бирор масалани ҳал қилишда аниқ жавоб ёки маълумот олиш мақсадида мутахассисларни жалб қилишга, уларнинг шу масала юзасидан фикрини олишга тўғри келади. Масалан, камомаднинг сабабаларини ёки корхонага етказилган моддий зарарнинг тафсилотини ва ҳажмини аниқлаш учун товаршунослик савдо иктисодиёти, бухгалтерия хисоби, тафтиш ёки бошқа соҳадаги мутахассисларни таклиф қўлиб, уларга шу текширишни топширишга тўғри келади.

Амалдаги қонун махсус билимга эга булган мутахассислардан суд-тергов ишларида фойдаланишнинг икки формасини, яъни экспертизани тайинлашда хамда айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда иштирокчи сифатида фойдаланишни кўзда тутади.

Экспертиза деб - жиноят процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи камчиликларни аниқлаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш экспертиза ишлари ҳисобланади.

Экспертизанинг асосий вазифаси олиб борилган текширишлар натижасида аниқ шахс, объект-далилий ашё, моддий қолдикдар, излар юзасидан уларнинг айнанлиги ёки қайси гурухга мансублиги ҳақида ахборот беришдир.

Эксперт - бу фан - техника, хунар, санъат соҳасида махсус билимга эга

булган (мутахассис), экспертиза муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсдир.

Махсус билимга эга булган мутахассис эксперт сифатида хизмат қўлиши мумкин.

Терговчи ёки суд гарчанд махсус билимларга эга бўлсалар ҳам, бироқ, уларга икки вазифани бажариш хукуқи берилмаган. Улар узларининг процессуал ҳолатлари сабабли суд ёки терговда эксперт сифатида катнашишлари мумкин эмас. Бироқ уларнинг махсус билимларидан хабардорлиги, тергалаётган ишни чуқурроқ ўрганишга, терговни тўғри олиб боришга, айрим масалалар устида фикр ва мулоҳазалар юритишга ва айникса экспертнинг берган хулосасига объектив баҳо беришга ёрдам беради. Экспертиза ўтказишни суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд узининг махсус қарори ёки ажрим билан мутахассисларга топширади.

Экспертиза текширишларининг объектив характерига кўра турли-туман далилий ашёлар, излар, микроэлементлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Фаннинг сохасига қараб криминалистик экспертизага: излар юзасидан ўтказиладиган текшириш, ўқ отиш қуроллари, яъни суд-баллистика текширишлари, суд-медицина, суд-психиатрия, суд-биология, суд-бухгалтерия, автотехника, ёнғин техникаси экспертизалари, суд-товаршунослик, суд-агротехника, суд-ветеринария ҳужжатларини текшириш ва бошка турдаги экспертизалар киради.

Криминалистик экспертиза Адлия вазирлиги қошидаги махсус суд экспертизалари илмий-текшириш институтида ёки лабораторияларида, ички ишлар вазирлигининг илмий-техника булинмаларида, Вазирликлар кенгаши қошидаги Давлат хавфсизлиги қумитасининг экспертиза муассасаларида, вилоят ички ишлар бошқариш қошидаги қоиминалистик экспертиза булинмаларида утказилади. Экспертиза объектив утказилиши малакали эксперт танланиши, уларнинг жавоб хулосалари илмий асосланишини ҳамда агар хатога йул куйилган бўлса, уларни тузатишни таъминловчи томон билан суд-бухгалтерия экспертизаси моҳишти узаро

узвий боғланишидир. Бухгалтерия экспертизақияни тайинлаш ва ўтказиш жараёнида процессуал шартларга риоя қилинмаса, у ҳолда экспертизанинг далиллар ечишнинг процессуал услуби ўз хусусиятини йуқотади.

Эксперт бухгалтер иши икки мустақил, лекин ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат. Биринчи қисмда терговчи ёки суд тақдим этган ҳужжатлар ва бошқа материаллар мутахассис томонидан текширилади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби тармоқларидаги ҳисоби ва хужалик фаолияти таҳлили соҳасидаги махсус билимлардан фойдаланилади.

Тақдим этилган хужжат ва бошқа материалларни текшириш натижаларини эксперт-бухгалтер жавоб-хулоса шаклида расмийлаштирилади ва терговчи ёки судга маълум қилади.

Жавоб-хулоса тузиш эксперт-бухгалтер ишининг иккинчи қисми бўлиб, далилларининг янги манбаини, жиноий иш буйича янги далиллар хисоблангани фактлардан ташкил келади.

Суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари.

Суд-бухгалтерия экспертизаси соҳасидаги назарий текшириш тадқиқотларнинг вазифаси ҳалқ хужалиги турли тармокдгардаги талон-тарож ва суистеъмоллар билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоби операцияларини текшириш методикасини ва умумий низомларни (ташкилий негиз хукуқий ва назарий) ишлаб чқаришдан иборатдир.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ва унинг илмий асослари тиғиз алоқада ва ўзаро шартли бўладилар.

Суд-бухгалтерияси экспертизаси, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия хисобининг тадбиқ этилишига дойр назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш, суриштиришда, тергов қилишда ва судда куриш жараёнида хужжатли тафтиш.

инвентаризақия ва суд-бухгалтерия экспертизами ўтказиш техникаси, ташкил қилиш ва методологияси илмий асосларини белгилашдан иборатдир. Жиноий ва фукаролик ишлари буйича адолатли ҳукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш,

иктисодиёт соҳасида жиноят ва ҳукуқ бузишларга йул қуймаслиқ келажакда хўжалик ҳукуқ бузшларни огохлантиришга доир тадбирларни белгилаш суд-бухгалтерия экспертизанинг асосий максадидир.Эксперт-бухгалтернинг вазифаси "Суд-бухгалтерия экспертизаси" фани предмети билан бевосита алокддордир.

Аниқ жиноий ва фуқаролик ишларнинг хақиткий вазиятлари суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси объектларига бирламчи хужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисобот, тафтиш далолатномалари ва ишнинг бошқа материаллар киради. Идтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби хужалик фаолияти назорати ва таҳлилидаги ўзгаришлар сабабли суд-бухгалтерия экспертизаси предмети, текшириш объектлари ҳам ўзгариб боради.

Экспертиза ўтказиш ўзининг изчиллиги жихатидан дастлабки ва такрорий экспертизага бўлинади. Дастлабки экспертиза иш юзасидан биринчи навбатда ўтказилган экспертизадир. Такрорий экспертиза эса дастлабки экспертиза хулосалари билан келишилмайдиган ҳолда қайта тайин қилинади. Бундай ҳолатлар, кўпинча, экспертиза ҳулосаси билан жиноят ишидаги материаллар ўртасида жиддий қарама-қаршилик мавжуд бўлган, экспертиза хулосалари ноаниқ ёки ишонарсиз бўлса, текшириш методлари нотуғри ёки эксперт ўз вазифа доирасидан четга чиқиб кетган бўлса ва айбланувчи асосли важлар келтирса, мазкур масала илмий жихатдан ҳал қилинмаган бўлса, шу ишдан экспертиза тайин қилиниб уни ўтказиш бошқа экспертизаларга топширилади.

Текширишнинг ҳажмига қараб экспертиза асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади.

Қўшимча экспертиза асосий экспертизага саволларга янги қўшимча саволлар қўшиш, ишда янги ҳолат ва материаллар тўпланиши каби пайтларда тайин қилинади. Қўшимча экспертизани биринчи экспертга топшириш ҳам мумкин. Чунки бунда эксперт иш материали билан таниш бўлиб, экспертиза ўтказиш муддатини қисқартиришга ва асосли бўлишга кўмаклашади.

Одатда, текширилаёттан объектлар катта ҳажмда ёки мураккаб бўлади.

Экспертли текширишни экспертнинг фақат бир ўзи, комиссияликда эса бир соҳадан бир неча мутахассис олиб боради.

Тартибда такрорий экспертиза кўпроқ бўлган экспертлар комиссиясига топширилади.

Комплекс экспертизада бир неча соҳадаги билимлар асосида текширилиб, пировард натижаларига қараб умумий бир хулоса чиқарилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси текшириш учун махсус эксперт муассасаларига қўйдаги мазмундаги вазифалар тақдим этилади:

1. Товар моддий бойликларни, пул маблағлари камомад ёки ортиқча тўпланиш сабаблари, уларнинг миқдори ҳамда камомад вақти, қаерда содир бўлганлигини текшириш ва аниқлаш ҳужжатли тафтиш ёрдамида савдо корхоналарида топилган камомад суммаси эксперт текширилиши натижасида ўзгариш мумкин. Камомад ва белгиланган ортиқча бойликларнинг вақтини, таркиби, баъзи ҳолларда эса уларни вужудга келиш ҳолатини эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, қайта аниқланиши мумкин.

2. Хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот ва молларни ҳисобдан чиқарилиши тўгри эканлигини текшириш.

Бу ерда ҳақиқатдан омбордан ўғирланган хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш ҳисобидан камайтириш назарда тутилади. Материалларни ҳисобдан тўғри чиқарилиши ишлаб чиқариш операцияларини текшириш натижасида аниқланади. Мол етказиб берувчиларнинг хужжатларида кўрсатилган тайёр маҳсулотларнинг тўғри чикарилганлиги харидор ва буюртмачилардаги хужжатларни эксперт-бухгалтер томонидан таҳлил қилиш йўли билан аниқланади. Савдо корхоналарида содир бўлган қонунга хилоф операцияларини ҳам шу услубда топилиши мумкин.

3. Молиявий бузилиш ҳолларини аниқлаш. Молиявий интизом бузилиш ҳоллари бўйича текшириш ўтказиб эксперт-бухгалтер қўйидаги мазмунда хулоса бериши мумкин: меҳнатга тўлов фондидан ортиқча сарфлаш, агросаноат банки ссудаларининг мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги ва ҳ.к.

4. Корхоналарда белгиланган режаларнинг бажарилиши туғрисидаги

ҳисоботларида қўшиб ёзиш ҳоллари мавжудлиги ва уларнинг суммасини аниқлаш.

5. Содир бўлган операцияларнинг қонунда белгиланган нормаларига мувофиқ қилинишини текшириш. Содир бўлган молиявий операцияларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тавсифнома бериш билан бир вақтда ташкилот ва корхоналараро ҳисоб-китобларнинг ҳақиқий ҳолати норматив актларга мувофиқ келишини аниқлаш эксперт-бухгалтернинг вазифасига киради.

6. Содир этилган суистеъмолларнинг салбий иқтисодий оқибатларини аниқлаш.

7. Мансабдор шахслар ва бошқа мутахассисларнинг ўз хизмат мансабини суистеъмол қилиши натижасида келтирилган моддий зарарни текшириш ва уларни микдорини аниқлаш.

8. Мазкур ташкилотда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби методикасининг тўғрилиги ёки унда бирор-бир камчилик мавжудлигини аниқлаш.

Айбланувчи моддий жавобгар шахслар камомад қилинган товар бойликлари ёки пул маблағлари нотўғри ҳамда бухгалтерия ҳисобида йул кўйилган хатолар натижасида содир булган деб изоҳ берадилар. Эксперт-бухгалтер айбланувчи берган изоҳни текшириб, камомад суммасини аниқлаш билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби ҳолатини ҳам аниқлайди.

9. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот қоидаларига риоя қилмаслик ҳолларини аниқлаш. Баъзан бухгалтерия ёзувларидаги тузатишлар хужжатлар билан асосланмаган ҳолда бўлиши аналитик хисоб регистрлари юритилмаганлиги хисоб регистрларидаги ёзувлар хужжатларга тасдиқланмаслиги мумкин. Бухгалтерия ҳисоби ва хисобот қоидаларнинг бузилиши оқибатида суистеъмол содир бўлади. Бундай ҳолда бузишларни топиш эксперт-бухгалтернинг муҳим вазифаларидан биридир.

10. Ҳужжатли тафтиш ўтказиш усули тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш. Жиноий ёки фуқаролик ишлар бўйича ўтказилган хужжатли тафтишнинг сифати муҳиим аҳамиятга эгадир. Тафтишнинг сифатсиз ўтказилиши оқибатида жойларда йул қўйилган суистеъмолликлари

аниқланмаслиги ёки белгиланган тартибга риоя килмаслик ҳоллари тўғрисидаги тафтиш ўтказиш талаб қилинмаса, тафтишда аниқланган молиявий суистеъмол мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, текширишда қўлланган услублар тўғри ёки нотўғри эканлиги эксперт-бухгалтер томонидан аниқланади.

11. Мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан суистеъмол содир бўлишига таъсир қилувчи муҳит ва вазиятларни топиш.

12. Фуқаро ишлари судида ёки хўжалик судида кўрилганда ташкилот ва корхоналар орасида ҳисоб-китобларни ҳақиқийлигини аниқлаш.

13. Суистеъмолларга қарши курашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш. Аниқлланган суистеъмолларнинг содир бўлишига қандай тавсилот таъсир кўрсатилганлигини аниқлаш эксперт-бухгалтер вазифасига киради. Агар ушбу, суистеъмоллар ҳисоб юритишнинг қониқарсиз ҳолати, хўжалик операцияларни ҳужжатларда нотўғри расмийлаштирилиши таъсирида бўлса эксперт-бухгалтер ўз компетенцияси доирасида уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Тратта - ўтказма вексель.
2. Корректировка - тўғрилаш проводкалари.
3. Эксперт.
4. Экспертиза.
5. Тафтиш.
6. Терговчи.
7. Аудитор.
8. Айбдор.
9. Суд.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Махсус билимлар орасида "Суд-бухгалтерия экспертизаси" фанини ўрни қандай ва уни асосланг?
2. Экспертиза, эксперт сўзларининг маъноси қандай?
3. Суд-бухгалтерия экспертизасининг қандай вазифалари мавжуд?
4. Экспертизани қандай усуллари мавжуд?

Суд-бухгалтерия экспертизаси фанининг предмети ва методи. Суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети ва объектлари.

Тергов органлари ва суд (бухгалтерия) фаолияти текширилаётган жиноий иш бўйича далилий ашёлар ёрдамида хақиқатни аниқлашдир. Ўзбекистан Республикаси ЖПК моддасига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда суд, терговчи ижтимоий хавф-хатар мавжудлиги ёки мавжуд бўлмаганлиги ушбу ҳаракатни содир қилган шахс айибдорлиги ва ишни тўғри ечилишга аҳамияти бўлган барча хақиқий маълумотлар жиноий иш бўйича далил бўлади. Эксперт хулосаси ана шу далиллар жумласидандир. Суд бухгалтерия экспертизаси предмети қўйидаги белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни

ўз ичига олади:

1) улар хўжалик фаолияти билан боғланишдадир;

2) улар бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топган;

3) уларни текшириш доираси суд ёки терговчи берган саволлар билан чекланади;

4) ушбу саволларга жавоб-хулоса бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассис томонидан берилади.

Эксперт бухгалтернинг фаолияти фуқаролик ва жиноий процессуал қонунлар чиқарадиган органлар томонидан (белгиланади) аниқланади. Экспертизанинг объектив ўтказилиши малакали эксперт танланишидадир.

Эксперт бухгалтерия иши икки мустақил лекин узаро боғлиқ кесмлардан иборат. Биринчи қисмда терговчи ёки суд тақдим этган хужжатлар ва бошқа материаллар мутахассис томонидан текширилади.

Тақдим этилган хужжат ва бошқа материалларни текшириш натижаларини эксперт бухгалтер жавоб-хулоса шаклида расмийлаштиради ва терговчи ёки судга маълум қилади.

Иккинчи қисмда далилларни янги манбаини жиноий иш бўйича янги далиллар ҳисобланган фактлар ташкил қилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси сохасидаги назарий текшириш тадқиқотларининг вазифаси халқ хужалиги турли тармоқларидаги талон-тарож ва суиистеъмоллар билан борлиқ бухгалтерия ҳисоби операцияларини текшириш методикасини ва умумий низомларини (ташкилий,хукукдй ва назарий) ишлаб чиқишдан иборатдир.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ва унинг илмий асослари тиғиз алокада ва узаро шартли буладилар.

Суд-бухгалтерия экспертизаси муассасалари ва экспертларининг амалий фаолияти жараёнида тажриба йиғилади, текширишларнинг илғор методлари ишлаб чикилиб, уларни умумлаштириш ва системалаштириш суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш методикасини бойитади.

Ўз навбатида янги методик тавсияномаларни амалиётгда қўллаш нафақат текширишларни якдиллик шаклига олиб келади, балки илғор тажрибанинг тез тарқалишига, эксперт ишларининг такомиллашишига, шунингдек эксперт хулоса-далолатномалар сифатининг ошишига олиб келади.

Суд-бухгалтерияси шундай фан бўлиб, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия хисобининг тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва урганиш, талон-тарож туғрисидаги ишларни суриштиришда, тергов қилишда ва судда кўриш жараёнида хужжатли тафтиш, инвентаризация ва суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш техникаси, ташкил қилиш ва методологияси илмий асосларини белгилашдан иборатдир.

Жиноий ва фуқоролик ишлари бўйича адолатли ҳукмнинг амалга ошишига ёрдам бериш, иқтисодиёт соҳасида жиноят ва хукуқ бузишларга йул куймаслиқ келажакда хўжалик ҳуқуқ бузилишларни огохлантиришга доир тадбирларни белгилаш суд-бухгалтерия экспертизасининг асосий мақсадидир.

Суд-бухгалтериянинг мақсад ва вазифалари суд-бухгалтерия экспертизасини самарали утказишнинг амалий заруратларидан, уни тўғри ташкил этиш, эксперт текширишнинг илмий асосланган методларни қўллаш шартларидан келиб чиқади.

Суд - бухгалтерияси тергов ва суд ҳаракатларида махсус бухгалтерия билимларини куллашнинг назарий асосларини тузади, хамда суд ва тергов органларида учровчи жиноий ва фуқоролик процесслардаги масалаларни ечишда ушбу билимларни қўллашнинг илмий принципларини белгилайди. Суд-бухгалтерия назарияси предметига бухгалтерлик ва процессуал-ҳуқуқий характерга эга булган масалалар киради. Ушбу назария жиноий ва фуқаролик ишлар буйича асосий далил манбаси булган суд - бухгалтерия экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисобини назорат қилиш хусусиятларини, инвентаризақия, ҳужжатли тафтиш, молиявий хужалик операқияларини ҳужжатлаштириш ва бухгалтерлик назоратининг бошқа шакл ва воситаларини аниклашга даъват этади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси суд-бухгалтерияси назариясининг асосий ва муайян қисмини ташкил қилади.

Аниқ жиноий ва фуқоролик ишларининг ҳақиқий вазиятлари суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети хисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси объекти бўлиб хужжатлар ёки асосий манба бўлиб хизмат қилувчи дастлабки маълумотни ташувчи улар урнидаги ифодаланган ҳужалик операқиялари ҳамда ҳисоб регистрлари (китоблар, ведомостлар, карточкалар) ва бошқа материаллар хизмат қилади.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг барча объектларини икки гурухга бўламиз:

1- Бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш воситалари сифатида хизмат қилувчи ҳужжатлар.

2. Бошқа барча хужжатлар, яъни маълумотномаларнинг, ҳужжатлар, тафтиш далолатномалари турли ташкилотларни хабарлари расмий булмаган хужжатлар, тергов ва суд харакатининг баённомалари, бошқа мутахассислик бўйича экспертнинг хулосалари, айбланувчи фукаронинг даволари, гувохларнинг суроқ баённомалари киради.

Эксперт бухгалтернинг ўзи олдига қўйилган масалалари буйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш ҳукуқига эга эмас, у фақатгина ихтиёрига берилган материалларни тадқиқ қилади. Эксперт қўшимча материаллар такдим этиш тўғрисидаги фикрни экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида ҳам билдириши мумкин. Бу оғзаки баённомага киритилади ёки ёзма равишда билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва қайси тадқуқотлар тафтиш ўтказишда унга кераклигини кўрсатиши зарур. Фикрни қондирилиши рад этилган эксперт тадқиқ этишни давом эттиради. Хулоса бериш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда эса экспертиза "тайинланган органга хабар қилади. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш туғрисидаги тавсиянома муносабати билан

тергов (суд) ҳаракатлари ўтказиш зарур бўлса, эксперт уларда иштирок этиш учун чақирилиши мумкин.

Молия вазирлиги, тармоқ вазирликлар, идора ва раҳбар ташкилотларнинг қарор, фармойиш, кўргазма ва буйруқлари экспертиза объектлари сифатида қараб чиқилиши мумкин эмас. Бу далолатномаларда айрим корхона, ташкилот, муассасалар учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисоби юритишнинг умумий нормалари қамраб олинган. Улар эксперт-бухгалтер фаолиятининг норматив асоси бўлиб хизмат қилади. Мазмуни эса хулоса бериш учун қўлланиладиган махсус билимларнинг бир қисми мазмунидан иборатдир. Эксперт бундай турдаги норматив далолатномалар мавжуд бўлган материалларни талаб қилиш тўғрисидаги тавсияномани баён қилишга ҳакли эмас. Бундай зарурият тутилган ҳолларида унинг ўзи мазкур хужжатлар билан танишиш чораларини кўриши зарур.

«Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанининг методлари ва текширишыинг умумий методикаси

Бухгалтерия экспертизасининг ўрганиш методлари бошқа фанлар сингари диалектик метод ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган давлат, кооператив жамоа ва хусусий мулк доимо узлуксиз ҳаракатда, экспертиза эса, ундан мақсадга мувофиқ ва қонуний равишда фойдаланишни ўрганади.

Эксперт-бухгалтер томонидан ҳужжатлар, ҳисоб регистрларидаги ёзувлар ва ишнинг бошқа материалларини текширувида қулланилувчи усуллар йиғиндиси суд-бухгалтерия экспертизаси методини тузади.

Ўз навбатида ушбу усулларни икки мустақил, лекин ўзаро боғланишдаги умумий ва хусусий методик усулларга ажратиш мумкин.

Тергалаётган жиноят характеридан, иқтисодиёт тармоғи ва жиноят содир бўлган корхона хусусиятидан қатъий назар, турли жиноий ишларнинг материаллари текширилишида умумий методика усуллари қўлланилади. Бунда қатор суистеъмоллар қаерда амалга оширилмасин,

лекин бухгалтерия ҳисобида бирдай қайд этилиши инобатга олиниши керақ Масалан, нақд пул, товар ва материалларни уғирланиши бухгалтерия ҳисобида одатда бойликларни очиқ-ойдин ёки беркитилган камомади тариқасида қайд этилади. Шунинг учун айтилган ишлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишда жиноят каерда содир бўлишидан қатъий назар умумий методика услублари қўлланилади.

Шунингдек иқтисодиётнинг алоҳида тармокларидаги жиноятларни содир этишнинг кўп усуллари ўзига хос хусусиятга ва ҳисобда қайд этишдаги ўзгачиликка эгадир. Масалан, умумий овкатланиш корхоналарида ва қишлоқ ҳўжалик корхоналаридаги уғирликлар ва талон-тарож турли усуллар билан амалга оширилади.

Жиноят хусусиятига, уларнинг содир бўлган жойи мазкур корхонада амал қилган ҳужжатлаштириш ва ҳисобда юритиш тартибига кўра матахассис текширишнинг умумий усуллари билан бир қаторда хусусий услубларини ҳам қўллайди.

Эксперт-бухгалтер хулосаси натижалари аниқ ва ишончлилигини таъминловчи асосий шартлардан бири молиявий-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатларни текшириш ва таҳлил қилишнинг умумий ва хусусий методларидан тўғри фойдаланишдир. Бухгалтерлик экспертизасини ўтказиш методларини такомиллаштириш суд экспертизасини ривожлантиришнинг умумий муаммоларининг таркибий қисмини тузади. Бухгалтерия ҳисоби методи тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан жиноий ва фуқаролик ишларни текшириш ва тергов қилиш сабабли мутахассисга тақдим этилган топшириқлар бўйича маълумотларни (хужжатлар, ҳисоб регистрлари, хисоботлар ва ҳоказоларни) эксперт текшириш методикасини белгилайди.

Суд бухгалтерия экспертизасининг методикаси текширилувчи объектларга таалуқли бўлган хужжат, ҳисоб регистирлар, ҳисоботлар, бошқа мутахасисликдаги эксеперт хулосалари, гувоҳ ва айбланувчиларнинг кўрсаткичлари ҳарактерига ҳам борлиқ бўлади.

Бухгалтерия хужжатларини ва ишнинг бошқа материалларини текшира туриб, терговчи (суд) томонидан қўйган масалаларга кам харажат ва вақт сарифлаб, аниқ, ишончли хулоса тайёрлаш учун эксперт-бухгалтер текширишнинг аниқ методлари ва услубларини танлаб, уларни қандай изчилик ва тартибда ўтказишликни белгилаб олади. Суд бухгалтерия экспертизасининг муҳим методларига қуйидагилар киради: хужжатни текшириш, бухгалтерия хужжатларини таққослаш, моделлаштириш (1-тасвир).

Ушбу методлар, яъни хужжатли текшириш, бухгалтерия хужжатларини таққослаш, моделлаштириш суд бухгалтерия экспертизасининг муҳим методларига киради. Ушбу методлар Бухгалтерия экспертиза объектларининг текшириш дастури олдиндан белгилангандан сунг кўлланилади.

Амалиётда кенг тарқалган суд бухгалтерия экспертиза усуллари куйидагилардан иборат: товар моддий бойликларни ҳаракати туғрисидаги маълумотларни назорат солиштириш, турли ташкилотларда ёки бир ташкилотнинг турли бўлимларида сақланаётган ҳужжатларни муқобил текшириш, миқдорий қиймат ўлчовини тиклаш, хужжатларни расмий, арифметик ва норматив тиклаш.

Мутахассиснинг вазифаси иш материаллари билан дастлабки танишиш асосида эксперт текшириш дастурининг маҳсули, ишончли ва объектив бажарувчи метод ва услубларни танлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун мутахассис халқ ҳужалигининг тармоғига тааллуқли корхонасидаги бухгалтерия ҳисобининг бўлимларини чуқур узлаштириши ҳамда суд-бухгалтерия экспертизаси метод ва усулларидан моҳирона фойдалана билиши керак.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Суд-бухгалтерия экспертизаси методи деганда нимани тушинасиз?
2. Суд-бухгалтерия экспертизасининг методик усуллари нимадан иборат?
3. Суд-бухгалтерия экспертизасининг предметини таърифланг.
4. Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектларини санаб Беринг

Суд — бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш
Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкилий шакллари

Суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб борувчи терговчи ишни сифатли ва қонунан туғри боришида чуқур ва юқори савияли бухгалтерия билимлар лозим деб топса. Албатта ишни олиб борувчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерия билимларга эга булиши ва оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вақтида айбланувчининг ёхуд гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил этиши мумкин. Хусусан иш юзасидан жиноий ишга қўл урган шахслар, моддий жавобгар шахслар юритган ҳар бир хужжат ва материалларини таҳлил қилиб янги фактларни очиши ҳам мумкин. Ленин бундай ҳолатларда терговчи суд бухгалтерия экспертининг ёрдамисиз кузланган ютуққа эриша олмайди.

Эксперт-бухгалтернинг хулосасисиз терговчи иш юзасидан кўйидаги масала ва саволларни ҳал этишга ҳақ - хуқуқи бор. Бунда у бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари билан таниш булгандагина қўйидаги саволларни ҳал этиш мумкин: жиноий иш юзасидан йиғилган материалларда бухгалтерия-арифметик ҳисоб - китоблар камомадни аниқлаш, кассадаги ортиқча ва етишмайдиган пул суммасини аниқлаш ва ҳоказолардир. Бу ҳолларда бухгалтерия экспертизаси белгиланмайди. Терговчига тафтиш хулосалари ва якуний ҳисоб-китоблар ҳужжати такдим этилса, ёки корхонанинг ҳисоб ёзувлари терговчига шахсан топширилса бухгалтерия

экспертизаси тайинланиши ҳам мумкин. Баъзан эксперт-бухгалтер олдига утказилган тафтиш маълумотларини текшириш, таҳлил этиб хулоса бериш, тафтишнинг сифатига баҳо бериш каби саволлар ҳам қўйилади. Бундай кўринишдаги суд-бухгалтерия экспертизаси терговчи томонидан йиғилган материалларни обдон кўздан кечириб, танишиб чиққанидан сўнг белгиланади. Агар айбланувчи томонидан "тафтиш нотуғри ёки бирор бир методдан фойдаланилмай ўтказилди"-деган даъво юритилса терговчи бундай маълумотни, албатта, бухгалтер эксперт билан биргаликда текшириб чиқиши лозим. Суд-бухгалтерия экспертизаси сифатли ва қиска муддат ичида якунланишга иш юзасидан йиғилган материалларнинг (текширув материаллари, тафтиш материаллари ва инвентаризақияси) тўлақонлиги ва сифатлилиги ҳам таъсир курсатади. Сифатсиз материалларга қуйидагилар киради:

-тафтиш хулосаларининг асоссизлиги;

-тафтиш утказишда моддий жавобгар шахс иштирок этмаслиги;

-тафтиш ёки инвентаризақия хулосасида комиссия имзоларининг тушунарсиз ёки қалбаки ёки умуман йўқлиги ва ҳоказолар. Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишни белгилашдан ва экспертга материаллар тақдим этишдан аввал, терговчи йиғилган материаллар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим. Шу билан бир Қаторда, эксперт бухгалтернинг ёзма аризаси ёки талабномасига асосан қўшимча материаллар йиғиши ва жиноят содир этилган тизимдаги барча хужжатларни саклаб қолиши керақ Акс ҳолда, жиноятни содир этган шахс ёки моддий жавобгар шахс қўйидаги қалбаки хужжат ва ёзувларни йўқ килишлари мумкин.

а) хужжатларни олиб қўйиш далолатномаси ва уларни тикланганлиги туғрисидаги қарор, тинтув ва топиб олиш далолатномалари ва бошқа шунга тегишли бўлган хужжатлар.

б) айбланувчи ёки шубҳа, остидаги шахсларни тергов қилингани ҳақидаги далолатномаси, гувоҳларни тергов килинганлиги туғрисидаги далолатнома. Мисол учун инвентаризақия ўтказган комиссия аъзолари суроқ

килиниб, улар ўртасида юзлаштириш хулосалари.

в) ишга алоқаси бўлмаган, лекин далилий ашё сифатида терговчи томонидан ишга тикилган хужжатларнинг текширув далолатномаси.

г) эксперт бухгалтернинг хулосаси бошқа соҳа мутахассисининг хулосасига таяниши лозим бўлган мураккаб ҳолатларда, эксперт бухгалтерга шу соҳа мутахассислигининг хулосалари тақдим этилиши лозим. Масалан товаршунос - экспертининг хулосаси.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш шарт деб топилган ва бунинг учун хужжатлар етарли даражада йиғилгандан сунг, экспертизани тезкорлик билан бошлаб юбориш керақ Чунки экспертиза куп ҳолларда жуда чузилиб кетиши мумкин. Бу эса терговда салбий характерга эга.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш муддатини тайинлашдан аввал, терговчи эксперт олдига кўйиладиган саволлар тупламини тайёрлайди. Бундай саволларни тайёрлаб экспертга тақдим этиш учун терговчига иш юзасидан йиғилган материаллар етарли бўлиши, кисман булса ҳам иқтисодий билимларга эга бўлиши, у ёки бу корхананинг юритилаётган хисоб - китоб асослари билан танишган бўлиши керак Агар терговчи тафтиш материаллардан, ўтказилган инвентаризақия материалларидан ва бошқа материаллардан шубҳаланса, туғри эканига гумон қилса, у ҳолда ушбу материалларни экспертга топшириш билан бир қаторда тузилган саволлар тўпламига қўйидаги саволларни киритиши мумкин:

ўтказилган тафтиш, инвентаризация ёки бошқа турдаги текширувлар далолатномаларига асосланган ҳолда жиноий иш содир қилинган даври ёки текширувларда текшириш методлари тўлаконлигича олиб борилганлигини аниқлаш.

тафтишчилар хулосасига таяниб ушбу хулоса ва бошқа ҳужжатлар тўғри текширилганми?

инвентаризация ўтказилганлиги тўғрисидаги акт ва бошқа ҳужжатлар бухгалтерия, омбор ҳужжатлари билан фарқ қиладими хусусан

(санаси, имзоси, номланиши ва ҳоказолар), шундай мураккаб ва чалкаш жиноий ишлар бўлиши мумкинки, бундай холатларда терговчи эксперт олдига кўйиладиган саволларни маслаҳатчи-бухгалтер билан биргаликда тузиши керак бўлади. Бундай саволлар материалларни тайёрлашда терговчи маслаҳатчи-бухгалтер

сифатида таклиф этилган экспертни ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга. Агар эксперт - бухгалтер юқори малакали булса, у ҳолда терговчининг хоҳиши билан у ҳам маслаҳатчи-бухгалтер ҳам эксперт бухгалтер вазифасини ўташи мумкин. Бу эса ўз навбатида терговчининг ҳисоботида ва баённомасида қайд этилади.

Терговчи суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин ҳолда қарор чиқаради ва шу қарорни тасдиклатади. Терговчи қарорда қуйидагиларни курсатади:

а) экспертиза ўтказиш учун асос.

б) экспертиза ўтказувчи корхонанинг номи, манзилгоҳи, эксперт-бухгалтернинг фамилияси ва мансаби.

в) эксперт-бухгалтер олдига қўйилаётган саволлар тўплами.

г) экспертиза ихтиёрига тақдим этилаётган материаллар тўплами.

Амалиётда эса терговчилар ҳар вақт ҳам экспертиза ўтказиш учун асосни кўрсатавермайдилар. Баъзи ҳолларда эса чиқарилган қарорида ҳам экспертнинг ихтиёрига тақдим этилган материаллар рўйхатини курсатмайдилар. Бундай ҳоллар экспертни чалғитади, материаллар билан танишиб чиққунга қадар вақтини олади, аниқ бир хулоса айтолмайди, натижада экспертиза муддати чузилиб кетади. Терговчи иш юзасидан йиғилган материалларни экспертга тақдим этиб у билан шахсан танишади. Агар материаллар тўплами жуда катта, ёки бухгалтерия материаллари бўлмаган бошқа тергов материаллари билан аралаш ҳолда бир ишга тикилган бўлса, у ҳолда эксперт терговчи хузурида ўтириб материаллар билан танишиб экспертиза утказади. Қарорда иш юзасидан очилган

варакалар бетлари кўрсатилади. Бундай ҳол экспертни адашмасликка ёрдам беради.

Терговчи экспертга қўйидаги асосда иш юритиши учун шароит яратиб беради:

а) хулоса бериш учун асос бўлиб хизмат қилувчи хужжатлар (бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрлари, китоб ва журнал -ордер ва терговчи томонидан йиғилган бошқа материаллар);

б) экспертиза ишларига тааллукли бўлган хужжатлар (тергов далолатномалари, бошқа соҳа мутахассисларининг хулосалари);

в) далил сифатидаги ашёвий материаллар расм нусхалари.

Бухгалтерия хужжатлари терговчи томонидан эксперт учун бутун экспертиза ўтказиш даврига берилиши мумкин. Бошқа хужжатлар билан терговчи экспертни иш бошланиш арафасида ёки янги хужжат ва материаллар топилган заҳоти таништиради.

Агар эксперт — бухгалтер учун зарур булган хужжат йўқ бўлса ёки айбланувчи томонидан атайлаб йўқ қилинган бўлса, у ҳолда терговчи эксперт бухгалтер билан биргаликда бундай хужжатга тенг бўлган бошқа алмаштирувчи хужжат ахтарилади.

Давлатнинг ижтимоий мулкини муҳофаза қилиш борасида мамлакатдаги жиноий ишларга қарши курашда фақатгина юридик билимлар эмас, балки махсус иқтисодий билимлар ҳам зурурдир. Бундай билимлар жиноий ишларни тухтатишда, олдини олишда ўз самарасини кўрсатади. Хужалик жиноятлари ва мансабдор шахсларни уғирликлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш, ўрганишда махсус бухгалтерия ва бошқа иқтисодий билимлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Жиноятчиларни тезда ва тўлиқ аниқлашда хужаликда ҳар бир жиноятчини тўғри аниқлаш ва қонун билан жазолаш адолати қарорлар қабул қилиш ва хеч бир айбсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва қамалмаслиги лозим. Шунинг учун бухгалтерия ва иқтисодий билимларга эга бўлиш, суд-бухгалтерия ва бошқа иқтисодий экспертизани аниқ ўтказиш, хужжатли тафтишлар ва шунга ўхшаш

фанлардан фойдаланилган ҳолда, яъни суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилиши лозим. Суд-бухгалтерия экспертизаси турли қиррали фан бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан бухгалтерия ва иқтисодий ахборотларни аниқ юридик амалиётда ишлатишга қаратилган. Суд-бухгалтерия экспертизасининг мақсади юридик ишларни ҳил этишда бухгалтерия ва иқтисодий билимларга асосан қўшимча маълумотлар, ахборотлар, фактлар тўплашдир. Жиноий ишларни юридик ва терговчилар томонидан ечишда махсус мутахассис бухгалтерлардан фойдаланилади.

Махсус бухгалтер экспертчи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чикарилади. Ўзбекистон Республикаси жиноий ишлар кодексида, суд ишларини ҳал этишда мутахассис-бухгалтер экспертчи таклиф этилиши мумкинлиги курсатилган.

Суд тергов ишларида мутахассис-бухгалтерни ишлари қўйидагилардан келиб чиқади:

аниклаб топиш;

йиғиш:

бухгалтерия хужжатларини куриб чиқиш;

маълумот материалларини йиғиш

тафтиш утказмай мутахассис ёрдамида суд ишига керак материалларни тўплаш.

Бухгалтер мутахассис амалий ёрдам берганда қўйидагиларни аниқлашдан иборат:

керакли хужалик операқиясини таҳлил қилишда қайси бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисоб регистлари ахборотларига эга эканлигини аниқлаш;
белгиланган ҳужжатларни асл нусхаларини қаердан топиш мумкинлигини белгилаш. Бухгалтер мутахассис терговчига ортиқча кераксиз ҳужжатларни олиб келишга йўл қўймаслиги керак Олиб келинган ҳужжатларни мазмуни тушунарли, керакли ахборотларга эътибор берилганда олиб келинади.

Мутахассис бухгалтер терговчига иқтисодий иборалардан фойдаланишга ёрдам бериши лозим ҳамда хужжатларнинг сифатли-сифатсизлигига хулоса

беради.

Мутахассис маслахат беришда хужаликда булаётган опера-қияларни бухгалтерия ишларини ташкил этилишини аниқ равон қилиб маслаҳат бериши лозим. Терговчига инвентаризақия ўтказиш
тартибини, ўзаро қоплаш тартиби, молни кредитга сотиш тартиби, табиий камайишини қандай ҳисобланиш тартибларини кўрсатиши
лозим.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ниҳоятда кенг тарқалган турларидан бўлиб ҳисобланади, уни ўтказиш даврида суриштирув, тергов ёки суд тергови давомида бухгалтерия соҳасида махсус билимлар қўлланишини талаб этилган ҳолларда пайдо бўлади. Эксперт-бухгалтер ўз олдига қўйилган масалалар бўйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш хуқуқига эга эмас. У фақатгина ихтиёрига берилган материалларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Эксперт қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги фикрни экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида хам билдириши мумкин, бу оғзаки баённомага киритилади ёки ёзма равишда билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва тафтиш ўтказишда унга қандай материаллар кераклигини кўрсатиши зарур.

Эксперт материалларни йиғиб хулоса бериш имконияти бўлмаган вақтда экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд ҳаракатлари ўтказилиши зарур бўлса, эксперт уларда иштироқ этиш учун чақарилиши мумкин.

Жиноий ишлар кодексида бухгалтерия экспертизасининг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш фақатгина бухгалтерия фанини билимларига асосланади. Эксперт ўз хулосасида бухгалтерия ҳисоби билимидан ташқари бошқа соҳа мутахассисларининг фикри ва хулосаларидан фойдаланиш ҳукуқига эга. Бухгалтер экспертнинг ваколати, унинг олдига қўйилган масалалар, хужжатлар, саволлар билан чегараланган, ўз хулосасида фақат шу хужжатларга асосланиши

лозим. Эксперт бухгалтерлик ишига таклиф килинган шахс маълум талабларга жавоб бериши лозим..

Эксперт-бухгалтер эксперт ишларидан бош тортса ёки ўзини олиб қочганлиги учун терговчи ва судни таклифига келмаса, қалбаки ёлғон хулосалар бергани учун дастлабки тергов материалларини терговчининг рухсатисиз ошкор этса жиноий жавогарликка тортилади.

Терговчи экспертиза ўтказишни зарур деб топса, бу ҳолда қарор ёзади. қарорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолларда зарур бўлиб қолганлиги, экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертнинг ёки муассасанинг номи курсатилади. Эксперт ўз фикрини бериши лозим бўлган саволлар ва экспертга тақдим этилган материалларнинг рўйхати калинади. Экспертиза утказиш экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага топширилгандан кейин терговчи шу муассасага ўзининг қарорини ва экспертиза ўтказиш учун зурур материалларни юборади.

Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишига ҳақи бор, лекин шу чиқарилган қонун қоидага асосланган ҳолда фармонларга мувофиқ ўтказилиши лозим. Экспертиза ўтказиш учун ажратилган экспертлар
ўз фикрини беради ва шу берган фикрлари учун шахсан жавобгар бўладилар. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасининг рахбари экспертиза ўтказишни топширганда ҳар бир иш бўйича эксперт билан, яъни нотуғри ёлгон фикрлар бергани учун жавобгарликка тортилиши туғрисида тилхат олишга мажбур ва бу тилхат берилган фикр билан бирга терговчига юборилади.

Терговчи экспертиза ўтказиш хақида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўттказиш топширилган шахсни ўз ҳузурига чақиради ва Экспертнинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилади, унинг айбланувчи билан ҳамда жабрланувчига бўлган муносабатини белгилаб олади.

Терговчи экспертга экспертиза тайёрлаш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини беради ва унинг ўз ихтиёрига берилган материалларига ҳамда

ўзининг берган фикрларини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида қайд қилинади. Дастлабки терговда эксперт зарур текширишларни ўтказгандан кейин ўз фикрини ёзади. Экспертнинг бу фикрида экспертизани қаерда қачон ва ким ўтказганлиги, қандай нарса экспертиза претмети бўлганлиги, экспертиза қандай усуллар билан ўтказилганлиги ва қандай материаллардан фойдаланганлиги, экспертиза ўтказиш чоғида кимлар қўтнашганлиги курсатиши лозим. Шундан ташқари эксперт ўз олдига қўйилган саволларга берган жавобларини ва қандай асосларга кўра шу хулосаларга келганлиги баён қилинади. Экспертизанинг ёзиб берган фикри билан танишиб чиқгач, терговчи шу эксперт берган фикрини аниқлаб олиши ёки унга қўшимча киритиш мақсадида уни сўроқ қилишга ҳақлидир. Эксперт бу саволлар учун ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда бериши мумкин. Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади, бу баённомада айбланувчининг изоҳлари, эътирозлари ва илтимослари баён қилинади, эътирозлар билдирилгандан сунг, шунингдек экспертга қўшимча саволлар беришни ёки такрор экспертиза тўплашни терговчидан илтимос қилиши мумкин. Айбланувчининг эътирозлари ва қайта экспертиза тайинлаш илтимослари бўлмаган ҳолда терговчининг хужжатлари ва суд-бухгалтерия экспертининг хулосалари судга юборилади. Судда эса дастлабки тергов суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилганлиги, терговчининг берган саволлари ва материаллардан фойдаланилганлиги ва суд-бухгалтерия экспертизаси экспертининг хулосаси тулиқлиги кўриб чиқилади. Шулар мақсадида қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

экспертиза ўтказиш ёки тайинлаш ҳақидаги прокурорнинг қарори;

терговчи томонидан берилган саволлар буйича хулосанинг тулшушги;

айбланувчига ушбу қарорни тақдим этилганлиги, айбланувчининг эътироз билдирганми йуқўгиги, эътироз билдирган булса, уни талаби қондирилганлига ёки йўқлиги;

терговчига эксперт томонидан тақдим этишга материаллар учун ёзма

ариза берилганми йўқми, агар берилган бўлса, терговчи томонидан ушбу ариза қониқтирил ганми;

эксперт томонидан суд - бухгалтерия хулосасини ёзишга қийналаётганлиги ҳақадаги ҳабарномаси.

Агар айбланувчи томонидан суд — бухгалтер экспертига тақдим этилган тушунтиришлар ва кушимча материаллар берилган булса, бу ҳолда; - баённома ва хулосаларда уз аксини топганлиги ва айбланувчи бу хулосалар билан танишганлиги ёки танишмаганлиги;

эксперт хамма саволлар тўлиқ жавоб излагангигини хулосада акс эттирилиши;

агар баъзи бир саволлар ёритилмаган бўлса, нима сабабдан ёритилмаганлиги;

эксперт мутахассис хулосаси билан айбланувчи савол жавоб кдшинганлиги.

Ушбу материаллар, суд-бухгалтерия экспертининг хулосаси билан танишиб, суд - бухгалтерия экспертизаси ходимлари томонидан тузилган хулоса, суд томонидан тўғри деб хисобланади.

Суд қарорига биноан суд-бухгалтерия экспертлари суд залларига факдтгина зарур ҳоллардан чақирилишлари лозим. Лекин амалиётда, эксперт-бухгалтер қоидага биноан суд залларига таклиф қўлинадилар.

Таклиф қилинишдан мақсад суд-экспертизаси тайинлаш ва ўтказиш бўйича қонунга тўғри келадими йуқми, хулосада ҳамма саволлар ойдинлашганми ва тўлиқилиги тўғрисида суд экспертиза ўтказган экспертни таклиф қилади.

Экспертчини судга, дастлабки терговда катнашиб хулоса бергани учун чақирилади. Эксперт бухгалтер, суд томонидан сайланган, иш якунлари йўқотилмасдан бир неча кун илгари чақирилиши керак

Эксперт бухгалтер ҳам айбланувчига саволлар бериш ҳукуқига эга, хулоса бериш учун ва шу билан бир қаторда суд, айбланувчи, айбловчи, ҳимояловчилар ёзма равишда мутахассис экспертчига мурожаат қилишлари

мумкин.

Суд жараёнида хужжатлар, тикилган янги ҳужжатлар ва суд қатнашчилари томонидан қилинган таклифлар эксперт бухгалтерга ўрганиб чиқиш учун тақдим этилади. Агар қилинган таклифлар ва берилган материаллар бўйича қўшимча изланишлар керак бўлиб қолса, бу ҳолда суд вақтинча танаффус эълон қилади ҳар бир қўйилган саволлар бўйича эксперт бухгалтер ўз хулосасида, қисқа, яхлит ва ҳужжатларга асосланган ҳолда суд ҳайъатига жавоб бериш керак Агар бир неча экспертчилар томонидан хулосалар берилган бўлса, у ҳолда ҳамма бухгалтерлар билан келишилган ҳолда хулоса берилиб ҳамма мутахассислар томонидан имзоланади. Агар ҳар бир экспертчи ўз хулосаси билан келиша олмаса, у ҳолда ҳар бири ўз фикри бўйича хулоса беришга хақлидир.

Ҳар бир экспертчи мутахассис томонидан берилган хулосалар суд ҳайъатига танишиш учун берилади ва яна суд ҳайъати мутахассис бухгалтерларга саволлар беришини давом эттиради.

Мутахассис бухгалтер томонидан берилган оғзаки жавоблари суд мажлиси баённомасида ёзиб борилади.

Экспертчи бухгалтерлар суд залларидан фақат суд раисининг рухсати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Суд-бухгалтерия экспертиза бюроси ва унинг ишларини ташкил этиш

Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимининг барча муассасаларида ўтказилган суд-экспертизасининг ҳажми ва турларини, шунингдек илмий-методик жиҳатдан қўшимча бўйсундирилишини ҳисобга олган ҳолда уч бутинга бўлинади:

1. Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлигининг суд-бухгалтерлик илмий текшириш института тизимидаги бош институт сифатида такрорий бухгалтерлик экспертизаларини ўгказади;

2. Республика С.Б.Э. ва С.Б.Э.Илари;

3. Вилоят С.Б.Э.нинг филиал (бўлинма)лари.

Уларда барча турдаги суд-бухгалтерлик экспертизалари ўтказилади.

Ҳозирда қатор вазирликлар ва бошқармалар қошида ташкил қилинган эксперт муассасалари турли хил экспертиза ўтказиш мақсадида фаолият кўрсатиб келмокда.

Криминалистика экспертизасини ўтказиш учун қуйидаги криминалистик муассасалари тузилган:

— адлия вазирлиги қошидаги суд-экспертизалари илмий-тадаиқот институтлари ва лабораториялари;

— жумхурият ички ишлар вазирлиги бўлинмаларидаги оператив-техник бўлимлар;

— ҳарбий округдаги суд тиббий муассасаларидаги ҳарбий суд лабораториялар.

Ушбу муассасалар нафақат криминалистик экспертиза турларини бажариши балки экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган тааллукли органларнинг топшириτага кўра, кўпроқ экспертиза ўтказишлари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Адлия вазирлиги тизимидаги суд экспертизаси муассасаларида суд-бухгалтерлик ва суд-автотехник экспертизалар ўтказилиши тайинланган.

Ҳозирда эксперт бўлмаган муассасаларда ўтказилган эксперт текширишлар сони ошиб бораяпти. Суд ва тергов ходимлари тармоқларидаги ва академик илмий тадқиқот институтларига, саноат конструкторлик бюроларига ҳамда махсуслаштирилган лабораторияларга тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Экспертиза муассасалари фаолияти мақсадли ва белгиланган режага асосланади.

Турли вазирликлар ва идоралардаги экспертиза муассасалари ташкилий методик жиҳатдан муайян тизимни тузади. Улар устидан умумий раҳбарлик қилиш учун вазирликларда бўлимлар ташкил қилинган:

1. Адлия вазирлигида суд-экспертизалари муассасалари;

2. СОҒЛИҚНИ сақлаш вазирлигида суд тиббий бош эксперти ва бошқалар.

Суд-экспертизалари муассасалари иш фаолияти суд тергов амалиётидаги талаблар ва эҳтиёжлар билан белгиланади. Суд-экспертизаси илмий текшириш институти ва лабораторияларига қуйидаги асосии вазифаларни бажариш юклатилган:

1. Тергов ва суд органлари топшириғи билан жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича суд-экспертизалари ўтказиш;

2. Экспертизанинг назарий асослари ва янада мукаммал усулларини ишлаб чиқиш мақсадида илмий тадқиқот ишларини юритиш;

3. Экспертиза материаллари ва махсус билимлар асосида қонун бузилишларини огоҳлантириш бўйича ташкилий ҳамда илмий-техникавий таклифларни тузиш;

4. Тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишда терговчи ва судга илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш;

5. Прокурор текширув сабабли экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари бўйича ёзма, оғзаки маслаҳатлар бериш.

Эксперт-бухгалтернинг вазифаси суд-бухгалтерия экспертизаси предмети билан бевосита алоқадордир.

Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексининг 65-моддасига мувофиқ махсус билимлар эксперт-бухгалтерлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун асос булиб хизмат қилади, унинг бухгалтерия ҳисобидаги билимларини белгилайди. Эксперт ўз хулосаларига асосланиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги фанга боғлик бўлган илмий қоидаларни четлаб ўтишга ҳақли эмасдир.

Эксперт-бухгалтернинг вазифаси унинг хулоса ясаётган материали ҳажмига зҳам боғлиқ.

Эксперт ўз хулосаларида терговчи томонидан ишга киритилмаган ҳужжатларга асосланмаслиги керак

Агар эксперт ўз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган тақдим хужжатларининг барчасини ҳисобга олмаса, хулосалар ҳам юзаки бўлиб қолади

Эксперт жиноят таркибининг салбий томонларини аниқлаш масалалари бўйича, яъни умуман жиноий-ҳуқуқи масалалар бўйича хулосалар беришга ҳам ҳакли эмас. Шу билан бирга эксперт илмий-техникавий мазмунли ҲУКУҚ нормаларини қўллаши мумкин. Бу билан У ҳаракатнинг салбий томонларига баҳо беришга берилиб кетмасдан,. субъектнинг ҳукуқи техник нормаларига мувофиқ ёки номувофиқ томонларини аниклайди.

Амалиётда эксперт-бухгалтерлар тажрибасида унинг соҳасига тааллукли бўлмаган масалалар хам учраб қолади. Уларни икки тоифага ажратиш мумкин: фақат терговчи ҳал қила оладиган хуқуқшунослик масалалари ҳуқуқий бўлмаган, аммо бухгалтерлик ҳисобига алоқадор бўлмаган масалалар.

Биринчи тоифа учун тааллукли бўлган, масалан шундай савол туғилади: ўғирланган давлат маблағаларининг суммаси ҳакидаги тафтиш хулосаларини экспертиза тасдиқлайдими? Иккинчи тоифа учун қуйидаги саволлар характерлидир: а) раис М-евга ва бухгалтер Ш-евга белгиланган, яъни оширилган маош асослими? б)10-рақамли омборхонада саралангандан сўнг савдо тармоқларига чиқарилган картошканинг миқдори турлича эканлигининг сабаби нимада?

Иқтисодий жиноят билан бошқа ишни кўриб чиқишда эксперт бухгалтернинг махсус билимларидан аниқ фойдаланиш унинг рухсати билан масаланинг моҳиятига қараб аникданади. Унинг тўғри ҚУЙИЛИШИ бухгалтер-экспертнинг предмети ва вазифаси ҳамда экспертнинг вазифасига боғлиқ. Ўз навбатида эксперт-бухгалтернинг иши натижаси кўпинча қўйилган масаланинг моҳиятига қараб белгиланади. Шу боис уни муфассал кўриб чиқиш зарурдир.

Бухгалтер-экспертнинг бурч ва хуқуқлари ва унинг ишларини ташкил этиш

Суд-бухгалтерия эксперти жиноий иш жараён субъекти хисобланиб, жиноий иш аҳамиятига эга бўлган масалалар бўйича хулоса бериш учун жалб қўлинади.

Бунда эксперт фақат унга топширилган экспертиза предметига тааллуқли бўлган ва хулоса бериш учун аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича иш вазиятларини тадқиқ этишда ўз ваколатлари доирасида қатнашади. Суд ва суд жараёнида қатнашаётган томонлар экспертга фақат унга топширилган экспертиза ва у берган хулоса юзасидан мурожаат қилишлари мумкин.

Жиноий ишлар кодекси экспертга қўйиладиган қўйидага бурчларни белгилайди:

у терговчини чақириғига биноан келиши ва раҳбарнинг рухсати олинган ҳолда ишга объектив ёндашган бўлиши керақ Эксперт мутахассис берилган материалларни етарлича эмаслигини тезликда хабар бериши, берилган саволлардан четга чиқмаслиги лозим; бухгалтер-эксперт штатда турса-турмаса экспертизани фақат раҳбарнинг буйруғига асосан бошлайди. Эксперт бухгалтер ўз ваколати, хоҳиши билан ўзини четга олиши мумкин.

бухгалтер-эксперт, экспертиза ўтказиш предметига тегишли материаллар билан танишиб чиқиши лозим; ариза билан унга хулоса учун қўшимча. материал талаб қилиш хуқуқига эга;

терговчининг рухсати билан терговда иштирок этиши; эксперт-бухгалтер бошқа мутахассислар билан фикр алмашиши, биргаликда хулоса ёзиш ёки турли фикрлаш хуқуқига эга;

бухгалтер-экспертчи прокурорга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Жиноий процессуал қонунчиликда эксперт жиноий ишни қуришда қатнаша олмайдиган талабларни белгилайди. Жумладан, қўйидаги ҳолларда ишни кўриб чиқишда қатнаша олмайди:

агар эксперт жабрланган, фуқаро жавобгари, гувоҳ булса, шунингдек у ушбу ишда таржимон, терговчи, қораловчи, химояловчи, айбланувчининг қонуний вакили, жабрланувчининг вакили фуқаро давогари ёки фуқаро жавобгари сифатида қатнашган бўлса; агар эксперт жабрланувчининг, фуқаро давогар, фуқаро жавобгари ёки уларнинг вакилларининг қариндоши бўлса, қораловчи, химоячи, терговчининг қариндоши бўлса;

агар эксперт хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан қораланувчи, жабрланувчи, фуқаро даволари ёки фуқаро жавобгари қарам бўлган бўлса;

агар эксперт ушбу ишдан тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан манфаатдор деб ҳисоблаш учун асослаб берадиган бошқа вазиятлар бўлса;

агар ушбу иш бўйича тафтиш (солиқ қонунчилигига амал қилишни ҳужжатли текшириш) ўтказган бўлса ва бу тафтиш материаллар жиноий иш кузгатиш учун асос бўлиб хизмат қилган бўлса;

агар эксперт ишда мутахассис сифатида қатнашган бўлса;

экспертнинг ўз вазифасини билмаслиги аниқланса. Юқорида санаб ўтилган асослар мавжуд бўлганида эксперт айбланувчи, ҳимоячи, қораловчи, суд (судья), шунингдек жабрланувчи унинг вакили фуқаро даъволари, фуқаро жавобгари ёки уларнинг вакиллари томонидан ишдан четлаштириш мумкин.

Экспертнинг ишда бундан олдин эксперт сифатида қатнашиши мумкинлиги уни четлантириш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Суд эксперти қуйидаги хуқуқларга эга:

- экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни кўчириб олиш ёки нусха олиш;

экспертизани тайинланган орган ёки шахсга экспертиза ўтказишга рухсат бериш масалаларини қўйиш юзасидан таклифлар бериш;

хулоса бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва объектларнинг тақдим этилишини талаб қилиш;

экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсати билан тергов ва суд ҳаракатларини амалга оширишда қатнашиш, агар бу экспертиза предметига таалуқли маълумотларни аниқлаш учун зарур бўлса;

судда кўриб чиқиш жараёнида иш вазиятларини ўрганишда қатнашиш;

комиссия ёки комплекс экспертизасини тайинлашни сўраш;

тергов ҳаракатлари ёки суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим бўлган суд жараёни иштирокчилари томонидан унинг хулосасини нотўғри талқин этишга оид баёнотлар бериш;

қўйидаги ҳолларда экспертизани амалга оширишдан бош тортиш:

а) экспертизани тайинлашнинг процессуал тартиби бузилганда ва бу экспертиза ўтказишни кийинлаштирилганда ёки экспертиза ўтказишда имкон қолдирмаганда;

б) қўйилган масалалар эксперт ваколатлари (махсус аниқлашлар) доирасидан чиқиб кетганида.

Ваколатлар доирасидан чиқиб кетиш деганда қуйидагилар тушунилади:

бошқа билимлар соҳасига ўтиб кетиш; ҳуқуқ соҳасига ўтиб кетиш, махсус тадқиқларни иш бўйича тўпланган далилларни таништириш ва баҳолаш билан алмаштириш;

в) хулоса бериш учун зарур бўлган тадқиқ объектларида иш материаллари етарли бўлмаганда ва уларга қўшимча равишда объектлар ва хужжатлар тақдим этишдан бош тортилганда;

г) тадқиқотни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, методик восита ва асбоб-ускуналар бўлганида.

Суд экспертининг қўйидагиларга ҳаққи йук;

экспертизани ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича унинг иш якунидан номанфаатдорлигини шубҳа остига қуядиган иш жараёни иштирокчилари билан шахсий мулоқотларга киришиш;

экспертизани ўтказиш учун материалларни мустақил тўплаш;

экспертизани тайинланган орган ёки шахснинг рухсатисиз (ёзма равишда) экспертиза объектларини йўқ ва қилиш ёки уларни хусусиятларини ўзгартириш (хужжат ва предмедларга ёзувларни амалга ошириш, хужжатларни қирқиш, ҳисоб регистрларига ўзгартиришлар киритиш ва ҳоказо).

Суд экспертининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

узининг суд - эксперти сифатида четлаштирилиш учун қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганида зудлик билан бу ҳақда экспертизани тайинлаган органга ёки шахсга ёки бўлмаса суд -экспертиза муассаса раҳбарига хабар қилиши шарт;

четлаштирилиш учун асослар мавжуд бўлмаганида ёки бу хақдаги сўров қондирилмаганда унта тошпирилган экспертизани бажаришга қабул қилиш;

унга такдим этилган иш объектлари ва материалларини тўлиқ тадқиқ этиш ва ўз олдига қўйилган масалалар бўйича асосли ва холис хулоса бериш;

танитишни амалга оширадиган шахс, терговчи, прокурор ва суд чақирганда келиш ва унинг олдига қўйилган масалалар бўйича холис хулоса бериш;

дастлабки терговда ва судда ўтказилган экспертизани берилган хулоса билан боғлиқ масалалар бўйича курсатмалар бериш;

экспертизани ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлганда бу ҳақда экспертизани тайинланган органга ёки шахсга маълум қилиш;

иш ва вазиятлари туғрисида маълумотларни ёки экспертизани ўтказиш муносабати билан унга маълум бўлган бошқа маълумотларни ошкор этмаслиқ

ўтказилган экспертиза натижаларини экспертизани тайинлаган органлар шахсдан бошқа хеч кимга маълум қилмаслик;

тақдим этилган иш объектлари ва материалларни сақланишини таъминлаш.

Шуни тақидлаш лозимки, эксперт ва мутахассиснинг хукуқ ҳамда мажбуриятларини фарқлаш лозим. Эксперт тўпланиб бўлинган далиллар билан ишлайди, уларни ўрганиш ва махсус кўрсатмалар ёрдамида уларни тушунтириш натижасида янги факт ва маълумотларни (олдин терговчига маълум булмаган) олади.

Мутахассис терговчига далил исботларини аниклашда, бириктиришда ва олиб кўйишда ёрдам беради. Тергов ҳаракатларини амалга оширишда қатнашган мутахассис ишда эксперт сифатида иштирок эта олмайди.

Эксперт хулосаси қонунчиликка мувофиқ далилларнинг турларидан бири ҳисобланиб, амалга оширилган тадқиқотлар асосида берилади.

Эксперт олдига мутахассис ваколатлари доирасига кирадиган масалалар қўйилиши мумкин. Мутахассис олдига эксперт доирасига кирадиган масалаларни қўйишга йул қўйилмайди. Мутахассиснинг фикри эксперт хулосасига тенглаша олмайди.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1- Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий шакллари қандай?

2- Суд бухгалтерия экспертизаси бюроси ва унинг ишлари қандай ташкил этилади?

3. Бухгалтер-экспертнинг бурч ва хуқуқларини санаб беринг.

4.Бухгалтер-экспертнинг вазифалари кандай ташкил этилади?

Суд - бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари

Суд-бухгалтерия экспертизасияи ўтказиш асослари ва тартиби

Бухгалтерия экспертизасини тайинлаш асоси терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланади. Суд-бухгалтерия

экспертизасини тайинлаш учун зарур булган бир қатор ҳолатлар куйидагилардан иборат:

- тафтиш ва тергов материаллари мос келмаганда;

- айбланувчи тақдим этган хужжатлар тафтишчи томонидан қабул қилинмаган ҳолларда;

- маълум масалаларни хал этиш бухгалтерия ҳисобидаги махсус билимлар талаб қилиниши туғрисида айбланувчининг асосланган тафтишномаси мавжуд бўлганда;

- дастлабки ва такрорий тафтишлар хулосаларида зиддиятлар мавжудлиги;

- алоҳида масалаларни бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассис ҳал қилиши тўғрисида бошқа мутахассисдаги экспертнинг хулосаси мавжудлиги, тафтишчи томонидан моддий зарарни аниклашда қўлланган методларни нотуғрилиги аникланганда:

- суистеъмол ва товар моддий бойликларни топишда тафтишчи томонидан қулланган услуб ва методларни тўғрилиги ва тўла эканлигига ҳамда тафтиш хулосасига терговчининг гумони тўғрисида;

- кўрсатмалар ёки терговнинг бошқа материаллари билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларига тўғри келишини текшириш зарурияти тўғилганда;

- моддий жавобгар шахс келтирган зарарнинг миқдори ва даврини ташкилот бухгалтерияси тўғри аниқланганлигини текшириш зарурияти;

- моддий жавобгар бўлган шахсларни аниқлаш зарурияти;

- камомадларни яшириш имкониятлари бухгалтерия хисоби, ҳисоботи ва назоратдаги камчиликлар, мавжуд қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида бўлганда уларни аниқлаш;

- хужжатли тафтиш тартиби тўғри ўтказилиб ва тафтишчининг нотўғри харакатлари тафтишчининг тафтиш қилинаётган корхона ходимлари билан ишга тааллукли бўлмаган алоқалари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда.

• Суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланишига умумий асос суд, терговчи

томонидан қабул қилинган материалларни текшириш натижаси бўлади.

Хўжалик ҳисоби амалиёти ва назариясига доир бухгалтериянинг махсус билимларини қўллашни талаб қилиши аникланганда бўлади. Юқорида келтирилган вазиятлар бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун асос бўлиши мумкин.

Терговчи ёки суд ишидаги аниқ бир вазият оқибатида келиб чиқадиган саволларни ўрганиб, уларни характерига қараб, бу саволни
хал қилиш учун экспертиза ўтказилиш кераклиги ёки керак эмаслигини ҳал килади.

Ўзбекистон жиноят- процесуал қонуни асосида тергов ва суд муҳкамаси даврида жиноий иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган қўйидаги ҳолларда суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланади: иш ҳолати билан тафтишни маълумотлари ўртасида қарама-каршилик мавжуд бўлса;

бошлангич ва тақоорий тафтишни далолатномалари ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқса;

текшириш жараёнида тафтишчилар томонидан нотўғри метод қўлланилгани ҳақида ёки уларнинг якунларининг нотўғрилиги ҳақида объектив маълумотлар мавжуд бўлса;

- мансабдор шахснинг тафтиш якунидан норозилиги етарли даражада асосланган бўлса;

- ҳисоб ва ҳисобот ишлари билан боғлиқ бошқа жанжалли масалалар келиб чиқса.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан бирор ахборот, яъни гувоҳларнинг кўрсатуви ёки бошқа маълумотлар бўлса ҳам экспертиза тайинлаб эксперт фикрини олиш зарур.

Бошқа ҳолларда экспертиза жиноий иш юзасидан олиб борилаётган тергов даврида ёки суд муҳокамасида махсус билим талаб қилиниб қолгандагина тайинланиши мумкин.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишнинг асоси жиноий ишларни аниқ вазиятлари билан белгиланади.

Кабул қилинган жиноий ишларда келиб чиққан саволларга терговчи бухгалтерия ҳисоби саҳасидаги махсус билимлардан фойдаланилмасдан туриб жавоб олинмаса, суд-бухгалтерия экспертизаси тайинланади.

Терговчи бухгалтерия хисоби соҳасидаги маълум назарий билимларга ва амалий тажрибага эга бўлиб, бундан терговчининг фаолиятларида фойдаланади. Масалан, терговчи жиноий ишга қўшимча бухгалтерия ҳужжатлари, регистрларини ўрганиш жараёнида янги фактларни аниқдайди. Лекин мазкур жиноий ишни чуқурроқ ўрганиб, қўйилган саволга аниқ жавоб беришда терговчи эксперт-бухгалтер ўрнини боса олмайди.

Агар кўрилаётган иш материалларидан мураккаб бўлмаган ҳисоб-китоблар, яъни моддий зарарни корхона кассири келтирган камомад суммасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ҳолларда бухгалтерия.экспертизаси тайинланмайди.

Бундай ҳисоб-китобларни терговчи ёки унинг топшириғи билан мазкур ташкилот тафтишчиси ёки бухгалтерия бажаради.

Бухгалтерия экспертизаси тафтиш материаллари ҳамда ташкилотлар томонидан терговчига тақдим этилган хужжатлар ва ҳисобдаги ёзувлар бўйича ҳам тайинланиши мумкин.

Баъзан эксперт-бухгалтер олдига бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тафтишчилар томонидан текшириш методлари, Қанчалик тўғрилиги, шунингдек топшириқни бажаришда тафтишчи барча имкониятлардан фойдаланганлиги тўғрисида саволлар қўйилади.

Бундай саволлар буйича суд-бухгалтерия экспертизаси тафтиш материалларини терговчи томонидан атрофлича ўргангандан кейин тайинланади. Агар айбланувчи тафтиш жараёнида нотўғри услулар қулланилганлиги тўғрисида ахборот бериб мурожаат қилса, терговчи бундай баённи қанчалик асосли эканлигини текшириши лозим.

Тафтишда йўл қўйилган хато ва умумий тартибга риоя қилмаслик ҳоллари бухгалтерия ҳисоби материалларини текширишда қўлланувчи тафтишнинг умумий методлари ва алоҳида услубларида содир бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолларда тафтишчи хамма услублардан фойдаланганлиги,

қўлланилган услубларнинг тўғри эканлигига эксперт хулосасиз ишонч ҳосил қилинмайди.

Жиноий иш судга келиб тушгандан сунг айбланувчини судга топшириш масаласи ҳал қиилинади. Агар дастлабки терговда ушбу иш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган бўлса, унинг тайинланиш асоси, жиноий процессуал нормаларга бўлган талабларнинг риоя қилиниши, эксперт - бухгалтер хулосаси етарли эканлиги аниқланади. Бунинг учун қўйидаги масалалар текширилади:

- терговда экспертиза ёрдамида жиноий ишни тўғри тушуниш учун бухгалтерия ҳисоби соҳасида махсус билимлар зарурлиги;

терговчи фармойишида экспертиза тайинланиш асоси кўрсатилганлиги;

- хулоса бериш учун эксперт-бухгалтерия саволлари тузилганлиги;

- экспертиза тайинланиши тўғрисидаги фармойиш айбланувчига тақдим этилганлиги;

- эксперт-бухгалтер қўшимча материаллар сўраб, мурожаат қиллганми, агар шундай муржаатнома бўлса, у қаноатлантирганми?

- эксперт-бухгалтернинг текширилган материаллар бўйича хулоса туза олмаслиги тўғрисида маълумотнома тузилмаганми?

- эксперт-бухгалтер хамма саволлар бўйича хулоса берганми, хулосада баъзи бир саволларга жавоб бўлмаса, унинг сабаблари кўрсатилганми?

Эксперт-бухгалтер ёрдамида ҳал қилинувчи масалалар мумкинлиги аниқланиб, лекин тергов жараёнида суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилмаган бўлса, ўтказиш учун иши қўшимча экспертизага тавсия қилинади ёки суд мажлисига эксперт-бухгалтер чақирилади.

Суд томонидан тайинланган бухгалтер судда масала кўрилишидан бир неча кун олдин чақирилиб олинади ва унга суднинг тавсияномаси суд иши ҳамда хулоса беришда зарур бўлган ҳамма материаллар тақдим этилади.

Суд мажлисига чақирилган эксперт-бухгалтер шахси текширилиб, уни ҳуқуқ ва вазифалари билан таништиради. \

Эксперт-бухгалтер экспертиза масалаларига тааллуқли бўлган иш тафсилотларини текширишда қатнашади.

Текшириш якунларида тайёрланган жавоб- хулоса суд мажлисига тақдим этилган ҳужжатлар ва ишнинг варақаларига илова қилинган ҳолда аниқ ва қисқа бўлиши керақ

Бухгалтерия-экспертизаси тайинланганидан олдин терговчи жиноий ишдаги материалларни, айниқса, тафтиш ишларини чуқур ўрганиб, ундан кейин гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилиш масалаларини ҳал қилади. Агар шу ташкилотда тафтиш ўтказилмаган бўлса, уни ўтказиш масаласи муҳокама қилиниши тавсия қўлинади. Баъзи ҳолларда эксперт хулоса бериши учун ҳамма зарур ҳужжатлар, қайси материаллар етишмаганлиги кўрсатиб терговчига мурожаат килади.

Экспертиза ўтказиш зарур деб топилгандан сўнг терговчи қуйидаги бир қатор тайёргарлик ишларини бажаради.

- экспертиза текширишга тақдим этиладиган объектларни тўплаш, танлаш, сақлаш ва жўнатиш учун талабга жавоб берадиган шароитда ишга(делога) жойлаши;
- экспертиза ўтказувчи муассасани ёки экспертни танлаши;

тайин этилаётган экспертизани процессуал жойлаштириш, расмийлаштириш, яъни экспертизани тайин қилиш ҳақида махсус қарор чиқариши ва қарор билан айбдорни ва жараённинг бошқа иштирокчиларини таништириш. Экспертизага юбориладиган объект материални, далилий ашё ёки таққослаб кўрилувчи нусха, процессуал расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шундагина эксперт хулосаси далилий кучга эга бўлиши мумкин.

Экспертиза материалларини тайёрлаш даврида тўпланган материалларни терговчининг ўзи тахминий равишда текшириб кўриши керак Экспертиза муассасаларини ёки экспертларни танлаш терговчининг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Эксперт-бухгалтер ишининг хусусиятига кўра текширишда турли услублардан фойдаланади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик

операцияларини текширади, яъни у хужжатларни ҳисоб регистрларидаги ёзувларни, айрим ҳолатларда эса хужжатли тафтишни далолатномаларини, ҳисоботлар, айбланувчи ва гувоҳаарнинг кўрсатмалари ва бошқа соҳадаги экспертлар хулосасини тегишлича таҳилилдан ўтказади.

Эксперт-бухгалтер ищда бўлган мавжуд хужжатлар бўйича операцияларни ўрганади ва хулоса беради. Терговчи ва суд тақдим этган барча хужжатларни экспер-бухгалтер текширади.

Бухгалтерлик маълумотлари билан тасдиқланмаган айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган хулосалар текшириш жараёнида эксперт-бухгалтер хуқуқ доирасини ошириб юборганлигидан далолат беради, чунки кўрсатмаларни баҳолаш тергов ва судга таалуқлидир.

Агар хужалик операқияларини хужжатли маълумотларда нотўғри акс эттирилса, айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ҳисобга олиб эксперт бухгалтер баъзан шартли ёки альтернатив хулоса тузади. Масалан, товар-моддий бойликлар ҳаракатини текширишда инвентаризация комиссияси аъзолари ва моддий

жавобгар шахс ўртасида инвентаризациянинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида низо келиб чиқса эксперт-бухгалтер текшириш натижаларига кўра шартли хулоса ва бухгалтерия хужжатларига асосан қатъий хулоса беради.

Эксперт-бухгалтер текширишда норасмий бухгалтерлик хужжатлари ва оператив ҳисоби ҳам учраб туради.

Бухгалтерлик ҳисобида қайд этилмаган ва мазкур корхонада расман белгиланмаган хужжатлар норасмий ҳисоб хужжатлари деб тушунилади. Буларга моддий жавобгар шахслар томонидан олинган тилхатлар, хомаки хужжатга , кўчирилмаган ёзувлар ва бошқалар мисол бўла олади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташаббуси билан юритилиб операция, товар номлари моддий жавобгар шахслар номлари тўла кўрсатилмайди ва бухгалтерлик назоратидан четда қолади. Ҳисобни соддалаштириш мақсадида баъзан оператив ва бухгалтерлик ҳисобини қўшиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолларда ҳам оператив бухгалтерлик ёзувлари бир ҳил далилий аҳамиятга эга

бўлади. Бундан ташқари, қатор ҳолатларда айрим моддий жавобгар шахсларнинг, оператив ёзувлари ва норасмий материаллари ҳам далилий аҳамиятга эгадир.

Юқорида айтилган материаллар асосида содир этилган суистеъмол, моддий зарарни ўлчами, моддий зарарга жавобгарлар ва уларнинг ҳар бирининг жавобгарлик даражаси аниқланиши мумкинлиги сабабли эксперт-бухгалтерига чуқур ўрганиш тавсия қилинади.

Қушимча ва иккиламчи суд-бухгалтерия экспертизасиви утказиш

Ўзбекистон Республикаси процессуал кодексининг 143 -моддасига асосан терговда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш терговчи экспертиза ўтказишини зарур деб топса, бу ҳолда қарор ёзади. Қарорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолатларга кўра зарур бўлиб қолганлигини экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертнинг ёки муассасанинг номи кўрсатилади. Эксперт ўз фикрини бериш лозим бўлган саволлар ва экспертизагача тақдим этиладиган материалларнинг рўйхати баён қилинади.

Экспертиза ўтказиш экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага, тошпирилганда терговчи шу муассасага ўзининг қарорини ва экспертиза ўтказиш учун зарур материалларни юборади. Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишига ҳуқуки бор, лекин шу чиқарилган қонун - қоидаларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

Экспертиза муассасасида экспертиза ўтказилганда терговчининг қарорини олгач экспертиза ўтказиш муассасанинг бир нечта ходимлари билан ўтказилиши мумкин.

Эксперт ўтказилиши учун ажратилган экспертлар ўз фикрини билдиради ва берган фикри учун жавобгардир. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасанинг раҳбари экспертиза ўтказишни топширганда ҳар бир иш бўйича экспертиза нотуғри ёки ёлғон берилган фикр учун

жавобгарликка тортилиши ҳақида тилхат олади ва фикрлар билан терговчига тилхат юборади. Агар эксперт экспертиза ўтказаётганида иш учун аҳамияти бор бўлган лекин бу тўғрида унинг олдига масала қўйилмаган ҳолатларини мавжудлигини аниқласа у уз фикрларини беришга хаклидир.

Терговчи экспертиза ўтказиш ҳакида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўтказиш топширилган шахсни олдига чақириб, унинг айбланувчи ва жавобгарланувчига нисбатан муносабатини белгилаб олади.

Экспертнинг ихтисоси ва ишга лаёқатлилиги ҳакида зарур маълумотларни аниқлаб олади.

Шу экспертиза Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўзда тутилган хуқуқ ва бурчларни тушунтиради ҳамда унинг фикрини аниклайди. Терговчи экспертга экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор нусхасини беради ва уни ўз ихтиёрига берилган материалларга ҳамда ўзининг берган фикрини экспертиза тайёрланган қарорга тикиб қўяди. Шундан сунг эксперт ўз олдига қўйилган саволларга қўйилган жавобларни ва қандай асосларга кўра шу хулосага келганлиги баён қилинади.

Эксперт ёзиб берган фикри билан танишиб чиққан терговчи, шу эксперт берган фикрни аниқлаб олишни ёки қўшимча киритилгани учун уни сўроқ қилишга ҳақлидир.

Эксперт бу саволларга ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда бериши мумкин. Айбланувчининг фикри экспертга тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади, бу баённомада айбланувчининг изохлари, эътирозлари ва илтимослари баён қилинади. Эътирозлар билдирилгандан сўнг экспертга қўшимча саволлар беришни ёки такрор экспертиза тайинлашни терговчидан илтимос қилиши мумкин.

Жиноий иш судга келиб тушгандан сўнг айбланувчини судга топшириш масаласи ҳал қилинади. Агар дастлабки терговда ушбу иш бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказилган бўлса, унинг тайинланиш асоси, жиноий процессуал нормаларга бўлган талабларга риоя қилиниши, эски бухгалтер

хулосаси етарли эканлиги аникланади. Бунинг учун кўйидаги масалалар текширилади:

- терговда экспертиза ёрдамида жиноий ишни тўғри тушуниш учун бухгалтерия ҳисоби соҳасида махсус билимлари зарурлиги;
- терговчи фармойишида экспертиза тайинлаш асоси кўрсатилгани;
- хулоса бериш учун эксперт-бухгалтер саволи тузилганлиги;
- экспертиза тайинланиши тўғри фармойиш айбланувчига тақдим этилганлиги;
- айбланувчи томонидан олинган тавсифнома қаноатлантирганлиги, агар қаноатлантирмаса бу тўғрисида фармойиш чиқарилганми?
- эксперт-бухгалтер қўшимча материал сўраб мурожаат қилганми, агар шундай мурожаатнома булса, у қаноатлантирилганми?
- эксперт-бухгалтер томонидан текширилган материаллар бўйича хулоса туза олмаслиги тўғрисида маълумотнома тузилганми?
- агар айбланувчи эксперт-бухгалтерга тушунтириш хати бериб, қўшимча материаллар тақдим этса бу баённомада расмийлаштириш мумкинми? Эксперт хулосасида айбланувчи билдирган ҳамда тақдим этган қўшимча материаллари акс эттирилганми?
- эксперт-бухгалтер хамма саволлар бўйича хулоса берганми, хулосада баъзи бир саволларга жавоб бўлмаса, унинг сабаблари кўрсатилганми?
- агар хулоса бир неча эксперт-бухгалтер томонидан тузилган бўлса, уларнинг фикрлари бир хилми? Агар фикрларда келишмовчилик бўлса, терговчи томонидан қўшимча экспертиза тайинланганми?
- эксперт-бухгалтер ёрдамида ҳал қилинувчи масалалар мумкинлиги аниқланиб, лекин тергов жараёнида бухгалтер экспертизаси ўтказиладиган бўлса, ўтказиш учун иш қўшимча экспертизага тавсия қилинади ёки суд мажлисига эксперт-бухгалтер чақирилади.

Суд томонидан тайинланган эксперт-бухгалтер ишни судда кўрилганидан бир неча кун олдин чақирилиб олинади ва унга суднинг тавсифномаси суд иши ҳамда хулоса беришда зарур бўлган ҳамма материаллар тақдим этилади.

Суд мажлисига чақирилган эксперт-бухгалтер шахси текширилиб уни хуқуқ ва вазифалари билан таништирилади. Ёлгон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши туғрисида огоҳлантирилгандан сўнг иш материалларни текширишга рухсат берилади.

Эксперт-бухгалтер экспертиза масалаларига тааллукдш бўлган иш тавсияларни текширишда қатнашади.

Текшириш якунлари, тайёрланган жавоб-хулоса суд мажлисига такдим этилган ҳужжат ва ишнинг варақаларига илова қилинган ҳолда аниқ ва қисқа бўлиши керақ

Агар ишда бир неча бухгалтер мутахассислар қатнашса, умумий хулоса тузишади ҳамда бунга улар имзо чекишади.

Кушимча СБЭ ўтказиш учун терговчи СБЭ ни хулосаси билан танишиб чиқиб тушунтириш ва қўшимча қтилиш мақсадида қўишмча СБЭ белгилаш мумкин. Қушимча СБЭ ўтказишни терговчи ёки айбдорни тавсияномаси асосида белгилаш мумкин.

Қўшимча СБЭ ни биринчи хулоса берган экспертга топшириш анча вақтни ютишга олиб келади.

Иккиламчи СБЭ ни Ўтказиш, агар биринчи эксперт хулосасига шубҳаланса ёки у сифатсиз бўлса иккиламчи СБЭ белгиланади.

Иккиламчи СБЭ қўйидаги ҳолларда белгиланади:

1. Хулоса берган эксперт малакасиз бўлса;
2. Эксперт экспертиза вақтида берилган материаллардан яхши фойдаланмаган бўлса;
3. Эксперт керакли изланишни ўтказмаган бўлса;
4. Экспертиза ўтказиш тартиб-қоидалари бузилганда;
5. Биринчи экспертиза ўз ишини тугатганда терговчига материаллар келтирганда, ундаги материалларга карама-қарши бўлса.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1.Суд бугалтерия экспертизасини ўтказиш тартиби қандай?

2.Қўшимча суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш қандай олиб борилади?

3.Иккиламчи суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш қандай олиб борилади?

4.Суд бухгалтерия экспертизаси қандай белгиланади?

Суд бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш. Суд – бухгалтерия экспертизасини ахборот билан таъминлашнинг моҳияти.

Эксперт-бухгалтер ишнинг хусусиятига кўра текширишда турли услублардан фойдаланади. Ленин ҳар қандай ҳолда ҳам хўжалик операқияларини текширади, яъни у хужжатларни, ҳисоб регистрларидаги ёзувларни, хисоботларни, айбланувчи ва гувохларнинг кўрсатмалари бошқа сохадаги экспертлар хулосасини тегишлича таҳлилдан утказади.

Хужжатлар далиллар манбасига киритилган (масалан, инвентаризация қайдномаси далил хужжати ҳисобланиб, унинг ёрдамида товар-модий бойликларнинг ҳақиқий қолдиғи аниқланади) ушбу брйликларнинг талон-тарож қилинганлиги тўғрисидаги жиноий ишни тергов қилишда маълум аҳамият касб этади. Агар хужжат жиноятномаларга ошириш воситаси ёки ўзида жиноят изини сақлаб қолган бўлса, яъни жиноят объекти бўлса, бу ҳолда у ашёвий далил сифатида тасаввур этилади. Масалан, камомадни ёпиш учун кирим қилинмаган товарларни инвентаризация қайдномасига киритиш ёки қалбаки ишончнома хужжатни терговчи томонидан ашёвий далил деб тан олиниши қарор билан расмийлаштирилади ва текшириб чиқиш баёнида қайд этилади. Шундан кейин хужжат тергов юритилган ишга илова Қилиниши ёки корхонада сақлашга қолдирилиши мумкин.

Эксперт-бухгалтер ишда мавжуд бўлган хужжатлар бўйича операқияларни урганади ва хулоса беради. Терговчи томонидан

кўрилмаган хужжатлар билан эксперт-бухгалтернинг ишлаши мумкин эмас, чунки терговчи ва суд далилларининг мохияти бўйича текшира туриб эксперт-бухгалтернинг хужжатлар бўйича хулосаси ҳақўқий ва асосий эканлигини аниқлай олмаслиги мумкин. Терговчи ва суд тақдим этган барча экспертиза қилинадиган хужжатларни эксперт-бухгалтер текширади. Ҳужжатларнинг иккинчи ва кейинги нусхаларини (кўпайтирувчи қоғоз билан ёзилган) хамиша ҳам биринчи нусхадан кўчирма деб қараш мумкин эмас. Улар мустақил ҳужжат ҳисобланиб, эксперт-бухгалтер текшириш натижасида ушбу ҳужжатларга асосланиб хулоса беришга

Экспертиза амалиётида текшириш учун мутахассисга хужжатнинг фотонусхаси (расми) тақдим этилган, ҳолатлар ҳам учраб туради. Эксперт-бухгалтер учун бундай материаллар фақат қуйидаги ҳолатларда шубҳасиз булади:

-иш материалларида расм-нусх (фотокопия) каерданлиги маълум бўлиши керак;

- расм нусхадан хужжатнинг барча мазмуни тушунарли ва қийинчиликсиз уқий олишга имкон мавжудлиги;

Суд жараёнида ҳужжатларга тикилган янги ҳужжатлар ва суд қатнашчилари томонидан қилинган таклифлар эксперт терговчи бухгалтерга ўрганиб ишлаб чиқиш учун тақдим этилади. Агар қилинган таклифлар ва берилган материаллар буйича қўшимча изланишлар керак бўлиб қолса, у ҳолда суд вақтинча танаффус эълон қилади. ҳар бир қўйилган саволлар бўйича эксперт бухгалтер ўз хулосасида қисқа, яхлит ва хужжатларга асосланган ҳолларда суд хайъатига жавоб бериши керак. Агар бир нечта экспертчилар томонидан хулосалар берилган бўлса, у ҳолда ҳамма бухгалтерлар билан келишилган ҳолда хулоса берилиб ҳамма мутахассислар томонидан имзоланади. Агар ҳар бир экспертчи бошқаларнинг хулосаси билан келиша олмаса, у ҳолда ҳар бири ўз фикри бўйича хулоса беришга ҳақўқлидир. Ҳар бир экспертчи мутахассис томонидан берилган хулосалар

суд ҳайъатига танишиш учун берилади ва яна суд ҳайъати мутахассис бухгалтерга саволлар беришни давом эттиради. Мутахассис бухгалтерлар томонидан берилган оғзаки жавоблар суд мажлиси баённомаларида ёзиб борилади. Экспертчи бухгалтерлар суд залларидан фақат суд раисини рухсати билан чиқиб кетиши мумкин. Саволлар беришни ёки такрор экспертиза тайинлашни терговчидан илтимос қилиши мумкин. Айбланувчининг эътирозлари ва қайта экспертиза тайинлаш илтимослари бўлмаган ҳолда терговчининг хужжатлари ва суд бухгалтерия экспертининг хулосалари судга юборилади.

Судда эса дастлабки суд бухгалтерия ўтказганлиги, терговчининг берган саволларидан ва материалларидан фойдаланганлиги ва суд бухгалтерия экспертизаси экспертнинг хулосаси тулиқлиги кўриб чиқилади. Шулар мақсадида куйидаги саволлар кўриб чиқилади:

- экспертиза утказиш ёки тайинлаш ҳақидаги прокурорнинг карори;

терговчи томонидан саволлар бўйича хулосанинг тўликлиги.

- айбланувчига ушбу қарорни такдим этилганлиги, айбланувчи эътироз билдирган бўлса унинг талаби қондирилганлиги ёки йуқлиги;

- терговчи эксперт томонидан қўшимча материаллар учун ёзма ариза берилганми йўқми, агар берилган бўлса терговчи томонидан ушбу ариза қониқтирилганми;

- экспертчи томонидан суд бухгалтерия экспертизаси хулосасининг ёзилиши.

Агар айбланувчи томонидан суд бухгалтер экспертга тушунтиришлар ва қўшимча материаллар берилган бўлса, у ҳолда баённома ва хулосаларда айбланувчининг бу хулосалар билан танишганлиги ёки танишмаганлиги айтилади.

Экспертчи хамма саволларга тўлиқ жавоб изланганлиги хулосада акс эттирилади. Агар баъзи бир саволлар ёритилмаган бўлса, нима сабабдан ёритилмаганлиги кўрсатилади.

Суд қарорига биноан суд бухгалтер-экспертлари суд залига фақатгина зарур ҳолларда чакирилишлари лозим. Лекин, амалиётда эксперт-бухгалтер қоидага биноан суд залларига зарур вақтда

таклиф қилинадилар.

Таклиф қилинишидан мақсад, суд экспертизаси ўтказиш бўйича қонун тўғри келадими йуқми, хулосада хамма саволлар ойдинлашганми ва тулуқлиги аниқланади.

Экспертчини судга дастлабки терговда қатнашиб хулоса бергани учун чакирилади. Экспертчи бухгалтер (суд томонидан сайланган) ишлаб чиқариш якунлари ўқилмасидан бир неча кун илгари чақирилиши керақ Экспертчи бухгалтер ҳам айбланувчига саволлар бериш хуқуқига эга. Хулоса бериш учун ва шу билан бир қаторда суд, айбланувчи, айбловчи, ҳимояловчилар ёзма равишда терговчининг рухсатисиз ошкор этса жиноий жавобгарликка тортилади.

Терговчи экспертиза ўтказишни зарур деб топса, бухгалтер у ҳолда қарор ёзади. Карорда экспертиза ўтказиш қандай ҳолларда зарур бўлиб қолганлиги, экспертиза ўтказиш топширилаётган экспертнинг ёки мутахассиснинг номи кўрсатилади. Эксперт ўз фикрини бериш лозим бўлган саволлар ва экспертга тақдим этилган материалларнинг рўйхати баён қилинади. Экспертиза ўтказиш учун экспертиза билан шуғулланувчи тегишли муассасага терговчи ўзининг қарорини , ва экспертиза ўтказиш учун зарур материалларни юборади.

Терговчининг экспертиза чоғида ҳозир бўлишга ҳаки бор, лекин шу чиқарилган қонун - қоидага асосланган ҳолда чиқарилган фармонларга мувофиқ ўтказилиши лозим. Экспертиза ўтказиш учун ажратилган экспертлар ўз фикрини беради ва шу берган фикрлари учун шахсан жавобгар бўладилар. Тегишли экспертиза ўтказувчи муассасанинг раҳбари экспертиза ўтказишни топширишганда ҳар бир ишлаб чиқариш бўйича эксперт билан яъни нотўғри, ёлғон фикрлар бергани учун жавобгарликка тортилиш тўғрисида тилхат олишга мажбур ва бу тилхат берилган фикрлар

билан бирга терговчига юборилади.

Терговчи экспертиза ўтказиш ҳақида қарор чиқаргандан кейин шу экспертизани ўтказиш топширилган шахсни ўз хузурига чақиради ва экспертнинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилади, унинг айбланувчи билан суҳбатлашган ҳолда айбланувчига бўлган муносабатини белгилаб олади. Терговчи экспертга экспертиза тайёрлаш тўғрисидаги қарорни нусхасини беради ва унинг ўз ихтиёрига берилган материалларга ҳамда ўзининг берган фикрларини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорида қайд қилинади. Дастлабки терговда эксперт- зарур текширишни ўтказгандан кейин ўз фикрини ёзади. Экспертнинг ўз фикрида экспертизани каерда, қачон ва ким ўтказганлиги, қандай нарса экспертиза предмети бўлганлиги, экспертиза қандай усуллар билан ўтказилганлиги ва материаллардан фойдаланганлиги, экспертиза ўтказиш чоғида кимлар қатнашганлиги кўрсатилиши лозим. Шундан кейин эксперт ўз олдига қўйилган саволларга берган жавобларини ва қонунан асосларга кўра шу хулосаларга келганлиги баён қилинади.

Экспертнинг ёзиб берган фикри билан танишиб чиққан терговчи шу эксперт берган фикрни аниқлаб олиши ёки унга қўшимча киритиш мақсадида уни суроқ қилишга хақлидир. Эксперт бухгалтер саволлар учун ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда бериши мумкин.

Экспертнинг фикри айбланувчига тақдим этилганлиги тўғрисида терговчи баённома тузади. Ваённомада айбланувчининг изоҳлари, эътирозлари ва илтимослари баён қилинади. Эътирозлар билдирилгандан сўнг, шунингдек экспертга тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд харакатлари ўтказилиши мумкин.

Суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарорни буйруқда юборади, улар ўз йўли билан ўзларининг ходимларини ёки хисобда турган малакали билимга эга бўлган шахс тайинланади. Суд - бухгалтерия экспертизасининг олдига қўйилган вазифаларини ҳал этиш фақатгина бухгалтерия фанини билимларига асосланади. Эксперт ўз

хулосасида бухгалтерия ҳисоби билимидан ташқари илмий шакллардан фойдаланиш хукуқўга эга. Бухгалтер-экспертнинг ваколатида, унинг олдига қўйилган масалалар, хужжатларга асосланиши лозим. Эксперт-бухгалтер (ишга таклиф қилинган шахс) маълум талабларга жавоб бериши лозим.

Энг аввалам бор, у малакали мутахассис ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган объектив усулда ёндашган ҳолда хулоса берувчи шахс бўлиши лозим. Жиноий ишлар кодекси экспертга қўйиладиган қуйидаги бурчларни белгилайди:

-у терговчи чақириғига биноан келиши ва рахбарнинг рухсати олинган ҳолда ишга объектив ёндашган бўлиши керак Эксперт мутахассис берилган материалларнинг етарлича эмаслигини тезликда хабар бериши лозим.

-бухгалтер эксперт экспертизани фақат рахбарнинг буйруғига асосан бошлайди.

- эксперт бухгалтер ўз ваколати, хоҳиши билан ўини четга олиши мумкин: а)ўзи айбдор билан боғлиқ бўлса; б)илгари тафтиш ўтказган бўлса; в)агар ўзининг шу ишда иштироқи малум бўлса.

Жиноий ишлар бўйича бухгалтер-экспертнинг хуқуқлари қуйидагилардан иборат:

-бухгалтер-эксперт, эксперт ўтказиш объектига тегишли материаллар билан танишиб чиқиши лозим;

- хулоса ёзиш учун зарур бўлгар қушимча материал талаб қилиш ҳиуқукига эга;

-терговчининг рухсати билан терговда иштироқ этиши, эксперт-бухгалтер бошқа мутахассислар билан фикр алмашиши, биргаликда хулоса ёзишлари ёки турлича фикрлашга эга бўлишган тақдирда ҳар хил хулосалар ёзишлари мумкин;

-бухгалтер-экспертчи терговчи харакатидан прокурорга шикоят билан мурожат қилиши мумкин.

Эксперт-бухгалтер хулоса беришдан бош тортса, суд ва терговчининг таклифи бўйича келмаганлиги, қалбаки ёлғон хулоса

бергани учун ва ниҳоят прокурор ёки терговчининг рухсатисиз бошлангич тергов ёки тадқиқотга халақит берганлиги учун жиноий жавобгардир.

Бухгалтер мутахассис амалий ёрдам берганда қуйидагиларни аниқлаши лозим:

-керакли хўжалик операқиясини таҳлил қилишда қайси бухгалтерия хужжатлари ва ҳисоб регистрлари ахборотларига эга эканлигини аниқлаш;

-белгиланган хужжатларни асл нусхаларини қаердан топиш мумкинлигини белгилаш. Бухгалтер мутахассис терговчига ортиқча кераксиз хужжатларни олиб келишга йул қуймаслик керақ. Олиб кетилган хужжатларнинг мазмуни тушунарли, керакли ахборотларга эътибор берилган ҳолда олиб келинади. Мутахассис бухгалтер терговчига иқтисодий иборалардан фойдаланишга ёрдам бериши лозим ҳамда хужжатларнинг сифатли-сифатсизлигига хулоса беради.

Мутахассис масалаҳат берганда ҳужаликда содир булаётган операциялар, бухгалтерия ишларини ташкил этилиши ҳақида аниқ равон қилиб маслаҳат бериши лозим. Терговчига инвентаризация ўтказиш тартибини, ўзаро қоплаш тартиби, молни кредитга сотиш тартиби, табиий камайишни қандай ҳисоблаш тартибларини кўрсатиши лозим.

Суд бухгалтерия экспертизаси ниҳоятда кенг тарқалган турларидан бўлиб ҳисобланади, уни ўтказиш вақтида суриштирув, тергов ёки суд тергови давомида бухгалтерия соҳасида махсус билимлар қўлланилиши талаб этилади. Экспертиза бухгалтернинг ўзи олдига қўйилган масалалар бўйича маълум фикр чиқариш учун зарур бўлган материалларни тўплаш хуқуқига эга эмас, у дастлабки берилган материалларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Агар материаллар хулоса бериш учун

етарли бўлмаса эксперт-бухгалтер Ўбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг тегишли талабларига мувофиқ бу хақда экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Эксперт қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги қарор эълон қилинган вақтда ҳам, шунингдек уни ўтказиш давомида, бухгалтер хулосаси оғзаки ёки ёзма равишда билдирилиши мумкин. Эксперт айнан қандай қўшимча материаллар ва тафтиш ўтказишда унга қандай материаллар кераклигини кўрсатиш зарур.

Экспертнинг фикри рад этилган вақтда материалларни йиғиб хулоса бериш имконияти бўлмаган вақтда эса экспертиза тайинлаган органларга хабар беради. Агар қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги тавсиянома муносабати билан тергов, суд ҳаракатлари:

а) экспертиза ишларига тааллуқли бўлган хужжат.лар (тергов далолатномалари, бошқа соҳа мутахассисларини хулосалари);

б) далил сифатидаги ашёвий материаллар фото нусхалари, бухгалтерлик хужжатлари терговчи томонидан эксперт учун бутун экспертиза ўтказиш даврига берилиши мумкин. Бошқа ҳужжатлар билан терговчи экспертни иш бошлаши арафасида
ёки янги хужжат ва материаллар топилган заҳоти таништиради.

Агар эксперт-бухгалтер учун зарур бўлган хужжат йўқ бўлса ёки айбланувчи томонидан атайлаб, йўқ қилинган бўлса, у ҳолда терговчи эксперт-бухгалтер билан биргаликда бундай ҳужжатга тенг бўлган бошқа алмаштирувчи хужжат қидирилади.

Суд-бухталтерия экспертизасини материал ва маълумотлар билан таъмиялаш хусусиятлари.

Суд-бухгалтерия экспертизаси шундай ҳолатларда белгиланадики, унда кузатилган жиноий ишнинг терговини олиб

борувчи терговчи, ишни сифатли ва қонунан тўғри боришида албатта чуқур ва юқори савияли бухгалтерлик билимлар лозим деб топса. Албатта ишни олиб борувчи терговчи ҳам маълум бир бухгалтерлик билимларга эга бўлишида оддий ҳисобларни ўзи бажариши ёки тергов вактида айбланувчини ёхуд таҳилил этиши мумкин. Хусусан .иш юзасидан жиноий ишга кўл урган шахслар моддий жавобгар шахслар юритган хар бир ҳужжат ва материалларни таҳлил қилиб, янги фактларни очиши ҳам мумкин. Лекин, бундай ҳолатларда терговчи суд-бухгалтерия экспертининг ёрдамисиз кўзланган ютуққа эриша олмайди.

Эксперт-бухгалтернинг хулосасисиз терговчи иш юзасидан қуйидаги масала ва саволларни ҳал этишга хақ-хуқуқи бор. Бунда у бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари билан таниш бўлгани учун қуйидаги саволларни ҳал этиши мумкин: жиноий иш юзасидан йиғилган материалларда бухгалтерия-арифметик ҳисоб-китоблар, ушбу ҳисоб-китоблар камомадни аниқлаш, кассирдаги ортиқча ёки етишмайдиган пул суммасини аниқлаш ваҳоказолардир. Бу ҳолларда бухгалтерия-экспертизаси белгиланмайди.

Терговчига тафтиш хулосалари ва якуний ҳисоб-китоблар ҳужжати тақдим этилса, ёки корхонанинг ҳисоб ёзувлар терговчи шахсан ўзи текширса бухгалтерия экспертизаси тайинлаш мумкин. Баъзан эксперт-бухгалтер олдига ўтказилган тафтиш маълумотларини текшириш таҳлил этиб хулоса бериш, тафтишнинг сифатига баҳо бериш каби саволлар ҳам қўйилади. Бундай кўринишдаги суд-бухгалтерия экспертизасида терговчи томонидан йиғилган материалларни обдон кўздан кечириб, танишиб текширади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташаббуси билан юритилиб муомалада товар номлари моддий жавобгар шахслар номларини тўла кўрсатмайди ва бухгалтерлик назоратидан четда қолади. ҳисобни соддалаштириш мақсадида баъзан оператив ва

бухгалтерлик ёзувлари бир хил далилий аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари, қатор ҳолларда ҳам айрим моддий жавобгар шахсларни оператив хужжатлари, оператив ёзувлари ва бошқа норасмий материаллар ҳам далилий аҳамиятга эгадир.

Эксперт-криминалистнинг расмга олишда бир неча хужжатларнинг айрим қисмлари эмас, балки яхлит ҳужжат фойдаланилганлигини тасдиқловчи хулоса бўлиши шарт.

Текширишда хужжатнинг расм нусхаси асос қилинса, эксперт-бухгалтер ўз хулосасида бу тўғрида айтиши керак Эксперт-бухгалтер баъзан шундай фактларга дуч келадики, бунда бирламчи бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрлари жамловчи ва гурухли қайдномаларни йуқотилганлиги сабабли тафтишчи ёки ҳисоб ходимлари томонидан бухгалтерия операциялари тикланади.

Тикланган маълумотларга асосан мутахассис-бухгалтер одатдаги эксперт-текширишдаги масалаларни хал қилади. Текширишда бўлмаган хужжатларни тиклаш тартиби бухгалтерия хисобининг юритиш шаклига (мемориал-ордер ёки журнал-ордер шакли) тақдим этилган, хужжатларнинг канчалик тўлалигига боғлиқ Мутахассис-бухгалтер иш фаолиятида бухгалтерия хужжатларидан ташқари ҳам турли иш материалларини ўрганишга тўғри келади. Айбланувчи ва гувоҳларни сўроқлаш баённлари, тушунтириш хатларида у ёки бу хужжатнинг тузилиши ҳамда ушбу хужжатда акс эттирилган операцияни бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, моддий зарарларнинг вужудга келиш сабаблари, ҳисобдаги хатолар тўғрисида маълумотлар, хужжатли тафтиш далолатномалар, моддий зарарнинг ўлчамини аниқлашда моддий жавобгар шахснинг эътирозини тушунтирувчи маълумотлар мавжуд.

Ишнинг бошқа материалларини текширишда айбланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари хужжатли маълумотлар билан тасдиқланиши аниқланади.

Бухгалтерлик маълумотлари билан тасдиқланмаган айбланувчи ва

гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланган хулосалар текшириш жараёнида эксперт-бухгалтер хуқуқ доирасини ошириб юборганлигидан далолат беради, чунки кўрсатмаларни баҳолаш тергов ва судга тааллуқлидир.

Агар хужалик операциялари хужжатли маълумотларда нотўғри акс эттирилса, айбланувчи ва гувохларнинг кўрсатмаларини хисобга олиб эксперт-бухгалтер баъзан шартли ёки альтернатив хулоса тузади. Масалан, товар-моддий бойликлар харакатини текширишда инвентаризация комисссияси аъзолари ва моддий жавобгар шахс ўртасида инветаризациянинг тўғри ўтказилганлиги тўғрисида низо келиб чиқса эксперт-бухгалтер текшириш натижаларига кўра шартли хулоса ва бухгалтерия хужжатларига асосан катъий хулоса беради.

Эксперт-бухгалтер текширишда норасмий бухгалтерлик хужжатлари ва оператив ҳисоби хам учраб туради.

Бухгалтерлик ҳисобида қайд этилмаган ва мазкур корхонада расман белгиланмаган хужжатлар норасмий ҳисоб хужжатлари деб тушунилади. Буларга моддий жавобгар шахслар томонидан олинган тилхатлар хомаки хужжатга кўчирилмаган ёзувлар ва ҳоказолар мисол бўла олади. Бундай хужжатлар савдо ходимлари ташаббуси билан юритилади ва товар номларини, моддий жавобгар

шахслар номларини тўла кўрсатмайди ва бухгалтерлик назоратидан

четда қолади.

Юкорида айтилган материаллар асосида содир этилган суъистеъмол, моддий зарарнинг ўлчами, моддий зарарга жавобгарлар ва уларнинг ҳар бирининг жавобгарлик даражаси аниқланиши мумкинлиги сабабли эксперт-бухгалтерга чуқур ўрганиш тавсия қилинади. Оператив ва норасмий материаллар ўзига хос ва бухгалтерия ҳисобига ёрдамчи харектерга эга бўлганлиги учун эксперт-бухгалтер улардан ёрдамчи материал сифатида фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Оператив ва норасмий ёзувларнинг расмий ҳужжатларга ва бухгалтерия хисоби регистрларига бўлган муносабатига кўра уларни қуйидаги гурухларига ажратиш мумкин:

1.Тегишли йўриқномаларда белгиланган, лекин бухгалтерия ҳисобида бевосита қўлланмайдиган хужжатлар, масалан, касса паттаси (чек).

2.Мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан ихтиёрий равишда тузилувчи ҳужжатдир. Бундай хужжатлар моддий зарар ўлчамини ёки моддий жавобгар шахслар доирасини аниқлашга асос бўлмаса ҳам, лекин эксперт-бухгалтерга хисоб регистрларидаги ёзувлар ва расмий хужжатларга асосан аниқланган фактларни тўла тушунтиришга ёрдам беради. (Масалан, камомад аниқланганда моддий жавобгар шахслар тақдим этган тилхатлар).

3.Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тўлдирувчи ва тушунтирувчи, ёки мустақил аҳамиятли оператив ҳисоби регистрлари, Оператив ҳисоби регистрларига омборларда юритилувчи товар моддий бойликларнинг сонли ҳисоб карточкаси ва қолдиқли қайдномасини мисол келтириш мумкин.

4 Мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг норасмий ёзувлари. Эксперт текшириш амалиётида хужалик операцияларида қатнашган шахслар имзо чеккан ва чекмаган норасмий ёзувларини учратиш мумкин.

Агар мазкур ёзувлар (тилхатлар) моддий бойликларни ўзидан чиқарган ва кабул қилган шахслар томонидан имзо чекилган бўлса хамда бухгалтерлик хисоби маълумотларига мувофиқ келса, унда эксперт текширилган материаллар товар моддий бойликларнинг камомади мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида катъиян хулоса беришга етарли деб ҳисоблайди.

Бошқа билим соҳасидаги эксперт-мутахассисларнинг хулосаларини текшириш. Бошқа билим соҳасидаги

мутахассислар хулосаси эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, тааллуқли хулоса учун асос бўлиши мумкин. Бунда албатта мутахассис бухгалтер хулосадаги рақамли маълумотларни тўғри ҳисобланганлигига ишонч ҳосил қилинади. Агар рақамли маълумотларда хатога йул Куйилганлиги аниқланса, терговчига (судга) маълум қилинади. Терговчи ўз навбатида қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлайди. эксперт-бухгалтернинг бошқа билим соҳасидаги хулосаларини текшириш жараёнида уларда қайд этилган дастлабки ва якуний маълумотларини ўзаро маслаҳат ва ўзаро текширишларни қўллаш мақсадга мувофикдир.

Суд-бухгалтерия экспертизаси мутахассисининг иштироки ва унинг бошқа экспертизалар билан боғликлиги

Давлатнинг ижтимоий мулкини мухофаза қилиш борасида мамлакатдаги жиноий ишларга қарши курашда фақатгина юридик билимлар эмас, балки махсус иқтисодий билимлар ҳам зарурдир. Бундай билимлар жиноий ишларни тухтатишда, олдини олишда ўз самарасини кўрсатади. Хужалик жиноятларини ва мансабдор шахсларни уғирликлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш, урганишда махсус бухгалтерия ва бошқа иктисодий билимлар хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Жиноятларни тезда ва тўлиқ аниқлашда хужаликда ҳар бир жиноятчини тўғри аниқлаш ва қонун билан жазолаш адолатли қарорлар қабул килиш ва ҳеч бир! айбсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва қамалмаслиги лозим.

Шунинг учун, бухгалтерия ва иқтисодий билимларга эга бўлиш, суд-бухгалтерия ва иқтисодий экспертизани аниқ ўтказиш, хужжатли тафтишлар ва шунга ўхшаш фанлардан фойдаланилган ҳолда яъни суд-бухгалтерия экспертизаси турли қиррали фан бўлиб, назарий ва

амалий жиҳатдан бухгалтерия ва иқтисодий ахборотларни аниқ юридик амалиётда ишлатишга қаратилган. Суд бухгалтерия экспертизасининг мақсади, юридик ишларни хал этишда бухгалгерия ва иктисодий билимларга асосан қўшимча маълумотлар, ахборотлар, фактлар тўплашдир. Жиноий ишларни юридик ва терговчилар томонидан очишда махсус мутахассис бухгалтерлардан фойдаланилади.

Мутахассис бухгалтер-экспертчи тергов ва суд ишларига таклиф қилинган бўлиб, консультация бериш учун чақиради. Ўзбекистон Республикасининг жиноий ишлар кодексида 263-моддаси; суд ишларини ҳал этишда мутахассис-бухгалтер-экспертчи таклиф этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд тергов ишларида мутахассис бухгалтернинг ишлари қуйидагилардан келиб чиқади.

- аниқлаб топиш. текширувлар далолатномаларига асосланган ҳолда жиноий иш содир қилинган даври ёки текширувларда текшириш методлари тулақонлигича олиб борганини аниклаш;

-тафтишчилар хулосасига таяниб ушбу хулоса ва бошқа хужжатлар тўғри текширилганми?

- инвентаризация ўтказилганлиги тўғрисидаги акт ва бошқа хужжатлар бухгалтерия, омбор ҳужжатлари билан фарқ қиладими (санаси, имзоси, номланиши, ва ҳоказолар). Шундай мураккаб ва чалкаш жиноий ишлар бўлиши мумкинки, бундай ҳолларда терговчи эксперт олдига қўйилган саволларни маслахатчи-бухгалтер билан биргаликда тузиши керак бўлади. Бундай саволлар материалини тайёрлашда терговчи маслахатчи-бухгалтер сифатида таклиф этилган экспертини ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга. Агар эксперт-бухгалтер юқори малакали бўлса, у холда терговчининг ҳохиши билан у ҳам маслаҳатчи-бухгалтер, ҳам эксперт-бухгалтер вазифасини бажариши мумкин. Бу эса ўз навбатида терговчининг ҳисоботида ва баённомасида қайд этилади. Терговчи суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан

олдин шу хакда карор чиқаради ва шу қарор тасдиқланади. Терговчи қарорда қўйидагиларни кўрсатади:

а) экспертиза ўтказиш учун асос;

б) экспертиза ўтказувчи корхонанинг коми, манзилгохи, экспертнинг фамилияси ва мансаби;

в) эксперт олдига қўйилаётган саволлар тўплами;

г) эксперт ихтиёрига материаллар руйхати;

Амалиётда эса терговчилар ҳар вақт ҳам экспертиза ўтказгани учун асосни кўрсатавермайдилар. Баъзи ҳолларда эса чиқарган карорида ҳам экспертнинг ихтиёрига тақдим этилган материаллар рўйхатини кўрсатмайдилар. Улар "Эксперт ихтиёрига қуйидаги иш материали берилди" деб чегараланиб қоладилар. Бу эса нотуғри. Бундай ҳоллар экспертни чағитади, материаллар билан танишиб чиққунга қадар вақтини олади, аниқ бир хулоса айтолмайди, натижада экспертиза муддати чўзилиб кетади. Терговчи иш юзасидан йиғилган материалларни экспертга тақдим этаётиб у билан шахсан танишади. Агар материаллар тўплами жуда катта ёки бухгалтерлик материаллар бўлмаган бошқа аралаш ҳолда бир делога тикилган бўлса, у ҳолда эксперт терговчи хузурида ўтириб материаллар билан танишиб экспертиза ўтказади. Карорда шу юзасидан очилган "иш"даги тегишли варақлар рақамланганлиги кўрсатилади. Бундай ҳол экспертни адашмасликка ва чалғитмасликка ёрдам беради.

Эксперт бухгалтерга терговчи томонидан қуйидаги материаллар ҳажми тақдим этилиши лозим:

а) хулоса бериш учун асос бўлиб, хизмат қилувчи ҳужжатлар (бухгалтерия хужжатлари, ҳисоб регистрлари, китоб ва журнал ордер ва терговчи томонидан йигилган бошқа материаллар);

б) моддий бойликларнинг ёки пул маблағларининг ортикча экани ёки камомад бор эканини тасдиқловчи ҳужжатлар; (қайсики уларни тафтиш

орқали аниқлашнинг имкони бўлмаса). Агар моддий зарар кўрилган бўлса зарарнинг ўлчамлари, пайдо бўлган вақти ва жавобгар шахслар доираси ҳақида хужжат ва маълумотлар. Бунинг учун бирламчи бухгалтерия хужжатлари, бухгалтерия проводкаларидаги ёзувлар, оператив-техник ҳужжатлар ва баъзи ҳолларда статистик жадваллар;

в) хужжатларни олиб қўйиш далолатномаси ва уларни ишга тикилганлиги тўғрисидаги қарор, тинтув ва топиб олиш далолатномаси ва бошқа шунга тегишли бўлган хужжатлар;

г) айбланувчи ёки шубҳа остидаги шахсларни тергов қилингани ҳакидаги далолатномаси, гувохларни тергов қилинганлиги туғрисидаги далолатнома, мисол учун инвентаризация ўтказган комиссия аъзоларини суроқ килиниб, улар ўртасида юзлаштириш хулосалари;

д) ишга алоқаси бўлмаган, лекин далилий ашё сифатида терговчи томонидан ишга тикилган хужжатларнинг текширув далолатномаси;

е) эксперт бухгалтернинг хулосаси бошқа соха мутахассисининг хулосасига таяниш лозим бўлган мураккаб холатларда, эксперт бухгалтерга шу соҳа мутахассисининг хулосалари тақдим этилиши лозим. Масалан, товаршунос-экспертнинг хулосаси.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш шарт деб топилган ва бунинг учун хужжатлар етарли даражада йиғилгандан сўнг, экспертизани тезкорлик билан бошлаб юбориш керақ Чунки, экспертиза кўп ҳолларда жуда чўзилиб кетиши мумкин. Бу эса терговда салбий ҳарактерга эга.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш муддатини тайинлашдан олдин, терговчи эксперт олдига қўйиладиган саволлар тўпламини тайёрлайди. Бундай саволларни тайёрлаб экспертга тақдим этиши учун терговчига иш юзасидан йиғилган материаллар етарли бўлиши, қисман бўлса ҳам иқтисодий билимларга эга бўлиши, у ёки бу корхонанинг юритилаётган ҳисоб-китоби асослари билан танишган бўлиши керақ Агар терговчи

тафтиш материалларидан ва бошқа материаллардан шубхаланса, "Тафтиш нотўғри ёки бирор бир методдан фойдаланилмай ўтказилди" -деган даъво юритилса терговчи бундай маълумотни, албатта, бухгалтер-эксперт билан биргаликда текшириб чиқиши лозим.

Суд бухгалтерия экспертизаси сифатли ва қисқа муддат ичида якунланишига иш юзасидан йиғилган материалларнинг (текширув материаллари, тафтиш материаллари ва инвентаризация) тулақонлилиги ва сифатлилиги ҳам таъсир кўрсатади. Сифатсиз материалларга қуйидагилар киради:

-тафтиш хулосаларининг асоссизлиги;

-тафтиш ўтказишда моддий жавобгар шахс иштирок этмаслиги;

-тафтиш ёки инвентаризация хулосасида комиссия имзоларининг тушунарсиз ёки қалбаки ёки умуман йўқлиги ва ҳоказолар.

Суд бухгалтерия эксперизасини ўтказишни белгилашда ва экспертга материаллар тақдим этишдан аввал, терговчи йиғилган материаллар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим. Шу билан бир каторда эксперт бухгалтернинг ёзма аризаси ёки талабномасига асосан қўшимча материаллар йиғиши ва ниҳоят содир этилган тизимдаги барча хужжатларни сақлаб қолиши керақ Акс холда жиноят содир этган шахс ёки моддий жавобгар шахс қалбаки хужжат ва ёзувларни йўқ қилишлари мумкин.

Агар тафтиш ўтказилмаган бўлса, у ҳолда тафтиш ўтказишни тавсия этиб, хулосаларни сифатли ёзилганлигини текшириб чиқиши лозим. Материаллар тайёрлаш жараёнида шундай бир тергов ҳаракатларини амалга оииришш керак бўлиб қоладики, унинг натижасида материалларнинг қаердан келиб чиққанлиги, жойи ва сақланиш жойлари маълум бўлади. Бундай тергов ҳаракатларини бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, иш юзасидан ҳамма ҳужжат ва материаллар йиғилиб, айбдор ёки шубҳаланувчи гувоҳлар сўроқ қилиниб булгачгина суд-бухгалтерия экспертизасини тайинланади.

Шундай ҳоллар бўладики, уларда эксперт-бухгалтер хулоса чиқариш учун материаллар етмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эксперт терговчига ариза ёки талабнома ёзиб қандай материаллар иш юритиш учун зарурлигини курсатиб беради. Терговчи экспертнинг талабини қондириши лозим. Жиноий иш юзасидан материаллар экспертизага берилишидан олдин терговчи улар билан яқиндан танишиб чиқиши лозим, деб юқорида таъкидлаб ўтган эдиқ Танишиш вақтида терговчи ҳужжатлар қалбаки эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керақ Суд бухгалтер-экспертига қўшимча равишда иш юзасидан материалларни айбланувчининг ўзи ҳам тўлдириши мумкин. Бу ҳақда терговчига бошқа билим соҳасидаги мутахассислар хулосаси эксперт-бухгалтер томонидан текширилиб, тааллуқли хулоса учун асос бўлиши мумкин. Бунда, албатта мутахассис-бухгалтер хулосадаги рақамли маълумотларни тўғри ҳисоблаганлигига ишонч ҳосил қилади. Агар рақамли маълумотларда хатога йул қўйилганлиги аникланса, терговчига (судга) маълум қилинади. Терговчи ўз навбатида қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлайди. Эксперт-бухгалтерларнинг бошқа билим соҳасидаги хулосаларини текшириш жараёнида уларда қайд этилган дастлабки ва якуний маълумотларни узаро маслахат ва узаро текширишларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1.Эксперт -бухгалтер текширув жараёнида қандай услублардан фойдаланиши мумкин?

2.Терговчи томонидан кўрилмаган ҳужжатлар билан эксперт бухгалтернинг ишлаш ҳуқуқи йуклигини изоҳлаб беринг.

3.Оператив ва норасмий ёзувларни неча гурухга ажратиш мумкин? Уларни изохлаб беринг.

4.Бошқа билим соҳасидаги эксперт-мутахассисларнинг хулосаларини текшириш тўғрисида тушунча беринг.

Асосий хужалик молиявий муомалалари бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг изланиши

Касса ва банк муомалалари бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси

Суд-бухгалтерия экспертизаси услуби ва мунтазамлиги кассадаги пул маблағларининг кеш тарзда ва қай усулда суистеъмол қилинганига, касса муомалалари характерига ва уларнинг формасига ҳам боғлиқ бўлади. Касса муомалаларини юритиш Марказий Банк бошқармасининг «Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари» билан тартибга солинади. Касса муомалаларини юритишда содир булган вазиятга мувофиқ касса муомалаларини текшириш нақд пул маблағлари, қатъий ҳисобот қоғозлари ва бошқа бойликларни инвентаризациядан ўтказиш билан амалга оширилади. Инвентаризация 19 - бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (1.5 моддаси)га мувофиқ ўтказилади.

Пул маблағларидан нотўғри фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш билан боғлиқ хатоларга йул қўйилган бўлиб, буни бухгалтер билмаслиги мумкин. Шунингдек кассадаги нақд пулларнинг ҳисоб қолдиқларига мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин. Бундай тафовутларнинг асосий сабаблари кассага келиб тушган пулларнинг ўз вақтида кирим қилинмаганлиги ёки харажат қилинган пулларни ҳисобдан чиқарилмаганлиги бўлади.Экспертиза ўтказаётган бухгалтер, камомад, уларнинг миқдорини ва сабабларини ҳам аниқлаши керақ Хужжатлар ва ёзувлар билан боғлиқ камомад ва ортиқча чиқишлар сабаблари бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотларни текширишда аникданади. Ҳужжат ва ёзувларда акс эттирилган касса муомалаларини эксперт текширишга киришаркан, бухгалтер касса дафтарида бошланғич ҳужжатларнинг ҳаммаси қайд эттирилганлигига ишонч ҳосил қилади. Касса ҳисоботларининг тўғрилигини кўриб чиқади, сўнг муомалаларнинг якунини ҳисоблайди. Экспертнинг навбатдаги

ҳаракати тўлов қайдномаларга қўшиб ёзиш йўли билан кассадан тўланган ҳамма пуллар якун суммаларига тузилган проводкаларни текширишдан иборат. Баъзан кассадан чиқим қилинган пулнинг микдорини кўпайтириб, проводка тузишлар ҳам учрайди. Тўлов қайдномалардаги суистеъмоллар ҳар доим ҳам таққослаш усули билан топилавермайди. Касса муомалалари бўйича алоҳида счётлардаги ёзувларнинг асослилиги текширилиб чиқилади. Бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларидаги ёзувларнинг асосли эканлиги касса ҳисоботига илова қилинган ҳужжатларга асосан аниқланади.

Тергов амалиётида бухгалтерия проводкаларининг бошланғич тасдикдовчи хужжатларга тўғри келмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Масалан, кассир билан бухгалтер келишиб касса ҳисоботи чиқим устунидаги умумий якунни ошириб кўрсатади ва пул қолдикларини ўша кунга ёки хисобот даврига камайтиради. Чиқим устунидаги пуллар ЙИРИНДИСИНИ ҳар хил счётларга, масалан, ҳар хил қарздорлар ва боқимандалар хисоб-китоб счётига (4000, 6000) ҳисобдан чикарилади. Бундай харажатлар текшириш муддати ўтган кредитор қарзлар ҳисобидан кассадан чиқим қилинади. Кассадан берилган пуллар бухгалтерия, томонидан хар хил счётларга, яъни бу счётларнинг дебетига олиб борилиши (4010, 6960, 6710) мумкин. Бунинг учун кассадан сарфланган пуллар қаёққа, қайси тўлов счётларига кирим килинганлигига ишонч ҳосил қилинади. Агар кредитор қарзга пул қўйилса унинг сабаблари, ҳўжалик муомалаларининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Касса муомалаларини текшираётганда ўзаро назорат текшириш ва арифметик ҳисоблаш билан ҳисоботлардаги ёзувлар касса дафтаридаги ёзувлар билан мувофиқлигини текширади. Ушбу усуллар билан кассадаги пулларни тўлиқ кирим қилмаслик ёки сарф қилинган пулларни хисобдан тўлиқ чиқармаслик билан боғлиқ бўлган хатоликлар, суистеъмол қилишнинг вазият-ҳолатлари аниқданади.

Шунингдек навбатдаги назоратни қайд этиш учун ва касса ордерларидан тўлиқ фойдаланиши текширилади. Ҳужжатларни ўзаро солиштириб

текшириш нафақат кассага кирим қилмаслик балки, кассадан берилган пулларнинг асоссиз чиқим қилиш, ёки банкидан олинган пулларнинг қисман кирим қилмаслик ҳолларининг олдини олишга ёрдам беради.

Мисол, бир магазиндан насияга ва нақд пулга сотилган телевизор кассадан пулни суистеъмол қилиш, товарсиз топшириқ-мажбуриятнома варақасини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Насияга сотилди деб ҳужжатлаштирилган телевизор ҳақиқатда нақд пулга сотилган бўлиши ҳам мумкин. Харидордан сотилган товарнинг чакана нархлардаги бошланғич қийматидан 25% суммаси кассага кирим қилинади. Текшириш натижасида товарларнинг, сотилишидаги дастлабки туловлар кассага келиб тушганлиги тасдикданмаса, товарлар насияга сотилмаганлиги аниқ бўлади. Худди шу усул билан пулларни кассадан ўзлаштириш, суистеъмол қилиш йулларини текширади ва топади. Нақд пулсиз хисоб-китоблар бўйича харидорга товарсиз счёт расмийлаштириб, харидор билан савдо ходимлари таниш-билишчиликда ва олдиндан келишилган ҳолда товарни олмасдан савдо пулидан телевизор пулини ўзлаштиради ёки бўлмаса қимматбаҳо мебелларни олиш учун ҳам хужжатлар тулгазилади, уни насияга сотилган деб ҳисобдан чиқаради. Хақикатда эса товар ўрнига савдо пули бериб юборилади. Ҳозирда ҳам дўкон кассасидан нақд пулларни узлаштирш ва суистеъмол қилиш ҳоллари учраб туради.

Товарларни сотилиши касса аппаратларида амалга оширилса пулларни ўзлаштириш, суистеъмол қўлиш, касса аппарати счётидаги кўрсаткичларни ўзгартириш билан бажарилади. Оператор иши устидан кунлик назоратни ким бажарганлигини, счётларнинг нолга ўтказиш тартибига риоя қилиш, касса тасмалари ва товар чекларининг сақлаш тартиби текширилади.

Товар моддий бойликлар юзасидан суд бухгалтерия экпертизаси.

Суд экспертизасида текширилувчи ишлар орасида савдо корхоналаридаги ўғирликлар ва суистеъмоллар бўйича суд-бухгалтерия экпертиза ишлари анча

қисмини ташкил қилиб мухим хусусиятлари билан фарқ килади. Бу хусусият қуйидаги сабаблардан келиб чиқади:

- савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритиш ва бошлангич ҳисоб хужжатларини расмийлаштиришда ўзига хос хусусиятдан;

- товар муомаласида улгуржи ва чакана савдо, корхоналари, тайёрлов ва ишлаб чиқариш фаолияти, умумий овқатланиш корхоналарида содир бўлувчи хужалик муомалаларининг хусусиятларидан;

- ушбу корхоналардаги турлича моддий жавобгарликлар ва уларни ташкиллаштириш шаклларидан фойдаланишдан.

Товар моддий заҳиралари 4-БҲМС «Товар моддий заҳиралари»га мувофиқ ҳисобга олинади ҳамда ушбу стандартга мувофиқ моддий заҳираларнинг таннархини ҳисоблаш ва уларни харажатларга киритиш тартиби белгиланади. Корхоналардаги бойликларга бўлган мулкчиликнинг турли шаклда мавжуд бўлганлигидан савдодаги товар-моддий бойликлар улгуржи базаларда, чакана савдо корхоналарнинг тақсимловчи омборларида жойлашган.

Савдонинг ушбу бўғинларидаги товар муомалалари бўйича эксперт-бухгалтер ечит учун қуйидаги масалаларни кўпроқ қўяди:

- товар моддай бойликлар камомадининг ташкил топиш даври ва жойи, моддий жавобгар шахслар давраси;

- товарларни тўла ва тўғри ўабул қилишни аниқлаш;

- товар муомалаларининг асосли ва тўғри бўлишини текшириш;

- товар нобудгарчиликларининг хисобдан тўғри чиқарилганлигини аниқлаш;

- товарларни қайта баҳолашни нотўғри қурилганлигидан олинган моддий зарарларни аниклаш;

- товар-моддий бойликлар тўғрисида норасмий ҳужжатлар ва тергов ишининг боққа материалларини инобатга олган ҳолда моддий зарарларни аниқлаш;

инвентаризация натижаларининг тўғри чиқарилганлигини аниклаш;

бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоботини ташкиллаштириш ҳамда юритишдаги камчиликларни аниқлаш.

Эксперт-бухгалтер олдига савдо корхоналаридаги товар-моддий

бойликларнинг ўғирланиши бўйича бошқа масалалар ҳам қуйилиши мумкин бўлиб, улар маълум жиноий ишларнинг вазиятидан ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида махсус билимларга бўлган заруриятдан келиб чиқади.

Улгуржи ва чакана савдо муомалалари бўйича суд-тергов ишлари ўтказилганда мутахассис томонидан эксперт текширишнинг, умумий ва хусусий методлари қўлланилади.

Улгуржи, савдода товар ҳаракати жараёнида товар-моддий бойликларнинг угирланиши ва камомадини ҳисоблаш мақсадида мутахассис амалиётида тез-тез учраб турувчи суиистеъмоллар қўйидагилардан иборатдир:

- келиб тушган товар-моддий бойликларни хисобда тўла ёки қисман кирим қилмаслик;

ҳужисатлар ва моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботида товарсиз-муомалаларни акс эттириш;

- товар ҳаракати муомалалари бўйича бошлангич хужжатларда товар нархига ўзгартириш киритиш;

- турли товар нобудгарчилигини асоссиз хисобдан чиқариш;

товарларнинг ҳисобга олинмаган ортиқчасини тузиш, инвентариязация бошланишига товар ва идишларнинг ҳисобдаги қолдиғини камайтириш, инвентаризация фарқларини (товарлар камомадини) асоссиз қоплаш;

инвентаризация рўйхатидаги товар ва идишларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни бузиб қурсатиш;

- харидорларга жунатилаётган товарларни контейнерларга ҳужжатда курсатилгандан кам миқдорда солиш;

бухгалтерия ҳисобида инвентаризация натижаларини кўрсатмаслик;

бухгалтерия ҳисоби счётларида товар харакати бўйича муомалаларни нотуғри кўрсатиш ва хоказо.

Улгуржи савдо базасида товар ҳаракати муомалаларини эксперт текшириш учун қўйидаги материаллардан фойдаланилади:

- хужжатли тафтиш далолатномалари;

моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари, товар-моддий бойликларнинг қабул қилинишига ва чиқарилишига расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлар;

- ишончномаларни қайд қилиш дафтари, кам товар жўнатилганлиги сабаблари харидорларнинг тўловига тўла ва қисман эътирозлари;
- харидорлар номига жўнатилган товарлар сифати ва нархлардаги бузилишларни нотўғри кўрсатишлар;
- инвентаризация материаллари (инветаризақия руйхати, таққослаш қайдномаси, табиий камайиш ҳисоблари, моддий жавобгар шахсларнинг камомад сабаблари тўғрисида тушунтириш хатлари);
- товарларнинг омбордаги хисобининг карточкалари қолдиқли ва оборот қайдномалари;

юк ташувчи ташкилотларнинг юкларининг турадиган жойи тўғрисида хабарномаси ва товарларнинг маъсул сақлашга қабул қилганлиги тўғрисидаги харидорларнинг хабарномаси;

товар ва идишлар савдо устамаси, жунатилган товарлар, бажарилган иш ва хизматлар, харидор ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб ва бошқа счётлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари;

бошқа турдаги экспертиза (товаршунослик иқтисодий) хулосалари;

жиноий ишнинг бошқа материаллари, моддий жавобгар шахсларнинг норасмий ёзувлари, норматив ва бошқа хужжатлар.

Улгуржи савдо корхоналарининг товар муомалалари бўйича аниқ жиноий ишлар вазияти ва суд — бухгалтерия экпертизаси олдига қуйилган масалаларга кўра эксперт текширишнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:

хужжатли текшириш, бирламчи ва йиғма хужжатлар маълумотлари билан ҳисоб — регистрларини таққослаш, хужжатларни муқобил (ўзаро) текшириш, товар харакати бўйича муомалаларнинг хронологик таҳлили, инвентаризацияларараро даврдаги молларни микдорий пулдаги ҳисобини тиклаш, қолдиқларни назорат текшириш, товар ва идишларнинг бухгалтерия ва оператив ҳисоби маълумотларини солиштириш, бухгалтерия ҳисоби

маълумотлари ва жиноий ишларнинг бошқа материалларини солиштириш, табиий камайиш нормасига мувофиқ товар нобудгарчиликларига ҳисобли жадвал тузиш, тегишли жиноий иш бўйича суд экспертизасининг бошқа турдаги материалларини текшириш, товар муомаласи бўйича ҳисоб маълумотларини унга ҳамроҳ бўлувчи хужалик муомалаларини таққослаш.

Улгуржи савдо корхоналарида камомадлар ва талон-тарожларни беркитишнинг кенг тарқалган услублари — мол етказиб берувчилардан келтирилган товар-моддий бойликларни қисман кирим қилмаслик ва ўз вақтида кирим қилмасликдир. Товар-моддий бойликларнинг тўла кирим қилинишини текширишда микдорий қиймат ва синтетик хисоб маълумотлари бухгалтерия муомалаларининг хужжатли текшириш, таққослаш ва муқобил текшириш услубларини қўллаш билан атрофлича ўрганилади.

Дастлабки хужжатларни текширишда (ҳисоб-тулов талабномаси, фактура накладной, ишончнома, далолатнома) аввало уларнинг тўғри расмийлаштирилиши, зарур имзоларнинг мавжудлиги арифметик хисобларнинг тўғрилигига ишонч хосил қилиши керақ

Товар моддий бойликларнинг тўла кирим қилинганлиги текширилганда, қабул қилувчининг хужжатлари билан товар етказиб берувчиларнинг хужжатлари солиштирилади. Кирим қилинган товарларнинг миқдори, нархи ва суммаси товар етказиб берувчининг хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ келиши аниқланади. Товар ҳисоботлари ва унга илова қилинган дастлабки хужжатларни мол етказиб берувчиларнинг ҳисоб-тўлов талабномаси ҳамда " Мол - етказиб берувчилар билан ҳисоб — китоб счётидаги тегишли ёзувларни омбордаги карточка ҳисоби ёзувларини солиштириш йўли билан товарларни тўла қабул қилиниши, уларни тўлов суммаларига мувофиқ келиши, шунингдек счётлар корреспанденциясининг тўғри тузилганлиги аниқланади.

Солиштириш барча ҳисобот даврига ўтказмасдан балки хронологик тартибда, яъни товар кирим қўлинган кунлар тартибида амалга оширилади,

чунки омбор мудирлари одатда қисқа муддатдаги товарлар ҳаракатига тузатиш киргизмасдан, ҳисобот даврининг охиридаги рақамларини ўзгартиради.

Омборга товарларни уз вақтида ва тўла кирим қилинганлигини аниқлаш учун кирим хужжат маълумотлари билан товар олишда берилган ишончнома, хужжатларни қайд қилиш дафтаридаги ёзувлар ҳамда улгуржи базага қабул қилинган товарларни акс эттирувчи бошқа регистрларни солиштириш яхши натижа беради.

Эксперт муассасасига келиб тушган масаланинг мазмуни билан танишиб чиққандан сўнг мутахассис умумий ва аниқ усулларни қўллаш билан зиддиятларни аникдайди. Товар муомалаларини текшириш услублари корхоналарда хисобнинг натурал қиймат ва қиймат ўлчов бирлигида олиб борилишига боғлиқ Баъзи улгуржи ва чакана омбор базаларидаги товарлар пул улчовида ҳисобга олиб борилади. Бухгалтерия экспертизаси товар муомалаларини текширишнинг бундай ҳолларида микдорий ҳисобни тиклаш услубига асосланиши керак

Омборда кирим қилинмаган товарларнинг сақланишини эксперт бухгалтер унинг ҳосил бўлиш шароитини аниқ кўрсатиши керак чунки уларни улгуржи корхона бухгалтериясида ҳисобдагидан ортиқча товарлар ҳисобидан бошқа товарлар камомадини ёпади. Айрим ҳолларда товарларни ўз вақтида кирим қилмаслик ёки ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган "ортиқча" товар омборга ёки базага кирим қилинади, окибатда омборларда товарларни ўзгартириш содир бўлади. Бу икки ҳолда ҳам ушбу ўзгартиришлар инвентаризация натижасида аниқланади.

Эксперт-бухгалтер "ортиқча" товарлар манбалари ва уларнинг келишини аниқлаш учун ҳосил бўлган ортиқча товарлар ҳаракатини ҳужжатлар асосида кузатиш керак Агар терговчи бундай товарлар маълум бир корхонадан келганлигини илгари сурса, эксперт бухгалтер мазкур корхоналарнинг омборини ҳамда кейинги ишлаб чиқариш корхоналари билан бўлган муомалаларни ҳам солиштириш йули билан текширади. Омборга

товарларни келганлигини аникдаш учун, товар ҳужжатларини, товар-транспорт ёки улгуржи корхоналарга хизмат қилувчи юк ташиш бирлашмаларининг ҳужжатлари билан солиштириб текшириш мақсадга мувофиқдир.

Товарларни ўзлаштиришда сохталаштирилган талабнома ёки ишончномалар тузилса, уларни эксперт криминалист аниқлаб беради. Текширилаётган ҳужжатни сифатли ва сифатсиз тузилганлиги анқланади, яъни бу ерда , эксперт-бухгалтер изланаётган муомала солиштириладиган ҳужжат ва текширишга яроқли бўлган юк ташиш ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни текшириш керак Харидорларга товар сохта хужжат билан жунатилса, эксперт-бухгалтер эълон қилиб аниқлаши мумкин.

Мисол: В базаси омборда мавжуд бўлмаган оператив сохта ҳужжат асосида жун газламаси қабул қилади. Сохта хужжат асосида қабул қилинган жун газламани у ерда савдо тармоғи орқали, ҳисобсиз тайёр маҳсулот, кирим қилинмаган товар сифатида сотилади.

Ҳужжатларни ўзаро текшириш натижасида В. базасидан чиқарилган жун газлама, базадан чиқарилганлиги тўғрисида тузилган
хужжат ва маълумотнома асосида, товар қабул қилган корхона товар бу муомала юз бермасдан илгари тугатилганлиги аниқланади.

Харидорларга товарлар омбордан чиқаришда хужжатда кўрсатилгандан кам жунатилса ёки табиий камайиш хисобидан товар заҳира ҳосил қилинса, бу хизматларга (ортикчани) узлаштириш жиноятини ҳосил қилади. Бундай ҳодиса юз берганлиги аниқланганда эксперт - бухгалтер хулоса чиқаришни билиш керак Хулоса далолатномада омборда табиий камайишнинг нормада ишлатилмаган ва бунинг натижасида ортиқча товарлар ҳосил қилинганлигини тасдикловчи хужжатлар билан , кўрсатиш керак

Бундай ҳодисалар база ва омбордаги товарларни нотўғри саралаш натижасида товарларни суистеъмол қилишга олиб келади.

Шундай қилиб улгуржи савдо корхоналарида ўғирлик ва суистеъмоллар тўғрисидаги жиноий ишлар бўйича суд — бухгалтерия экпертизаси

текширишнинг тааллуқли объектларидаги маълумотларга асосан ўтказилиб юқорида ыайд этилган тартибда амалга ошувчи методик услублар тўпламидан ташкил топган.

Чакана савдо корхоналаридаги ўғирликлар бўйича суд-бухгалтерия экспертизаси услуби хусусиятлари қуйидаги шартлар ва сабаблардан келиб чиқади:

- чакана савдо корхоналарида бир вақтда товарлар, идишлар, пулнинг кўп миқдори мавжудлиги;
- товарларнинг муомала соҳасидан аҳолининг пул даромадига алмашуви билан шахсий истеъмолга ўтишидан;
- товарларни харидорларга нақд пулга, насияга сотиш, ҳисоб-китоб чеклари банк бўлимларидаги ҳисоб-китоб счётлари бажарилишидан;
- реализация қилиш учун товарларни турли манбалардан, мол етказиб, берувчилардан, омборлардан, кооперативлардан, кичик корхоналардан, аҳолидан қабул қилинишидан;
- чакана савдо корхонаси ичида ва уларнинг бўлинмаларида товарланинг чиқарилиши;
- чакана савдо корхоналарида товарларнинг ҳисоби қиймати ўлчовида юритиш;
- шиша идишларнинг харидорларга қайтариб топширилиши ва уларга нақд пул ва товарлар тўланиши;
- шиша идишларни ҳам товарларнинг ва тараларнинг таркибида ҳам ҳисобга олиниши;
- чакана савдо корхоналарида ҳарид баҳоларнинг бир неча турлари амал қилинади (давлат чакана нархлари, тижорат нархлари, шартнома бўйича нархлар, мавсумий чакана нархлар);
- моддий жавобгарликнинг якка, жамоа, бригада ҳамда шахсларнинг чекланган доирада тўла турларининг қулланишидан.

Чакана савдо корхоналаридаги суистеъмоллар, ўғирликлар тўғрисидаги ишлар текширилганда эксперт-бухгалтер юқорида баён қилинган

товарларнинг чакана савдосини ташкил қилишдаги ҳисоб юритиш тартиби ва хусусиятларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Улгуржи корхоналарда товар камомади ўғирликларни беркитиш мақсадидаги суистеъмоллар чакана савдо корхоналарда ҳам учрайди.

Булардан ташқари товар ва пул бойликларининг ўғирланишини беркитиш мақсадида тубандаги суистеъмоллар тез-тез учраб туради:

- четдан товарларни келтириш ва сотиш;
- чакана савдо корхоналарида сотишда ва инветаризация рўйхатида товарларнинг нархларини ошириш;
- моддий жавобгар ва ҳисобдор шахслардан савдо пулини асоссиз ҳисобдан чиқариш;
- қалбаки касса ҳужжатларига кўра савдо пулини ҳисобдан чиқариш;
- майда чакана савдо шаҳобчалари сотувчиларнинг савдо пулини тўла кирим қилмасликлари;
- дўкон мудирларнинг қалбаки ҳужжатларига кўра товарларни ҳисобдан чиқариш;
- товарсиз муомалаларни расмийлаштириш;
- касса пулини харидор томонидан топширилган бўш шиша идишлар учун тўлашга деб олиш;
- инвентаризация бошланиш олдидан харидорлар томонидан қайтарилган товарларни кирим қилмаслик;
- нархлари туширилган товарларга нархларни нотўғри
- савдо пулини олиш ва камомадларни яшириш мақсадида уйдирма шахсларга тўлов мажбуриятномасини расмийлаштириш;
- кирим ҳаражатларини инвентаризация ўтказилгандан кейин товар ҳасоботига қўшиш;
- инвентаризация бошланишига мавжуд савдо пулини нотўғри кўрсатиш;
- инвентаризация бошланишига товар ва тавалар қолдиғини камайтириб

кўрсатиш;

- инвентаризация рўйхатига товарларнинг мавжуд қолдиғини асоссиз ошириб кўрсатиш;
- инвентаризация рўйхати якунларини нотўғри ҳисоблаш;
- ўз-ўзига хизмат қўшиш усули билан сотишдан кўрилган зарарларга ва табиий камайиш нормасига товар нобудгарчилигини асоссиз қўшиш ва ҳоказолар.

Чакана савдо корхоналарида қуйидаги ҳолларда бухгалтерия экспертизаси изланишлари ўтказилади:

1) дўконда кирим қилинмаган товар бўлганда ва товар нархи ортиқча қуйилганда;

2) чакана савдо корхоналарида товар камомади содир бўлганда;

3) яширин ҳолда ўзлаштирилган товар ва товарлар муомаласи содир бўлганда;

4) яширин ҳолда товарсиз чиқим ҳужжатлари асосида товарлар у ўлаштирилганда;

5) яширин ҳолда бухгалтерия ҳисобида товар ва таралар ўзлаштирилганда.

Чакана савдо дўконларида камомад бўлганда, бу корхоналарда учёт қиймат ўлчовида юритилганлиги, аналитик ҳисобда товарлар номлари ёзилганлиги сабабли товарлар камомад ўлчовини эксперт-бухгалтер шартли белгилайди ва сўм кўринишида аниқлайди.

Айрим ҳаражат ҳужжатларидаги товарлар артикули тааллуқли бўлган кирим ҳужжати кўрсатишдаги артикул баҳосидан паст бўлади.

Масалан: дўконда 876-сонли артикулдаги метри 1080 сўм бўлган жун газлама келиб тушди. Аммо шу артикулдаги чиқарилган ҳаражат ҳужжатида кўрсатилишига 870 сўм , фарқи- 210 сўм . Бу икки ҳодиса ҳам эксперт текширишнинг ўзаро солиштириш усулини қўллашни тақозо этади.

Ўзаро солиштириб текшириш асосан ҳар бир товарнинг чакана

баҳосининг текширилишини тавсия қилади, лекин эксперт хулосасида бунгача нақд кирим қилинмаган товарлар ёки бир хил товарларни саралаш натижасида турлари бўйича чиқаришда баҳолари кам фарқ қилиши тўғрисида, баҳоларнинг кўтарилганлиги тўғрисида хулоса қилиш учун товаршунослик экспертизаси ўтказиш зарурати тутилади. Товарларнинг ўзлаштирилиши натижасида ҳосил қилинган камомадининг яширилиши кўпроқ товарларнинг бир савдо шаҳобчасидан бошқасига ўтказишда амалга оширилади.

Савдо ташкилоти корхоналараро товарлар қабул қилиниши ва чиқарилиши муомалалари таққослаш йўли билан текширилади. Товарлар корхоналарга рахбарлар рухсати билан ўтказилиши мумкин лекин мавжуд рухсатномалар ҳамма вақт ҳам мақсадга мувофиқ ва қонунга асосланган бўлавермайди.

Товарсиз муомалалар текширилганда ҳужжатларни ўзаро таққослаш услуби қўлланилади.

Жиноятчиликда бухгалтерия ходимлари иштирок этган бўлса улар қатор ҳужжатлардаги «оилалардан чекланса (чекинса), сохта муомала, тўлдирилган ҳужжатларни қатор ҳужжатлар билан мос келишини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия экспертизаси қўлланилади.

Шундай қилиб, чакана савдо корхоналаридаги, суиистеъмоллар ва ўғирликлар тўғрисидаги жиноий ишлар бўйича суд бухгалтерия экспертизаси тегишли объектларни ўрганиш ва объектив хулоса далолатномасини тузишда кўлланувини умумий ва махсус услублар мажмуасидир.

Савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техника таъминотида товар муомаласи бўйича суд бухгалтерия экспертизаси.

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш корхоналарини ташкил этиш, уларда овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини)

ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора тартиблари тўғрисида» 2002 йил 16 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом», шунингдек 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари» билан тартибга солинади.

Умумий овқатланиш корхоналарига келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини нав (сорт) ва категорияларига қараб турли хил чакана баҳоларига эга. Бу маҳсулотлардан тайёрланадиган таомлар нархи ҳам турлича бўлади. Корхоналарда тайёрланадиган таомлар баҳосининг барқарорлигини таъминлаш, хом ашё ва масаллиқларни ҳисобга олиб бориш ишларини енгиллаштириш мақсадида бу корхоналарда хом ашё учун ўртача салмоқли баҳолар қўлланилади.

Масалан, ўртача салмоқли баҳолар гўшт, парранда, балиқ, ўсимлик ва чорва мойлари, сут, ун, макарон ва макарон маҳсулотлари, сабзавот, картошка ва шу каби озиқ-овқат товарлари бўйича аниқланади.

Савдо бирлашмасига қарашли умумий овқатланиш корхоналари хили, жиҳозланиши, жойлашган ери, сарф қилинадиган ҳаражатлари ва устама нархлар қўйиш даражасига қараб бешта; "Люкс", "Олий", "Биринчи", "Иккинчи" ва "Учинчи" категорияларга бўлинади.

Хом ашё ва масаллиқларга энг юқори устама нархлар юқори категориядаги корхоналарга қўйилса, паст даражадаги устама нарх эса учинчи категориядаги ошхоналарга қўйилади, чунки бу ошхоналар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмолни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг айрим турларидан холидирлар. Корхона ва муассаса маъмурияти ўз ходимларининг овқатланишини ва уларга хизмат кўрсатишини ташкил этиш учун ошхоналарга бепул бино ва асбоб

ускуналар ажратиб беради, ёқилғи ва электр куввати, транспорт ва шунга ўхшаш ҳаражатларни тўлайди.

Ҳисоблаш ва калькуляция ишларини осонлаштириш мақсадида умумий овқатланиш корхоналарида ҳисоблаб чиқилган товарларнинг сотилиш баҳолари махсус китобда қайд қилинади. Бу китоб корхона бухгалтериясида сақланади.

Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариладиган таомларнинг баҳосини ҳисоблаш учун махсус-калькуляция карточка формалари тузилади. Калькуляция карточкаси ҳар бир таомнинг тури бўйича алоҳида тузилади.

Калькуляция карточкаси тузишга асос бўлиб таомлар ва овқат маҳсулотларининг рецептура тўплами, меню режаси, хомашё ва масаллиқларнинг сотиш баҳолари қайд қилинадиган китоб хизмат қўилади.

Калькуляция карточкаси умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариладиган таомларнинг сотиш баҳосини аниклайдиган далил бўлувчи ҳужжат ҳисобланади, у бухгалтерия ходимлари томонидан тузилади. Калькуляция карточкаларидан кейинги кунларда ҳам корхоналар фаолиятини назорат қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Умумий овқатланиш корхоналарида товар ва тайёр маҳсулотларнинг сотиш баҳолари қуйидаги элементлардан ташкил топади:

$$Сб = Т + Су + Уоу$$

бу ерда: Сб — сотиш баҳоси;

Т - таннарх яъни сотиб олинган товарларнинг сотиб олиш баҳоси;

Су - савдо устамаси;

Уоу — умумий овқатланиш устамаси.

Умумий овқатланиш корхоналарида экспертли тадкиқот методлари суистеъмол ва талон-тарож услубларига боғлиқ бўлгани учун эксперт-бухгалтерлар ушбу қонун-қоидаларни яхши билиши ва ўз амалий фаолиятида фойдалана олиши керак

Умумий овқатланиш корхоналари амалиётида учраб турувчи

суистеъмолларнинг қуйидаги услублари маълумдир:

1. Ошхонада тайёрланаётган маҳсулотга белгиланган нормадан кам масаллиқ сарфлаш ҳисобидан уларнинг ортиқчасини ҳосил қилиш. Бунда маҳсулот тайёрлаш учун қозонга солинувчи масаллиқ белгиланган нормадан кам бўлиб, тайёрланаётган маҳсулот улчами ва вазни камаяди, калькуляцияда кўрсатилгандан паст навдаги маҳсулот тайёрланади ёки чиқинди (суяк ва ҳоказо) ҳисобига қўшилувчи масалликлардан маҳсулот тайёрланади.
2. Товарсиз юк хати ёзиш ҳамда ҳисобга олинмаган маҳсулотларни ташиб келтириш билан омборда маҳсулотларнинг ортиқчасини яратиш ва кейинчалик уларни омборнинг ўзидан ёки буфет, савдо шаҳобчалари орқали сотиш. Бундай суистеъмоллар инвентаризация ва хужжатли текширишларда аниқланиши мумкин.
3. Ошхона маҳсулотларини буфет ва савдо шаҳобчаларига хужжатсиз чиқариш, озиқ-овкат маҳсулотларини истеъмолчиларга нақд пулга чиқариб савдо пулини ҳисоботга кирим қилмаслиқ

4. Омборларга товарларни тўла ва қисман кирим қилмаслиқ камомад аниқланганда эса маҳсулотларни ошхонага товарсиз хужжатёзиш билан ёки бўлмаса камомадни фойда ҳисобидан қоплаш. Бундай суиистеъмоллар моддий жавобгар шахс ва бухгалтерия ходимлари ҳамкорлигида амалга оширилади. Моддий жавобгар шахслар камомадни яшириш мақсадида товарларни вактинча кирим қилмасликка ҳаракат қиладилар.

Маҳсулотларнинг ўғирланиши баъзан товар нобудгарчилиги, нарх пасайиши ва идишларининг синишига тузилган далолатномалардаги ҳакикий вазн ва суммаларни бузиб кўрсатиш билан яширилади. Инвентаризация рўйхатига ўзгаришлар киритилади, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган товарлар қўшиб ёзилади.

Одатда бундай ҳужжатлар текшириш объектлари хисбланади. Тадқиқот давомида миқдорий хисобга олишни тиклаш, масалликларнинг

сарфланишини ҳисобдан асосли чиқарилганлиги, уларнинг қиймати ошириб кўрсатилиши текшириш натижасида камомад ёки ҳиисобда кўрсатилганидан ортиқча маҳсулот суммасини аниқлаш мумкин.

Умумий овқатланишдаги тайёр маҳсулот ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлган суиистеъмоллар тайёрланаётган овқатга масаллиқни калькуляцияда белгиланганидан кам микдорда ёки арзонроғини солиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бунга ишлаб чиқариш (ошхона) билан таомларнинг сотилиши бевосита туташиб кетганлиги, баъзи махсулотларга қўйилган нархларнинг ўзгарувчанлиги, назоратдаги учрайдиган камчиликлар қўл келади. Бундай ишларни кўришда эксперт-мутахассис учун энг мураккаб масала, маҳсулотларни миқдорий ҳисобини тиклаш натижаларини аниқлаш ҳисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналарида товар, хом ашё (масаллиқлар) ва ишлаб чиқаришни хисобга олишнинг амалдаги йуриқномасига биноан микдорий қиймат ҳисобини тиклаш ишлари тергов ва прокуратура органларининг талабига биноан ўтказилади. Миқдорий ҳисобни тиклаш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қўлинади:

- ошхона маҳоулотлари ҳаражати тўғрисидаги жавобгар шахс ҳисоботлари ва уларга илова қилинган накладнойлар, ошхона маҳсулоти реализацияси тўғрисидаги далолатномалар, меню ва забор варақлари;
- маҳсулотларнинг ҳақиқий қолдиқларини ўлчаш далолатномалари ва инвентаризация натижалари;
- калькуляция карточкалари;

Бухгалтерия ходимлари ва тафтишчилар юқорида айтилган хужжатларга асосан маҳсулот тайёрлаш учун масаллиқларни норма бўйича сарфланишига назорат ҳисоб-китоб, масаллиқларнинг қабул қилиниши ва сарфланишига ёзма кайдномалар, оборот ва солиштириш қайдномаларини тузишади.

Тайёрланган ва хўррандаларга сотилган таомларни ҳисобга олган ҳолда тузилган масаллиқлар сарфланишнинг назорат хисоб-китоби тааллуқли

жадвал ва қайдномаларга имзо қўйиш учун тақдим этилади.

Шундай қўлиб: масалликларнинг қиймат ҳисобида ҳеч қандай четлаш кўринмаса ўзаро алмаштириб бўлмайдиган маҳсулотларни, яъни гўштнинг ортикчаси, тухумнинг камомадига йўл қуйилганлиги маҳсулотлар миқдорий ҳисобини тиклашда маълум бўлади. Лекин масаллиқларни ўзаро алмашуви масалаларидан эксперт-бухгалтер хабардор эмас, шунинг учун бухгалтерлик экспертизаси ошпазлик-технологик экспертизадан кейин ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Эксперт олдига айрим масаллиқларнинг камомади ёки ҳисобдагидан ортиқча миқдорини текшириши билан боғлиқ масалалар қуйилади. Бундай масалаларга жавоб —хулоса тайёрлаш учун тафтишчи томонидан хисоб-китоб қилинган хужжатлар (масаллиқлар ҳаражати тўғрисида кунлик ҳисоботлар ва унга илова қилинган
реализация қайдномалари, калькуляция карточкалари, ошхонада ҳисобга олишдаги дастлабки ва кейинги даврга масаллиқларнинг хақикий мавжуд қоодиғини текшириш кайдномаси) ўрганилиб чиқилади.

Масалликларнинг ҳақиқий сарфланишининг нормада белгиланганидан четлашини аниқлаш учун тафтишчи ҳақикий реализация қилинган ва чиқарилган таомларнинг ҳар кунги ва инвентаризация давридаги ҳаракатини хисоб-китоб қилади, таомларни реализацияси ва чиқарилиши тўғрисидаги қайдномалар асосида уларнинг миқдори аниқланади. Агарда таомларнинг нархлари турлича бўлса қайдномада масаллиқ солиш (калькуляцияга асосан) нормасида кўрсатилган ҳолда алоҳида акс эттирилади.

Масаллиқни солиш нормасини бир кунда сотилган таом сонига кўпайтириш билан ҳақиқий сотилган таомларга сарфланган масаллиқлар-ҳисобланади. ҳисоб-китоблар асосида солиштириш қайдномаси тузилиб, унда масаллиқларнинг ошхонада ишлатиш натижалари аникланади.

"Гулдаста" ресторани ошхонасида тайёрланиб реализация сотилган таомларга масаллиқларни норма бўйича сарфланиши тўғрисида ҳисоб-китоб

инвентаризация далолатномаси бўйича 15 августда масаллиқ (какао) қолдиғи 7,2кг.

Сана	Кирим	Чиқим	Қолдиқ
17.08	10,8	15,486	2,514
18.08	21,6	17,550	6,554
19.08	10,8	19,092	1,728
20.08	10,8	16,218	7,146
21.08	21,6	14,250	0,204
22.08	-	14,880	14,676
24.08	32,4	15,984	1,740
25.08	10,8	15,630	3,090
26.08	-	16,180	19,270
27.08	21,6	14,370	12,040
28.08	10,8	16,260	17,5
29.08	10,8	16,416	23,115
01.09	10,8	16,176	28,492
02.09	21,6	14,454	21,346
03.09	10,8	15,894	26,440
04.09	21,6	19,140	23,980
05.09	10,8	19,632	32,812
06.09	10,8	18,406	40,420
			40,420

Инвентаризация далолатномасига кўра какао маҳсулотининг 7 сентябрга ҳақиқий қолдиғи 11,0 кг бўлган. Ресторан ошхонасида какао масаллирини сарфлаш юзасидан 51,420 кг (40,420+11) четлашга йул

қўйилганлиги жадвалдан кўриниб турибди. Ошхонадан хурандаларга таом тарқатиш алохида моддий жавобгар шахс томонидан бажарилса, унда миқдорий хисобни тиклаш учун ошхона чиқим хужжатларидан-накладной, забор варақлар, далолатномалардан фойдаланилади. Таомни тарқатишда ягона бригада хизмат қилса таомларнинг реализацияси тўғрисидаги далолатномалар тузишда парвосизликка йул қўйилади ва сотилган таомлар

сони, суммаси "керакли" рақамларга тўғрилаб ёзишга имконият туғилади. Шу сабабли эксперт тикланган миқдорий ҳисоб маълумотларини асоссиз деб тан олиши ҳам мумкин.

Мисол: турли категория ва баҳолардаги товуқ ва ўрдак бўйича инвентаризацияларо даврга миқдорий қиймат ҳисоб тиклаш натижасида ошхона мудирида 30729 сум 17 тийин камомад аниқланган. Комиссия томонидан инвентаризацияларо даврдаги кунлар бўйича уй паррандалари ҳисобдан ортиқчасини мудир ҳисоботига кирим қилиш натижасида камомадга йул қуйилган. Уй паррандалари камомади ва ҳисобдан ортикчасига тузилган ҳисоб-китоблар тергов топшириғи бўйича утказилган текширишда технологик экспертизаси хулосасида тасдиқланмади.

Шунинг учун эксперт-бухгалтер олдига мавжуд бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра "Гулдаста" ресторанининг ошхонасидаги миқдори қиймат ҳисобини тиклаш маълумотларини асослилийлигини аниқлаш масаласи қуйилди. Тақдим қилинган ҳужжатларни текширишда қуйидагилар аникланди: ошхона таомларининг сотилиши ва чиқарилиши тўғрисидаги далолатнома ўрнига кунлик ошхона ҳисоботи расмийлаштирилиб, у белгиланган барча ҳисоб ва назорат кўрсаткичлари акс эттирилмаган, бухгалтерия ҳисобига қўйилган талабларга жавоб бермаган (сарфланган масаллиқлар қииймати ҳисоб баҳолари урнига сотиш баҳоларида юритилган).

Касса аппарати кўрсаткичларининг тўғри эканлигини тасдиқловчи кассирнинг имзоси, масаллиқлар ҳаракати қайд этилган ҳужжат ва ҳисоботларда, моддий жавобгар шахслар ҳамда бухгалтерия ходимларининг имзолари қуйилмаган. Бирорта ҳам ҳисобот ресторан директори томонидан тасдиқланмаган. Ошхона буйича ҳисоботни, текширишга ёрдам берувчи, касса патталари ва назорат тасмалари сақланиб қолмаган. Айтилганларга кўра эксперт-бухгалтер миқдорий климат ҳисобини тиклаш натижаларини асосли эмас деб топди.

Четдан маҳсулот келтириш ва уларни хўрандаларга сотиш билан боғлиқ

камомад ўлчамини аниқлашда эксперт-бухгалтер шак-шубҳасиз маълумотларга эга бўлиши муҳимдир. Масалан, ресторан фаолиятини ҳужжатли тафтишдан ўтказишда ишлаб чиқариш мудири моддий жавобгарлигидаги "осетра" балиғи ва қора икра ҳаракатини миқдорий ҳисобини тиклаш асосида 10,08 дан 08.09 даври мобайнида 75400 сўм ҳисобдан ортиқчаси маълум бўлади. Жумладан "осетра" балиғи 135,6 кг миқдорда (суммаси 55900 сўм) қора икра 4,15 кг (19500 сўм). Инвентаризация даврининг дастлабки ва кейинги муддатига тузилган далолатномалар, ошхонада ишлаб чиқилган
маҳсулотларнинг реализациясига берилган чекларни текшириб чиққандан сўнг тафтишчи хулосасининг тўғри эканлиги тасдиқланди.

Саноатда, қурилиш ва бошқа тармоқларда махсулот ишлаб чиқариш ва бажарилган иш ва хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экпертизаси

Капитал қурилиш икки ташкилий формада-хўжалик ва пудрат услубларида амалга оширилади.

Хужалик усулидаги қурилишда қурилиш-монтаж ишлари ташкилотларнинг ўз кучлари билан бажарилади. Пудрат усулида қурилишда объект ва ускуна-жиҳозларни қуриш ва ўрнатиш махсуслаштирилган қурилиш ва монтаж ташкилотлари томонидан буюртмачилар билан келишилган лойиҳа-смета хужжатларига титул варақлари ва маблағ билан таъминлаш режаси асосида бажарилади. Қурилиш ёки унинг алоҳида босқичлари тугалланиши билан буюртмачи бажарилган ишларни далолатнома буйича қабул қилади ва унинг смета қийматини тўлайди. Капитал қурилишнинг пудрат усулида амалга ошириладиган барча жараёнлар 17-БҲМС «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари»га мувофиқ ҳисобга олинади.

Қурилиш ишларида учрайдиган масалаларни эксперт текшириш

хусусиятлари хужжатлардаги алохида белгилар ва ҳисоб ёзуви ёрдамида суиистеъмолларни амалга ошириш ҳамда беркитишнинг ўзига хос усулларидан келиб чиқади.

Моддий ва пул бойликларининг ўғирланиши қурилишда бажарилган ишларни ошириб кўрсатиш, уларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш усулларини бузиб кўрсатиш, қурилиш объектларига материалларнинг қийматини ҳисобдан чиқаришнинг белгиланган тартибига амал қилмаслиқ бажарилган ишларга ҳақ, ишчиларга маош, мукофотни асоссиз ҳисоблаш билан боғликдир.

Ушбу суиистеъмолларнинг содир қилиш механизмини аниқлашда кўпроқ қурувчи-муҳандислар, иқтисодчилар ва товаршуносларнинг махсус билимларидан фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун комплексли экспертиза ўтказиш мақсадга мувофиқдир, бунда ўзаро узлуксиз эксперт текшириш жараёнида ҳисоб муомалаларда натурал-кўрсаткичларнинг бузиб курсатилиши, ҳисоб ёзувларида муҳандислик ва бошқа билимлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мумкин.

Бундай суиистеъмоллар тергов қилинганда одатда муҳандислик-қурилиш экспертизаси ўтказилади ва ундан кейин бухгалтер-эксперт олдига ечиш учун масалалар тузилади. Оқибатда экспертли текшириш ўтказиш қийинлашади, экспертлар ўз ваколатларинг! ошириб юборишга ёки эксперт масалаларини бажармасликка олиб келади. Шу сабабли экспертиза ўтказиш учун материаллар тақдим этилганда мутахассис-бухгалтер экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор мазмуни билан танишиб қуйидагиларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади:

- суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш асослари;

- қуйилган масалалар экспертнинг ҳуқуқ доирасига мувофиқ келиши;

- ҳисоб масалаларига оид аниқ фактлар;

- ҳуқуқий ва маълумотномали тавсифдаги масалалар қуйилгани.

Капитал қурилишда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва

маблағ билан таъминлашдаги хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва суд бухгалтерия экспертизаси амалиётида тез-тез учраб турувчи бухгалтерия хисоб масалалари қуйидагилардан иборат:

-бажарилган иш ўлчами тўғрисидаги кўрсаткичларни ошириб ёзилиши ва унинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига қўшиб юборилган қурилиш материаллари, ҳисобланиб ёзилган иш ҳақи ва мукофотларни ортиқча ҳисобдан чиқарилган маълумотларга мувофиқ келиши;

кирим қилинган ва сарфланганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган материалларнинг миқдори ва суммаси тўғрисидаги маълумотларни бузиб курсатиш йўли билан ҳисобга олинмаган материаллар резервини тузиш;

қурилиш-монтаж ишларининг таннархи тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш;

- фойда тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва шу асосда иқтисодий рағбатлантириш фондларини хисоблаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни нотўғри кўрсатиш.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш жараёнида капитал қурилиш ишлари бўйича эксперт текширишлар олдига куйидаги вазифалар қуйилади:

- қурилиш-монтаж ишлари хажми тўғрисидаги маълумотлар билан ишлаб чиқаришга сарфланган ва ҳисобдан чиқарилган қурилиш материалларининг миқдори ва суммаси ишчиларга хисоблаб ёзилган ҳамда тўланган иш хақи суммаси тўғрисидаги ҳасоб маълумотлари Ўртасидаги мос (мувофиқ) келмаслик белгиларининг мавжудлиги ва Уларнинг ўлчамини аниқлаш;

- ҳисоб муомалаларини амалдаги қоидаларга риоя қилинмасдан

Белгиларини аниклаш; ҳисобдаги мос келмасликларни бошқа иқтисодий кўрсаткичларнинг ўлчамига ҳамда хужалик фаолиятидаги салбий ҳодисаларни ўз вақтида аниқланмаслигига қилган таъсирини

-ўғирлик ва бошқа суиистеъмол фактларини олдини олиш мақсадида ҳисобнинг маълумот бериши ва назорат қилиш

Фуйкцияларини такомиллаштиришига оид профилактик тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

Ушбу вазифаларнинг асосий турлари эксперт-бухгалтер ҳал мумкин бўлган масалалар доирасини белгилайди. Бу масалаларни ифодалаш-терговчини қизиқтирган воқеаларга бевосита алоқадор бўлган ҳисоб маълумотларида қайд этилган фактларни тақозо этади.

Қурилиш ишларини текширишда зкспертга тақдим этилган асосан қуйидагилардан иборат: 1. Дастлабки (бирламчи) ҳужжатлар - қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши тўғрисида далолатнома, товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини акс эттирувчи кирим ва чиқим накладнойлари, иш ҳақи ҳисоблаш ва ёзишга доир ҳужжатлар ва ҳоказолар.

2. Умумлаштирувчи ва қайд этувчи ҳужжатлар-материаллар ҳаракати бўйича участка бошлиқлари, прорабларнинг ҳисоботлари, топширилган хужжатларнинг рўйхати товар етказувчилардан келиб тушган юкларни қайд этиш дафтари, ишловчиларнинг шахсий счётлари ва бошқалар.

3. Аналитик хисоб кайдномалари ва дафтарлари - материаллар ҳисобига асосан тузилган оборот ва қолдиқли қайдномалар, ҳисоб-китоб ва тўлов қайдномалари.

4. Синтетик ҳисоб регистрлари - бухгалтерия ёзувлари (мемориал ордерлар, журнал-ордерлар).

5. Ҳисоботлар, тафтиш далолатномалари, муҳандислик-қурилиш, режа - иқтисодий, криминалистик ва бошқа турдаги экспертиза хулосалари ва бошқалар.

Қурилиш ишларида учрайдиган суиистеъмоллар қуйидаги босқичларда текширилади:

1.Текширилувчи ҳужжатлар системасини белгиланган норматив актларга мувофиқ келишини таҳлил қилиш.

2. Хужжатлардаги реквизитларнинг математик ва мантиқий боғланишлар.

3.Белгиланган баҳолар, нормалар, нормативлар ва чекланишларга амал қилинишини таҳлил қилиш.

4. Ҳисоб маълумотларига ишлов бериш технологияси ва ҳисоб юритиш қоидаларига риоя қилинишини таҳлил қилиш.
5. Бухгалтерия ҳисоби назорат функқиясининг бажарилишини таҳилил қилиш.
6. Пировард хулосани тузиш учун ҳар бир турдаги таҳилил натижаларини умумлаштириш.

Талон-тарожлар тўғрисидаги ишларни тергов қилишда вужудга келган асосий масалаларнинг эксперт амалиётида ечиш йўлларини мисолларда кўрамиз.

Вилоят матбуот уюшмасига карашли 7-сон қурилиш-монтаж бошкармасида қурилиш материалларининг ва ишчиларга асоссиз маош ҳамда мукофот тўланганлиги сабабли суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказиш тўғрисида терговчининг қарори тайинланган. Хусусий шахс томонидан 2005 йил 05.10 да 15 минг дона ғИШТ сотиб олиниб қурилиш майдончасидан Газ-51 маркали юк ташиш автомашинасида ташиб кетилганлиги сабабли иш қўзғатилган. Ҳаридор ғИШТ учун ҳақни машина ҳайдовчисига тўлаган, ҳеч қандай ҳужжат олмаган ва машина рақамини ёдида сакдаб қололмаган.

Терговчи томонидан тайинланган тафтиш №7- сонли қурилиш участкаси ҳўжалик фаолиятини 01.07 дан то 01.11 га қадар даврни ўрганиб чикди. Тафтиш жараёнида 20 октябрга 1 ва 2-қурилиш участкаларида инвентаризация ўтказилиб материалларнинг ортиқчаси ва камомади кузатилмаган. Участка бошликларининг таътилдан қайтганликлари сабабли 1-июлда — 1-участкада, 1-августда — 2-участкадаги моддий бойликлар инвентаризацияси ўтказилган.

Икки қурилиш участкасида ҳам 1-октябрга режада белгиланган инвентаризация ўтказилган. Инвентаризация материаллари тўғри расмийлаштирилиб далолатномадаги бойликларнинг қолдиқлари билан ҳисобдаги қолдиқлар орасида тафовут қайд этилмаган. Назорат ўлчаш натижасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини бажариб тафтишчи қуйидаги хулосага келди:

1-участка ишчиларига август ойида 38200 сўмдан маош ҳисобланиб ёзилган,

жумладан гидролиз цехи қурилишидаги ишчиларга 21220 сўмдан ва бетон қориш тугуни бўйича 16980 сўмдан. Сентябрь ойида мана шу участкада № 3 қурилиш бошқармаси рўйхатдаги таркибига кирмаган 8 шахсга ёрдамчи ишчиларнинг иш вақтини ҳисобга олиш табелига 8800 сўмдан иш ҳаки қўшиб ҳисоблаб ёзилган; № 3-курилиш бошқармасида 111-квартал учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича (ҳаақиқий бажарилган ишларни ҳисобга олишга қадар ва ундан кейин) ортиқча сарфлаш фактлари содир этилган.

Банк ҳужжатлари ва уларни ҳисоблаш № 3-сон курилиш бошқармасидан II- сон корхонасининг июль ойида бажарилган электромонтаж ишлари учун № 124 рақамли счёт тўлов талабномаси 34850 сўм пул (бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома счётга илова қилинмаган) тўланганлиги аниқланди, сентябрь ойида эса № II сон ПМК № 3 - қурилиш бошқармасининг аниқ объект ва бажарилган ишлар кўрсатилмаган № 643-сон счёг-тўлов талабномасига пул кўчирган. Қурилиш ишларини бажариш учун сарфланган суммалар "Ўз кучи билан бажарилган қурилиш монтаж ишлари" 2010 счётининг "Бошка ҳаражатлар" моддаси бўйича ҳаражатлар таркибига киритилган, жумладан 21710 сўм (643-сон счет бўйича) ҳаражатларнинг камайишига ёзилган.

Назорат ўлчов ва ҳужжатли тафтишда аниқланган III- квартал иш ҳажмларини ошириш, қўшиб ёзиш ва иш ҳақининг асоссиз ҳисоблангандан бошка солҳа мутахассислари ўтказган комплексли қурилиш-техникавий ва режа иқтисодиётли экспертиза тасдиқланди.

Назорат ўлчовда аниқланган ҳакиқий бажарилган ишларга норма бўйича неча сўмлик асосий қурилиш материаллари ҳисобдан чикарилиши керак деган саволга эксперт мутахассисдан қуйидагича жавоб олинди: ҳақиқий бажарилган ишларга (иш ҳажмига қўшиб ёзиш фактлари аниқланган объектлар бўйича) нормага мувофиқ ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган асосий материалларнинг сони: гидролиз цехи бўйича ғИШТ - 152,1 минг дона, бетон қоришмаси - 36 $м^3$. "Бетон қоришмалари тугуни" объектида эса материалларнинг ҳисобдан чиқарилмаслиги керак чунки бу ерда ишларнинг бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар йуқ.

Юқорида келтирилган комплексли экспертизанинг хулосалари бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги далиллар билан тасдиқланганлиги, қатор масалалар бўйича ҳисоб иқтисодий таҳлил ўтказилмаганлиги сабабли суд-бухгалгерия экспертизасини ўтказиш масалаларни ечиш тайинланиб унинг олдига қўйилди:(жадвал)

1. Тақдим қилинган бухгалтерия ҳужжатларидан № 3-сонли қурилиш бошкармасининг I қурилиш участкасида III кварталда бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ҳисобда ошириб кўрсатиш оқибатида таштнинг ҳисобга олинмаган резерви тузилганлигини тасдикдовчи маълумотлар борми? Агар бўлса қанча миқдорда ва ҳисобдаги баҳолар бўйича неча сўмни тузади?

2. Тақдим қилинган бухгалтерия ҳужжатларидан 1П-кварталда 1 ва 2-қурилиш участкаларида ғИШТ сарфланишини ҳисобдан чикаришнинг белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида ғиштнинг ортиқча резерви тузилганлигини тасдиқдовчи маълумотлар борми? Агар бўлса унинг сони қанча?

3. Сентябрь ойига I ва 2- участкаларда иш ҳақи ҳисобланишига таъсир қилувчи ва бажарилган ишларга ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган материалларнинг микдорини белгиловчи ҳисоб маълумотлари орасида мос келмасликлар учрайдими ё йўқми? Агар учраса бундай мос келмасликлар ҳужжатларининг қайси маълумотларида акс эттирилган?

4. 3-сон қурилиш бошкармаси (I қурилиш участкаси) ишчилар рўйхати таркибида бўлмаган шахсларга қайси маблағдан маош ҳисобланган. Ушбу қурилиш бошкармасида меҳнатга тўлов (истеъмол) фондидан ортиқча сарф қилинишига олиб келмадими? Агар шундай бўлса у қанча сўмни ташкил қилади?

5. Ҳисоб ва ҳисоботда 3-қурилиш бошқармаси билан 11- қурилиш-монтаж колоннаси ўртасидаги 124= (11=КМК) ва 643=(3=КБ) счётлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблари бухгалтерия ҳисоби қоидаларига риоя қилинган ҳолда акс эттирилганми? Агар аксинча бўлса, ҳисобнинг қайси қоидаларига риоя

қилинмаган ва у қурилиш-монтаж ишларига сарфланган ҳаражатлар тўғрисида маьлумотларни нотўғри кўрсатилишига қандай таъсир қилган?

Мутахассис - эксперт юқорида қўйилган масалаларни ечишга киришар экан, моддий, молиявий маблағлар ва улар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ҳаракати тўғрисида аниқ-тасаввурга эга бўлиши учун қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш тузилса ва асосий ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг тасвирини тузади. Тасвирда ишда эслатиб ўтилган ва эксперт олдига қуйилган масалаларга тааллукли алоқалар ахборот кўринишида келтирилади.

Эксперт олдига куйилган вазифалар					
	Иш хажмиии ошириб қўр-сатиш ҳисо-бидан ғишт-нинг ортиқча резервини ҳосил килиш	Киштни сар-фини нотҳтри)ҳисобда чгщариш билан унинг ортикча резервини эҳосил «илиш	)ҳисоб маълумотлари ва ҳис обдан чикарилган кури-лит материалари туррисидаги маъ-лумотлар Уртасидаги зиддиятлар	Курилиш бошвдрма-сида руй-хатга тур-ыагав иш-чиларга маош зҳисоби	КБ-ис ва ПМК узаро эҳисоб-ки-тоблари 5ҳисобда турри акс эттирилади
1	2	3	4	5	6
1.Экспертли текшириш объектлари буйича моддий ҳисоботи	М-29, III кв	III кв	Сентябр		№ 3 участка
2.Кирим ордери	М-3 III кв	III кв	Сентябр		
3.Товар-юк накладнойи	Т-Т III кв				
4.Материалларни ҳисобдан чиҳариш далолатномаси	Номери йуқ III кв				
б.Норма буйича материалларни ҳисобдан чгаҳариш зҳисоб-китоби	Номери йуқ III кв				-
6-Материаллар ҳисоби-нинг ҳайдномаси	10 III кв				
7.Журнал-ордери (К-39 дафт)	III кв		Сентябр		III кв
в.Объектлар буйича ҳужжатлар кайдномаси					
Э. Бажарилган ишларня қабул қилиш далолатномаси	2	III кв			

Ю.Бажарилган ишлар хажми туррисида маълумотнома	3	Сентябр	Сентябр		
П.Курилит бошқарма-си қисоби тўлов талабномаси					
12,№ ПМК ҳисоб тулов талабномаси			Сентябр		
13.Ишбай бажарилган ишлар наряди	Т-40			Сентябр	
14,Иш вақтини зҳисоб табели	Т-12			Сентябр	
15.Меҳнат буйича зр!соботи	3-Т				
1б.Инвентарлар руйхати ва дал олатнома лари.	ИНВ 3				

II- ишнинг бошқа материаллари ҳужжатларни

тафтиш далолатномаси

комплексли экспертизаси хулосаси-1

Комплекс экспертизанинг қўшимча хулосаси-2

Айбланувчи ва гувоҳаарни сўроқлаш баённлари

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

молиявий муомала

- касса аппарати мутахассис
- инвентаризация
- калькуляция карточкаси
- қурилиш-монтаж ишлари
- чакана савдо
- улгуржи савдо

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Касса ва банк муомалалари бўйича суд бухгалтерия экспертизаси қандай амалга оширилади?
2. Товар моддий бойликлар юзасидан суд бухгалтерия экпертизасини ўтказиш усулларни кўрсатинг.
3 Иш ҳақини ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини ишлатиш бўйича суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш.

4 Бошқа тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва бажарилган иш ва хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экпертизаси қандай амалга оширилади?

Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосаси

Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосаси тартиби ва унинг мазмуни

Терговчи кўрилаётган иш юзасидан экспертиза тайин қилиб, материалларни экспертга юбориш билан чегараланмасдан, мутахассис билан мунтазам алоқа боғлаб туриши лозим.

Тергов давомида экспертизага оид янги материал ёки маълумотлар топса, уни эксперт ихтиёрига ўтказиши керак Шунингдек эксперт ҳам экспертиза ўтказиш давомида унга маълум бўлиб қолган янги фактлар билан терговчини хабардор қилиши мумкин. Бу ҳолат саволларни эксперт олдига қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Айрим ҳолларда экспертиза текширишида айбланувчининг иштироки ҳам зарур бўлиб қолади.Масалан, суд-бухгалтерия, суд-товаршунослик техник автотехника, технология ва шуларга ўхшаш экспертизалар ўтказишда айбланувчининг иштироки керак бўлиб қолади.Эксперт-бухгалтер айбланувчидан ишга доир тушунтириш хатлари олиши ҳам мумкин.

Терговчи экспертиза ўтказишнинг асосий қоида ва методларини яхши билиши керак ҳар қандай экспертиза ўтказиш уч босқичдан, яъни тайёргарлик кўриш, текшириш ва хулоса чиқариш босқичларидан иборат бўлади.

Тайёргарлик кўриш босқичида эксперт экспертиза текширишлари олиб бориш учун керакли шарт-шароит яратиши лозим. Унинг ихтиёрига юборилган материаллар билан танишиб, текшириш учун етарли ва яроқлилигини аниқлаши, агар зарур бўлса, терговчидан қўшимча материаллар талаб қилиб олиши, ишдаги материаллар билан танишиб чиқиши мумкин. Текширишнинг ҳарактерига қараб керакли апаратураларни тайёрлаш, махсус адабиётларни кўриб чиқиш ва шунга ўхшаш ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш экспертнинг тайёргарлик кўриш ишларини ташкил қилади.

Суриштириш босқичида экспертиза объектлари устида текшириш ишлари олиб борилади.

Хулоса чиқариш босқичида ўтказилган текширишларнинг натижалари тўпланиб,якун ясалади ва бу якун «эксперт хулосаси» деб аталиб расмийлаштирилади.

Эксперт хулосаси аниқ ва тушунарли бўлиши, тузилиши эса изчил, маънодор ва ишонарли бўлиши шарт. Эксперт ўз хулосасида имконияти борича қийин ва мураккаб терминларни ёки чет тилларни ишлатмаслиги керақ Эксперт хулосаси шундай тузилиши керакки, уни уқиган ҳар бир киши экспертизанинг мазмунини, ўтказилган текширишларнинг услубларини ва қилинган хулосани яхши тушунсин. Эксперт хулосасининг далолатномаси асосан кириш, текшириш ва хулоса қисмларидан ташкил топади.

Агар бухгалтерия экспертизаси алоҳида давлат ташкилотларида олиб борилган бўлса, кириш қисмидан олдин, эксперт бухгалтернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақида ҳамда экспертизани ўтказиш ёки хулоса беришдан бош тортгани учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилганлига ҳужжат матнида берилади.

Эксперт хулосаси ҳақидаги далолатноманинг кириш қисмида бухгалтерия экспертизаси қачон, қайси ерда, ким томонидан ва нимага асосан экспертиза ўтказилганлиги кўрсатилади.

Хулосанинг кириш қисмида юқоридагилардан ташқари, яна жиноят ишининг қисқача баёни, эксперт ихтиёрига берилган текшириш объектлари устида тўлиқ маълумот ҳамда эксперт томонидан ҳал қилиниши керак бўлган саволлар кўрсатилади.

Эксперт хулосаси ҳақидаги далолатномани текшириш қисмида текширилган объектларга мукаммал равишда баён қилинади. Эксперт томонидан кулланилган текшириш усули ва методлари курсатилади.

Текшириш натижалари далолатноманинг хулоса қисмида якунланади ва унда экспертиза олдига қуйилган саволларга жавоб берилади.

Айрим сабабларга кўра текширилаётган объектнинг сифатсизлиги ёки ундаги ўхшаш белгиларнинг камлиги ёки тамоман йўклиги, таққослаб кўрилувчи материал ва нусхаларнинг камлиги ёки яроқсизлиги, текширишнинг асосий объектида вақт ўтиши билан сон ва сифат ўзгаришилари юз берганлиги каби бир қатор ҳолатларни хулосада кўрсатиш мумкин. Суд ва тергов ишларида экспертнинг тажрибасизлиги ва унинг текшириш услублари илмий булмаганлиги учун эксперт олдига қуйилган саволларга аниқ жавоб бермаслиги каби ҳолатлар учраб туради.

Эксперт хулосасига илова килинадиган расм-жадвалларни солиштириб ва эксперт тузган далолатномаларни синчиклаб ўрганиб чиқиш зарур. Бундай таҳлил эксперт хулосаси устидан тўғри мулоҳаза юритишга ёрдам беради.

Суд - бухгалтерия экспертизасини хулосасини суд ва терговчи томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланиши

Эксперт тегишли билим соҳасига мувофик; объектив ва ҳар томонлама талабларга қатъий риоя қилган ҳолда тадқиқот ўтказади. Эксперт-бухгалтер ўтказган тадқиқот натижалари
асосида қабул қилинган формада икки нусхада хулоса берилади. Биринчи нусха экспертиза тайинланган орган учун, иккинчи экспертиза муассаса учун ёзилади.

Эксперт берган хулосасида экспертиза қачон, қаерда, ким томонидан ва қайси асосга мувофиқ ўтказилганлиги, унда кимлар иштирок этганлиги, эксперт қайси материаллардан фойдаланганлиги, қандай тадқиқотлар ўтказилганлиги шунингдек экспертга қандай саволлар қуйилганлиги ва уни мотивлаштирилган жавоблари кўрсатилиши керак

Эксперт берган хулосаси бир неча қисмдан иборат. Биринчи навбатда, эксперт-бухгалтернинг хулосасида жунатиладиган экспертиза тайинланган тергов органларининг номи кўрсатилади. Хулоса сарлавҳасида ишнинг сони, жиноят иши бўйича жавобгарлиги қўзғатилган шахсларнинг исми-шарифлари кўрсатилади.

Уларнинг маълумоти, ихтисослиги, илмий даражаси ва унвони шунингдек эгаллаб турган лавозими кўрсатилади.

Таъриф қисмида суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш асоси келтирилиб ишнинг аҳволи қисқача баён этилади. Эксперт-бухгалтерга тақдим этилган материалларнинг рўйхати берилади. Шунингдек экспертиза ўтказилувчи жой, эксперт-бухгалтерга тушунтириш хатлари берган шахсларнинг фамилия ва лавозимлари, унинг иш вақти бошланиши ва тугалланиши ҳам кўрсатилади.

Экспертиза ўтказиш учун асос сифатида терговчининг қарори келтирилади ҳамда эксперт олдида қўйилган саволлар қайд этилади.

Эксперт-бухгалтерга тақдим этилган материалларни санашда ишнинг номери, томлар миқдори, ҳар бир томдаги варақлар кўрсатилади. Сўнгра экспертиза барча материаллар, яъни китоблар номи, карточкалар, журналлар сақланувчи папкалар санаб ўтилади.

Хулосанинг тадқиқот қисми (хулосаларга асосланиб) ўзида тадқиқотларнинг таърифи, кўчирма маълумотлар сифатида иш материалларидан олинган бошқа экспертларнинг хулосаларига иловалар, экспертнинг махсус билимлар доирасида ташкил этган тадкиқотлар баён этилади. Агарда эксперт иштироқида тергов ҳаракатлари ўтказилган бўлса, натижалар экспертига айбланувчи берган тушунтиришлар сингари хулосаларга асосланган ҳолда баён этилади.

Хулосанинг тадқиқот қисми махсус билимларга эга бўлмаган шахслар учун хам тушунадиган тарзда бўлиши керак Янги қўлланмалардан фойдаланилган ҳолларда унинг ишончлилигини тасдикловчи маълумотлар киритилади.

Хулосалар турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик керак Агар эксперт норматив материаллардан фойдаланган бўлса, уларни айнан кўрсатиши лозим.

Экспертнинг хулосасига маълумотнома ва таққослаш таблицалари фотоиллюстрациялар, эксперт томонидан тузилган актлар илова қилинади. Улар хулосанинг асосий таркибий қисми сифатида қараб чиқилади. Шунингдек тегишли суд солиқларига

киритиш учун экспертизанинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳам эълон қилинади.

Ўз эҳтиёжларидаги материаллар асосида бирон та ҳам саволни хал этиш мумкин бўлмаса, у ҳолда хулоса бериш мумкин эмаслиги тўғрисида ахборат тузади.

Экспертнинг хулосаси бошқа хар кандай далиллар манбаи сингари суриштирув олиб бораётган шахс терговчининг ички ишончига қараб эркин баҳолаши лозим. Хулоса баҳоси уни атрофлича тахлил қиилишдан иборат. Тахлил давомида эса қуйидаги жиддий саволларга жавоб олинади:

1. Хулоса бериш учун экспертга етарли даражадаги материаллар тақдим этилганлиги, улар ишнинг хулосасига қараб айнан ўша тадқиқот объектлари ҳисобланадими, норматив маълумотлардан фойдаланилганми?

2. Эксперт-бухгалтернинг хулосаси иши бўйича бошқа далил манбаларига боғлиқми?

3. Эксперт-бухгалтер хулоса тузишда бухгалтер ҳисобига таалуқли бўлмаган фаннинг бошқа соҳаларидаги билимлардан фойдаланганми?

4. Хулоса тузиш жараёнида қонунда белгиланган барча процессуал нормаларга риоя этилганми?

5. Эксперт-бухгалтернинг ҳисоблаш даражаси норматив актларга мувофиқми?

6. Операцияларни тадқиқ қилишда эксперт-бухгалтер томонидан танлашнинг тўғрилиги; эксперт-бухгалтернинг хулосалари иши бўйича тўпланган бош далилларга қарама-қарши эмасми?

7. Эксперт томонидан ўрнатилган фактларни иш учун қандай аҳамияти бор. Шунингдек:

-эксперт-бухгалтер кўшимча тадқиқот эмас, балки термин ва формулировкаларни тушунтириб бериши экспертнинг ваколати ва унинг ишга муносабатини аниқлаш, фойдаланилган материаллар ва усулларни ниҳоятда майдалаб таърифлаш;

-куйилган саволлар ҳажми ва хулосасининг ёки тадқиқотнинг кисми ҳамда

хулосалар ўртасидаги фарқни тушунтириш;

-эксперт комиссияси аъзолари ўртасидаги тафовутлар сабабларини изохлаш керак

Тергов материалларида хулосаларининг қанчалик даражада асосли эканлиги ва бошқалар зарур бўлган ҳолларда сўроқ қилинади.

Эксперт муассасада ишлайдиган экспертни сўрокда муассаса раҳбари орқакли чақириш мақсадга мувофиқдир.

Сўроқ олдидан терговчи зарур ҳолларда экспертнинг шахси хақида ишонч ҳосил қилади, сурокнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради, уларни баённомада қайд этади. Зарур ҳолда эса унинг шахсияти, мутахассислиги, ваколати ва ишга алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар аниқланади. Ана шундан сўнг тушунтириш ва тўлдириш талаб этувчи саволлар қуйилади. Ортикча саволларга йўл қўйилмайди.

Агар экспертиза бошқа алохида аҳоли пунктда ўтказилса, у ҳолда экспертни сўроқ қилиш тўғрисида алохида талабнома жунатиш мумкин.

Эксперт-бухгалтер ўз жавобларини қўлда ёзиб бериши ҳам мумкин.

Етарли даражада аниқ ва хулосалар тўлиқ бўлган тақдирда терговчи экспертнинг хулосаларига норозилиги туфайли айнан ўша ёки бошқа экспертизага топшириладиган қўшимча экспертиза тайинлаш мумкин.

Эксперт хулосаси билан хулосанинг асосли бўлмаганлиги сабабли рози бўлмаган ҳолларда бошқа эксперт ёки экспертларга топшириладиган такрорий экспертиза тайинлаши мумкин.

Қўшимча ва такрорий суд бухгалтерия экспертизаси тайинлаш ва ўтказиш тактикаси дастлабки экспертиза тактикасидаги сингари амалга оширилади.

Жиноят иши бўйича бир неча экспертиза ўтказилган" ва экспертлар бир хил фикрга келмаган бўлсалар, суриштирувчи, терговчи ёки суд баъзи экспертларнинг хулосаларига кўшилиш ва бошқа экспертларнинг хулосаларига кўшилмаслик тўғрисидаги ўз фирини асослаб бериши лозим.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Суд
2. Экспертиза
3. Суд – бухгалтерия экспертизаси хулосаси
4. Суд - бухгалтерия экспертизаси текшируви
5. Хулоса-далолатнома
6. Текшириш объекти
7. Далолатноманинг кириш қисми
8. Далолатноманинг текшириш қисми
9. Далолатнома хулоса қисми

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосаси қандай тартибда тузилади?
2. Суд-бухгалтерия экспертизаси хулосаси мазмунини тушунтириб беринг.
3. Суд - бухгалтерия экспертизасини ўтказишда қандай ашёвий далиллардан фойдаланилади?
4. Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосаси қайси органлар учун маълумот манбаси бўлиб ҳисобланади?
5. Суд - бухгалтерия экспертизаси хулосаси кандай кўриб чиқилади?

Суд-бухгалтерия эксиертизасининг корхона молиявий хужалик фаолиятиви такомиллаштиришга таъсири

Корхона ва ташкилотларда ижтимоий мулкни сақлаш, таъминлаш ва моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича суд-бухгалтерия экспертизасининг таклифлари

Мавжуд материаллар (тафтиш ва экспертиза далолатномалари тергов харакатлари баённлари) асосида мутахассис терговчига жиноят содир этилишига йул очган сабаб ҳамда шароитларни аниқлаш ва уларни ҳолис баҳолашда бу

хақида фикрнома тайёрлашда ёрдам кўрсатиш мумкин. Бунда, мутахассис бузилган нормалар, қоидалар рўйхатини белгилайди, ҳисоб - китоб ва назоратга маъсул мансабдор кишилар ўз ваколатларини бузган ё бузмаганликларини кўрсатади, назорат тафтиш ишини йўлга қўйишдаги нуқсонларни аниқ белгилайди ва булар талон тарожчиларга узоқ муддат эркин ҳаракат қилиш имконини берганларини кўрсатади.

Эксперт-бухгалтер ўз билим ва тажрибасини, шунингдек терговчи берган тегишли маълумотларга таянган холда келгусидаги жиноятлар олдини олиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мумкин.

Бу масалада мутахассис фикри шунинг учун ҳам муҳимки терговчилар фикрнома тайёрлашда қуйидагича хатоларга йул кўйишлари тажрибада кўп учрайди:

а) талон-тарожга имкон берган сабаб ва шароитлар кўрсатиладию, уларни бартараф қилиш юзасидан таклиф, мулоҳаза билдирилмайди.

б) муайян хужалик шароитида бажариш имкони йўқ ёки самарасиз бўлган таклифлар билдирилади.

Масалан:

Қанд заводида юз берган талон-тарож терговчи материаллари асосида терговчи қанд хом-ашёси миқдорини ҳажм жиҳатдан эмас амалдаги вазни жизҳатдан аниқлашни тавсия этган. Бунда, у қанд хом-ашёси зичлиги намлигига қараб бир хил бўлса ҳам вазни ҳар хил бўлиши мумкинлигини ҳисобга олмаган. Бундан ташқари, терговчи тавсия этаётган чора идоравий қоидага ҳам зиддир.

Бир турдаги корхоналар тизимидаги жиноятлар содир этилиши сабаб ва шароитлари тахлилини ўз ичига олган умумлаштирувчи фикрномаларнинг самарадорлиги каттадир. Бундай фикрномаларни тайёрлашда мутахассиснинг ёрдами бухгалтерия ҳисобидаги кўп учрайдиган бузилишларни тизимлашдан талон-тарожлар билан ташкилий-хўжалик фаолиятидаги нуқсонларнинг ўзаро алоқасини аниқлашдан иборат. У битта корхона эмас, балки бутун бир соҳа манфаатларига даҳлдор профилактик тавсиялар ишлаб чиқишига кўмаклашиши мумкин.

Фикрномани айнан кимга юборишни белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, ундаги таклиф ва мулоҳазаларни бажариш тегишли мансабдор шахснинг ваколати ва тасарруф доирасига боғликдир. Бир иш юзасидан бир неча ташкилотларга фикрнома юбориш мумкин. Бу масалани хал этишда хам мутахассис-бухгалтер билан маслахатлашиш фойдадан холи эмас.

Мутахассис бухгалтернинг терговчига мехнат жамоалари хузурида матбуот, радио, телевединия орқали чиқишлар тайёрлаш кўрсатадиган ёрдами. Тажриба кўрсатадики, профилактик ишнинг бу шакли нопроцессуал харакатларга эга бўлиб, муайян корхона, ташкилотларда юз берган талон-тарожлар ҳакидаги жиноий ишларни тергов қилиш билан узвий боғликдир. Бундан чиқишлар катта тайёргарлик ишларини талаб қилади. Чиқишларнинг мазмуни қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- талон-тарожга имкон берган энг муҳим сабаб ва шароитлар, ортиқча тафсилотларсиз, равшан ва тўлиқ тўлдирилиши керак;
- муайян аниқ тингловчиларга қаратилган бўлиши керак Чунончи ишлаб чиқариш бугини меҳнат жамоаси хузурида бухгалтерия хужжатларини сохталаштириш усулларини батавсил баён қилиб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас;
- муассаса маъмуриятини жиноятга йул очгани сабабли, ушбу шароитларни бартараф қилишга йуналтириши керак

Ушбу талабларни бажаришда мутахассис-бухгалтер катта ёрдам кўрсатиши, бу ёрдам оғзаки маслаҳатлардан, маълумот беришидан иборат бўлиши мумкин. Жумладан, у терговчига бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ аниқ нуқсонларни аниқлашда ёрдам беради. Токи уларнинг ўта мухимлари тингловчилар хузурида таҳлил этилиши ва улардан тушган саволларга жавоб қайтариши мумкин.

Одатда хужжатлардан жиноий мақсадларда фойдаланиш йўли билан содир этилган жиноятлар назорат учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги оқибатидир. Терговчи, биринчи навбатда,

тингловчилар эътиборини шунга қаратиш керак Агар у олдиндан мутахассис билан маслахатлашган ҳолда, хисоб-китоб ва назорат ишларида йул қўйилган камчиликларни яққол, кўрсатиб берса унинг чикиши тушунарли ва самарали бўлади. Терговчи муассаса, ташкилот, корхонадаги нуқсонларни қуруқ қайд этиш билан чегараланмасдан, балки уларни бартараф қилиш юзасидан мутахассис ёрдамида тайёрланган таклифлар ва тавсияларни билдириши мумкин. Терговчининг матбуот, телевидения ва радио орқали чиқишларига ҳам деярли шу хилдаги талаблар қуйилади. Бундай чиқишлар хеч қандай шарх қўшимча аниқлаштиришга ҳожат қолдирмайдиган даражада аниқ, лўнда, саводли, далилли, тушунарли, изчил бўлиши керак

Матбуотдаги мақолалар ёки чиқишларда келтириладиган мисоллар, аниқ, иш материаллари билан тасдиқланган бўлиши зарур. Нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан билдириладиган тавсия ва таклифлар қонуннинг, реал хўжалик фаолияти нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Ана шу талабларни бажаришда мутахассис бухгалтернинг ёрдами жуда хам қўл келади.

Бу ёрдам бухгалтерия хисобида талон-тарож содир бўлган ташкилот, муассасада хужжат тайёрлаш соҳасида юз берган

бузилишларга оид тегишли материалларни танлаш ва биргаликда мақола тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Суд-бухгалтерия эксиертизасининг таклифлари ва уларни бажаришни назорат қилиш

Талон-тарожга йўл очган сабаб ва шароитларни аниқлашга боғлиқ бўлган масалалар билан терговчи дастлабки терговнинг деярли барча босқичларида шуғулланади.

Масалан: тергов харакатларини режалаштириш босқичида терговчи мутахассис бухгалтерии ёрдамга жалб этишни мулжаллар экан, қуйидаги

саволларга жавоб олишни назорат этиши керак:

- Талон-тарожчиларга узок муддат давомида жиноят ишларини беркитиб келишга қанақа шароитлар имкон берган?
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб-китоб ишларидаги талон-тарожга йул очган аниқ камчиликлар нималардан иборат?
- Назорат-тафтиш ишларини қониқарли йулга қўйилиши нималарда кўринади?
- Тафтиш ва инвентаризация муддатлари ва қоидалари бузилишининг сабаблари нимада?
- Нима учун аввалги тафтиш ва инвентаризациялар чоғида етишмовчиликлар аникланмаган?
- Тафтишчилар ҳар сафар бир ёки бир неча кишиларнинг ўзлари томонидан ўтказилган эмасми, талон-тарож фактлари ўз вақтида аниқланмаганлигининг сабаби шу ҳол билан боғлиқ эмасми?
- Режавий тафтишлар пайтида аниқланган нуқсонларни бартараф этишнинг аҳволи, агар улар бартараф этилмаган бўлса сабаби нимада?
- Талон-тарожларни аниқлаш ва бархам беришда маъмурият ҳамда жамоат ташкилотларининг роли.

Ушбу саволларга бухгалтерия ҳисоби хужжатларини моддий қийматлари ҳаракати, уларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш шарт шароитларини малакавий тахлил этиш орқали жавоб олиш мумкин ва бу чуқур, махсус билимларга эга бўлишини талаб этади.

Талон-тарож содир этилишига йўл очган шарт шароитларни аниқлашда терговчига хужжатли тафтиш далолатномаларни тахлил қилишда ёрдам берувчи мутахассис бухгалтернинг роли каттадир. Тафтиш ҳужжатлари асосида у қуйидаги профилактик саволларга жавоб бериши мумкин:

- Корхонада хисоб-китоб ишлари қандай йўлга қўйилган?
- У пул маблағлари ва моддий қийматлар талон-тарож қилинган пайтда камомадни вақтида аниқлаш имконини берадими?

- ҳиисоб-китоб қоидалари бузилган эмасми, агар бузилган бўлса у нималарда кўринади?
- Ҳисоб-китобни уюштиришда талон-тарожчиларга шароит яратган нуқсонлар бўлганми, улар нималардан иборат?
- Моддий қийматларни сақлаш, ташиш ва назорат ўтказиш системасининг аҳволи талабларга жавоб берадими?

Жиноят содир этилишига йўл очган сабаб ва шароитларни аниқлаш учун жалб этилган мутахассис бухгалтер процессуал ҳамда нопроцессуал шаклларида ҳаракат қилиши мумкин.

Нопроцессуал шаклда ҳаракат қилган пайтда у терговчига маслаҳат беради, ҳужжатли тафтиш далолатномасини шарҳлайди, мўлжаллаётган тергов ҳаракатлари ва ташкилий тадбирларни тайёрлашда қатнашади, маьлумот характеридаги саволларга жавоб беради ва ҳ.қлар. Бундан ташқари, терговчи терговда иштирок этаётган мутахассис ёрдамида жиноий ҳаракатларни енгиллаштиришга имкон берган ҳолатларни аниқлашда ҳам фойдаланиши мумкин. Айрим ҳолларда фақатгина профилактик характерга эга бўлган вазифаларни ҳал этиш учун тергов ҳаракатларини мутахассис бухгалтер иштирокида ўтказиш мумкин, деб ўйламиз. Унинг аниқ ёрдами қуйидагича бўлиши мумкин, яъни ҳужжатларни олиш, кўздан кечириш жараёнида мутахассис терговчи эътиборини талон-тарож ёки бошқача ғаразли суистеъмолларга йўл очган, жумладан, шундай ҳолатларга қаратади:

- Бухгалтерия ҳужжатларини қайд этишда ва расмийлаштиришда муддат тартибини бузганлиги (улар учун албатта зарур бўлган реквизитлар йўқлиги; бошқача, бегона ҚОҒОЗ варақлардан фойдаланганлиги; ҳужжатларни тўлиқ эмаслиги ва хк) уларнинг сақланиш муддати тугамасдан йўқ қилиб юборилганлита, ҳужжат мазмунининг хўжалик операцияси моҳиятига мос келмаслиги (масалан, кам қийматли инвентарларни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги

далолатномага киритилган кейин амалда ҳали фойдаланиб кетилмаган буюмлар мавжудлиги);

- Тафтиш ва инвентаризация қилиш муддатлари бузилганлиги.
- Қонунга хилоф равишда вазифаларни қўшиб олиб бориш (масалан, кассир кассасида операцион қисм назоратчиси кассир вазифасини бажарадиган ҳоллар бўлади, бу эса омонатларни сақлаш қоидасининг ўта қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади)
- Амал қилиш тўхтатилган, эскирган норма ва баҳолардан фойдаланганлиги; ишлаб чиқариш фаолиятининг аниқ бўғинларда ҳужжатли ҳисоб-китобларни йўқлиги (масалан мастернинг цех бошлигидан хўжалик инвентари олиши ҳужжатлаштирилмаган)
- Моддий қийматлар ҳаракати устидан тегишли назорат ўрнатилмаганлиги (масалан, назорат ўтказиш пунктида корхона цехларидан олиб чиқиб кетилаётган маҳсулот журналда қайд қилинмайди)

Айбланувчи, гумон қилинувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишда қатнашадиган мутахассис-бухгалтер терговчига жиноятга йўл очган ҳаракатларини аниқлашда катта ёрдам кўрсатади. Айбланувчилар терговчининг мазкур соҳадан етарлича хабардор эмаслигидан фойдаланиб, кўпинча саволларга чалкаш, нотўғри жавоб беришлари, хўжалик операциялари мазмун ва моҳиятини ўз манфаатларига мослаб изоҳлашлари, баъзида, агар бунинг фойдаси тегиши мумкин бўлса, ўзларининг етарли тушунчага эга эмасликларини айтишлари мумкин. Мутахассис-бухгалтер бундай пайтларда масалага аниқлик киритади ва ҳуқуқбузарликларнинг куп сабабларини очишга ёрдамлашади. Кўпинча гувоҳ тариқасида бухгалтерия ходимлари сўроқ қилинади. Улар жавобгарликдан қутулиш мақсадида ишдаги камчиликлар, қоидаларни бузилганликларини яширишга ҳаракат қиладилар. Бундай пайтларда саволларни тўғри, аниқ, саводли қилиб бериш ғоят мухимдир. Унга эса мутахассис ёрдам бериши мумкин,

яъни у сўроқда тайёргарлик жараёнида саволлар доирасини белгилаш ва уларни тузишда сўроқ пайтида изоҳ киритиш аниқлаштирувчи саволлар беришда сўрокдан сўнг натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолашда ёрдам беради.

Жиноят содир этилишига йўл очган сабаб ва шароитлар ҳақида энг кўп маълумотга эга бўлган кишилар тафтишчилардир. Шунинг учун уларни сўроқ қилиш пайтида керакли саволларнинг барчасига жавоб олишга ҳаракат қилиш керак Тафтишчини сўроқ қилиш тўла ва сифатли бўлиши, нотўғри маълумотлар берилишига йўл қўймаслик учун ушбу тергов харакатига мутахассис бухгалтерларни жалб этиш мақсадга мувофикдир.

Тадқиқотлар кўрсатадики, тафтиш ва бухгалтерия экспертизаси материаллар талон-тарож содир этилишига шарт ва шароитларни бартараф қилиш юзасидан фикрнома тайёрлашга эга бўлиб хизмат қилади. Шу боис, бу тадбирларни тайинлаш хақида тегишли маълумот олишни назарда тутмоқ керак Бунинг учун мутахассис бухгалтер ёрдамида тафтишчи ва экспертларга бериладиган профилактик саволларни тўғри белгилаш лозим. Бу саволларга жумладан, қуйидагилар кириши мумкин:

- Аниқданган камомад (ёки ортиқда) ва бухгалтерия ҳисоботидаги нуқсонлар ўртасида қандай боғликлик бор.
- Ҳисоб-китоб назорат ва моддий қийматларни ҳисобдан чиқариш борасидаги қандай бузилишлар, ўзгаришлар ва белгиланган тартибдан чекинишлар талон-тарожга шароит яратган.
- Илгари ўтказилган тафтишлар давомида камомад ёки ортиқчалик келиб чиқишнинг қанака сабаблари аниқланган. Шу билан бирга суд-бухгалтерия экспертизаси корхона молиявий хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга таъсир этувчи президент фармонларидан ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг асосий аҳамияти нимада, унинг мақсадлари нималардан иборат, карорда принципиал жиҳатдан янги қоидалар мавжудми ва бошқа саволларни ўрганиб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини давлат томонидан назорат қурлиш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тўғрисидаги Низом ва ушбу тартибдан келиб чиқадиган талабларга амал қилишини қуйидаги текширишларини мувофиқлаштириш бўйича саволлар ва жавоблар асосида кўриб чиқамиз.

Фармоннинг асосий аҳамияти нимада, унинг мақсадлари нимадан иборат?

Фармоннинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат қилувчи органлар томонидан текширишларни тартибга солиш ва сонининг кескин қисқарилиши, текширишлардаги параллелизм ва такрорлаш фактларига йўл қўймаслик Айни бир хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар хил назорат тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорат қилувчи органлар корхоналар фаолиятига асоссиз аралашишларга йўл қўймаслик бюджет олдида қарзи бўлмаган ва белгиланган қонунни меъёр қоидаларини бажарадиган, виждонан ишлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар учун тинч ишлашига шарт-шароитлар яратиш; назорат қилувчи органларнинг текширишлар ўтказилишидан ўзининг шахсий даромадларини ноқонуний йўллар билан тўлдириб олиш учун фойдаланадиган нопок мансабдор шахсларнинг порахўрлик хизмат мавқеидан фойдаланиш ўзбошимчалик қилишга доир фактларга қарши кураш.

Президент Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида принципиал жиҳатидан янги қоидалар мавжудми?

Фармон текширишларини тартибга солиш борасида принципиал жиҳатдан янги чора-тадбирларни назарда тутади.

Биринчидан, унда текширишларни ташкил этиш тизимига янгича ёндашувлар асос қилиб олинган бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат қилувчи органлар томонидан текширишлари ва тафтиш қилинишлари сонининг кескин қискарилишини кўзда тутади, бунга

қуйидагича чеклашларни жорий қўлиш ҳисобига эришилади.

Молия-хўжалик фаолиятини текширишлар ва тафтиш қилишларни ўтказиш даврийлиги бир йилда бир мартадан ортиқ бўлмайди ва республика кенгашининг қарорига биноан бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлайдиган бошқа қонуний меъёр ва қоидаларни бажарадиган аудиторларнинг ҳар йиллик хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун икки йилда бир мартадан ортиқ бўлмайди.

Текширишларни ўтказишнинг давомийлиги ўттиз календар кундан кўп бўлмайди (илгари текширишларни ўтказиш муддати чекланмаган эди) шундан сўнг текшириш тугалланади ёки материаллар тергов органларига берилади. Фавқулодда ҳолларда текшириш муддати узайтирилиши мумкин, лекин фақат назорат қилувчи органлар фаолиятининг Мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Қарорига биноан.

Текширишларга қўйиладиган шахслар сони давлат назорати органларининг аттестация натижаларига кўра молия хўжалик фаолияти текширишлар ва тафтиш қилишларга қўйилган мансабдор шахслар учун махсус гувохномалар тизими жорий кдлинади. Курсатилган мансабдор шахслар вақти-вақти билан қайтадан аттестациядан ўтказиб турилади. Қўшимча текширишларни ўтказишига эндиликда фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига биноан ёки жиноий ишларни тергаш жараёнлари йўл қўйилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолиятини қарама-қарши текширишлар фақат текширилаётган объект билан ўзаро муносабатлар мавжуд бўлгани ҳолда назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишган тарзда йўл қўйилади.

Горизонтал текширишлар ва тафтиш қилишлар ўтказиш таъқиқланади.

Иккинчидан, Фармонда текширишларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасида қуйидаги йўлларни ишга солиш билан давлат

назорати органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг маъсулиятини ошириш назарда тутилган:

-Мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазоларни татбиқ қилиниши;

-Давлат назорати органлари мансабдор шахсларнинг текширишларини тартибга солиш соҳасидаги қонунларни ижро этиши устидан прокурорлик назорати ролини ошириш, текширишларни ўтказиш соҳасида белгиланган тартибда риоя қилиниши учун давлат назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликнинг юкланиши.

Учинчидан; барча турдаги текширишлар, жумладан, корхоналарнинг молия хўжалик фаолияти устидан маъмурий назорат текширувларини ўтказишини тартиби жорий қилинмокда. Бу текширувларнинг ҳаммаси кўпи билан йилда бир марта одатда солиқ органларининг ташкилий раҳбарлиги остида бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар эса Молия вазирлиги органлари раҳбарлиги остида комплекс текширишлар таркибида ўтказилади.

Ва ниҳоят, тўртинчидан, ушбу Фармон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хўжалик юритувчи субъектлар молия хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишда фақат кузатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида олиб боришлари учун ваколатларини чеклайди.

Текширувларнинг мувофиқлашштирувчи режаси қай тарзда шаклланади?

Аввалги фармоннинг моддаларига мувофиқ киритилган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш тартиби сақланиб қолган. Чунки, у умуман ўзини оқламади. Мувофиқлаштирувчи режа лойиҳаси кенгашнинг ишчи органларнинг ва жойлардаги ҳудудий комиссиялари томонидан ишлаб чиқарилади. Бу иш режадаги йилдан олдинги йилнинг ноябр, декабр ойларда бир йилда бир марта қилинади. Мувофиқлаштирувчи режа назорат қилувчи органларнинг ўзлари киритган таклифлари асосида ишлаб чиқилади. Лекин, улар таклиф қилган муддатлар одатда мажмуи (комплекс) текширувлар ўтказилишини

таъминлаш учун мувофиқлаштирилади. Булардан ташқари Мувофикдаштирувчи режаларни йилнинг ҳар чорагида аниқликлар киритиш мумкин, лекин бунда ҳам у назорат органларини хабардор қилган ҳолда кенгашнинг қарори билан қилинади.

Мажмуи (комплекс) текширувлар ўзи нима ва уларни ўтказишдан мақсад нима?

Мажмуи текширишлар - бу яна бир ўзини оқлаган механизм бўлиб у президентнинг текширишларни тартибга солиш ҳақидаги бундан олдинги фармонидан кейин жорий қилинган. Мажмуи текширувларда жорий йилда ушбу хўжалик юритувчи субъектни ўз ваколати доирасида мўлжалланган ҳамма назорат қилувчи органлар иштирок этадилар. Мажмуи теширувлар ўтказиш назорат қилувчи органлар ишида параллелизм ва бир-бирини такрорлаш кабилардан халос бўлиш имконини беради бундан ташқари текширилаётган субъект учун мажмуи текширув ўтказилгандан сўнг кейинги мажмуи текширув ўтказилгунча бафуржа ишлаш имонини беради. Чунки бошқа бирорта назорат қилувчи орган уни текшириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шундай қилиб, бунда текширувчи ташкилотларнинг вақти тежалади.

Ушбу қўйилган масалага икки ёқлама қараш мумкин: Биринчидан корхоналарнинг назорат қилувчи органлар билан шунингдек дейлик ҳиссадорлик жамиятларининг ўз ҳиссалари ёки банкларнинг ўз мижозлари билан ўзаро муносабатларини тараққий этган шаклларига ўтиш текширувларининг аудиторлик шаклларини кенгайишини назарда тутади. Корхона ўз молиявий фаолиятининг «таниқлини» таъминлаши, солиқ қонунчилигини қўллашда онгли равишда бўлмаган хатоликларга йўл қўймаслиги молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бошқалар учун текширишларнинг аудиторлик шакли малакали аудиторлик фирмаларини жалб қилиш бўлиб, ҳамда иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда қабул қилинган ва ундан самарали фойдаланилмоқда. Биз ҳам бунга кўникишимиз керак қанчалик таажжуб

туюлмасин бу корхоналарга ҳатто солиқлар нотўғри тўланганда олинадиган жарималар корхоналарни молиявий маблағлардан фойдаланиш учун ишонч билдирилган хизматларнинг виждонсизлигидан ҳимоялаш ва бошқалар ҳисобига ўз тафтиш аппаратининг молиявий ҳаражатларини камайтириш учун ҳам ёрдам бўлади.

Президент фармонида солиқларни тўлашга виждонан ёндашадиган бошқа меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга риоя қиладиган ва ҳар йили аудиторлик хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни кўпи билан икки йилда бир марта (яъни бу шартларга риоя қилмайдиганларга қараганда икки марта кам) текшириш кўзда тутилиши бежиз эмас. Шу билан бирга, назорат қилувчи органлар томонидан, аудиторлик текширувларини текширилаётган оъектлар ҳисобига ўтказилишининг мажбурий шаклига йўл қўйилмайди. Фармонда аниқ белгилаб қўйилганки, хўжалик юритувчи субъектларни текширишга, аудиторлик фирмалари жалб қилинган тақдирда уларни хизмат ҳиқларини буюртмачининг ўзи яъни, текширилаётган ташкилот тўлаши керак Бундай меъёрий ҳужжатлар, яъни, охир-оқибатда назорат қилувчи органлар томонидан эмас, балки текширилаётган суьектлар ҳақини тўлайдиган аудиторлик фирмаларининг қўшимча кучларини жалб қилиш ҳисобига кенгайтириладиган текширувлар сонининг қисқаришига имкон беради,

Президент фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларида бу ҳужжатларнинг муҳим қоидаларини амалда рўёбга чиқаришлари учун қандай механизмларни назарда тутади?

Шуниси жуда муҳимки, фармонда асосий коидаларини амалга ошириш учун жуда аниқ механизмларни ўз ичига олган.

Фармон назорат қилувчи орган фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида республика кенгашига бошқача нуфуз бағишлади. Фармон билан тасдикданган республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги низомда бу кенгаш давлат назорати соҳасида марказий

мувофиқлаштирувчи орган мақоми берилган. Бу нарса барча назорат қилувчи органлар ўз ҳаракатларини фақат Кенгаш орқали мувофиклаштиришлари лозим, деган маънони англатиб қолмасдан, шу билан бирга, кенгаш қарорлари давлат назоратини амалга ошириш учун мажбурдир, деган маънони ҳам англатади. Илгари Кенгаш қарорлари кўпроқ тавсия этувчи хусусиятга эга бўлар, шу сабабли ҳамиша ҳам назорат қилувчи органлари томонидан бажарилавермасди.

Агар илгари давлат солиқ қўмитаси хузурида бўлиб унинг раиси кенгашга бошчилик қилган бўлса эндиликда кенгаш идоралараро марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади ва тартибга солиш соҳасида қонунчиликни бузаётган назорат қилувчи органлар раҳбари маьмурий жазолар беришни тавсия қилиши ваколатлари ҳам берилган. Бу кенгаш қарорларини таьсирини ва унинг иши самаларадорлиги оширади.

Агар режадан ташқари текшириш ўтказишга етарли асослар ва кенгашнинг рухсати бўлмаса, кенгаш ҳар қандай режадан ташқари текширишни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Шундай қилиб, агар назорат қилувчи органда илгаридан режалаштирилмаган текшириш ўтказишга қатъий зарурат туғилса, бундай ҳолда у барча асословчи ҳужжатларни кенгашга такдим этиши ва ундан рухсат сўраши лозим. Бундай тартиб, шак-шубҳасиз,текширишга сонини асосли эканлигини ўз назоратида сақлайди.

Агар фармон билан кенгаш ҳақидаги низом тасдиқланган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишни амалга ошириш тартиби» тасдиқланган. Бу ҳужжатда хўжалик юритувчи молия-хўжалик фаолият билан боғлиқ бўлган ва бўлмаган текширишлар ўтказиш тартиби аниқ белгилаб берилган. Шу нарса жуда муҳимки, тартибли текширишлар ўтказиш учун қандай ҳужжатлар асос бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бунга: кенгаш тасдиқлаган текширишларнинг мувофиқлаштирилган режасидан кўчирма назорат қилувчи органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи

(унда текшириш мақсади ҳам кўрсатилади) , текшириш ўтказиш санаси ва текшириш ўтказиш топширилган мансабдор шахслар таркиби киради. Ҳар бир текширувчида унда текширишни амалга ошириш имконини берадиган махсус гувоҳнома бўлиши лозим.

Агар айтиб ўтилган ҳужжатлар бирортаси бўлмаса ҳам хўжалик юритувчи субъект текширувчиларини текширишга қўймаслиги лозим ва унинг бундай ҳуқуқа мазкур ҳужжатда мустахкамланган. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар режали текширишлар ўтказилиши ҳақидаги ахборотга, албатта, эга бўлишлари текширишлар ўтказилганидан кейин эса мазкур текшириш далолатномасини бир нусхасини олишлари керак ўтказилган текшириш натижаларига рози бўлмаган такдирда хўжалик юритувчи субъектлар текшириш ўтказган органнинг юқори ташкилотига ёки судга шикоят аризасини топширишга ҳақлидирлар.

Яъни, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари Президент Фармонини ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш механизмига рухсат этилмаган текширишларга йўл қўймаслик учун тўсиқ сифатида киритилган. Хўжалик юритувчи субъектлар қарорида кўрсатилган ҳужжатларсиз назорат қилувчи органларни текширишларига қўймаслик у ёқда турсин шу билан бирга Президент Фармонини бузишга уринишларини ҳар бир ҳолати ҳақида Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашига маълум қилишлари лозим: кечиктирилмасдан чоралар кўрилади...

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Корхона мулки
2. Экспертиза
3. Суд - бухгалтерия экспертизасининг таклифлари
4. Суд - бухгалтерия экспертизаси текшируви
5. Назорат қилиш
6. Текшириш объекти

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Суд - бухгалтерия экспертизаси қандай тартибда тузилади?

2. Суд-бухгалтерия экспертизаси таклифи мазмунини тушунтириб беринг.

3. Суд — бухгалтерия экспертизасини ўтказишда қандай ашёвий далиллардан фойдаланилади?

4. Суд — бухгалтерия экспертизасини назорат килиш қайси органлар учун маълумот манбаси бўлиб ҳисобланади?

Суд-бухгалтерия экспсртизасида қўлланидадиган таянч сўз ва иборалар

1. Экспертиза деб - жиноят-процессуал қонуни асосида, фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар, касб-ҳунар эгалари томонидан терговда ёки суд муҳокамасида келиб чиқадиган баъзи фактларнинг бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текшириш экспертиза ишлари ҳисобланади.

2. Эксперт - бу фан - техника, ҳунар, санъат соҳасида махсус билимга эга бўлган (мутахассис), экспертиза муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахсдир.

3. Фаннинг соҳасига қараб - криминалистик экспертизага: излар юзасидан ўтказиладиган текшириш, ўқ отиш қуроллари, яъни суд-баллистика текширишлари, суд-медицина, суд-психиатрия, суд-биология, суд-бухгалтерия, автотехника, ёнғин техникаси экспертизалари, суд-товаршунослик суд-агротехника, суд-ветеринария ҳужжатларини текшириш ва бошқа турдаги экспертизалар киради.

4. Криминалистик экспертиза - Адлия вазирлиги қошидаги махсус суд экспертизалари илмий-текшириш институтида ёки лабораторияларида, ички ишлар вазирлигининг илмий-техника бўлинмаларида, Вазирликлар

кенгаши қошидаги Давлат хавфсизлиги қўмитасининг экспертиза муассасаларида, вилоят ички ишлар бошқариш қошидаги криминалистик экспертиза бўлинмаларида ўтказилади.

5. Тергов ва суддаги бухгалтерия экспертизаси - ишдаги материалларнинг мутахассис бухгалтер томонидан текширилиши ва унинг махсус билимлари сўроқда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган хўжалик ҳаёти ҳодисаларига тааллуқли бўлган ҳамда суд терговчи қўйган саволларга жавоб-хулоса бериш ҳисобланади.

6. Суд-бухгалтерия экспертизаси предмети - қуйидаги белгилар умумлашуви билан тавсифланувчи ҳодисаларни ўз ичига олади:

- улар хўжалик фаолияти билан боғликликда;
- бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топган;

уларни текшириш доираси суд ёки ерговчи берган саволлар билан чекланади;

ушбу саволларга жавоб-хулоса бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги мутахассис томонидан берилади.

7. Суд-бухгалтерия экспертизаси муассасалари ва экспертларнинг амалий фаолияти жараёнида тажриба йғилади, текширишларнинг илғор усуллари ишлаб чиқилиб, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш методикасини бойитади.

8. Суд бухгалтерияси шундай фан бўлиб, унинг мазмуни тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия ҳисобини тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш.

9. Суд бухгалтериясининг мақсад ва вазифалари суд-бухгалтерия экспертизасини самарали ўтказишнинг амалий заруриятларидан, уни тўғри ташкил этиш, эксперт текширишнинг илмий асосланган усулларини қўллаш шартларидан келиб чиқади.

10. Суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети - аниқ жиноий ва фуқаролик ишларининг ҳақиқий вазиятлари ҳисобланади.

11. Бухгалтерия ҳисоби - хўжалик маблағлари ва маблағ манбаларини

доимий, узлуксиз ва ялписига умулаштириш ва бошқариш усули.

12. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун - хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини қонун ҳужжатлари асосида юритиш тартиби. Ўзбекистонда 1996 йил 30 августда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун қабул қолинди. Ушбу қонунда бухгалтерия ҳисобининг мазмуни, ташкил этилиш тамойиллари ва вазифалари келтирилган.

13. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари - хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб сиёсатини юритишга қўйилган талабларнинг мажмуаси. ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобининг 21 миллий стандартлари қабул қилинган.

14. Бухгалтерия ҳисобининг ташкилий шакллари - бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги ташкилий шакллари мавжуд: бош бухгалтер раҳбарлигида мустақил равишда бухгалтерия ишини четдан жалб қилинган мутахассис орқали олиб бориш, бухгалтерия ишини юқори ташкилотда юритиш, бухгалтерия ишини корхона раҳбари томонидан юритилиши.

15. Бухгалтерия ҳисоботи (молиявий ҳисобот) - хўжалик юритувчи субъект фаолиятини сон ва сифат жиҳатдан умумлаштириш. Молиявий ҳисобот корхонанинг ҳисоб сиёсати талаблари асосида тузилади ва тақдим этилади.

16. Бухгалтерия баланси — корхона маблағлари ва манбаларининг маълум муддатда пулдаги ифодаланиши. Балансда корхона активлари, уларнинг манбалари ва мажбуриятлари турлари бўйича ифодаланган бўлади.

17.Баланснияг ликвидлиги — корхона активларининг мажбуриятларидан ошиши ёки корхонанинг тўлов қобилияти даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

18. Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси — бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида қўлланиладиган счётлар тизими. Бухгалтерия счётлари маълум тартибда «Счётлар режаси»да мужассамлашган булади.

19. Бухгалтерия хисоби счётларида иккиёқўлама ёзув — ҳар бир хужалик жараёнининг (операқиясининг) бир счётнинг дебетида ва иккинчи счётнинг кредитида бир хил суммада акс эттирилиши. Хўжалик операциялари

счётларда иккиёқлама ёзув орқали назорат қилиб борилади.

20. Банк назорати - хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг банк ташкилоти (муассасаси) томонидан текширилиши. Банклар турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиб боради.

21. Бюджет - мамлакатнинг устувор вазифаларини амалга оширишга мўлжалланган даромадларнинг шаклланиши ва йуналишлар бўйича тақсимланишини амалга оширадиган давлат тузилмаси. Давлат бюджети Республика бюджети ва маҳаллий бюджетга бўлинади.

22. Бюджет даромадлари — бюджетга келиб тушган пул маблағлари. Бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил қилади.

23. Бюджет харажатлари - мамлакатнинг устувор йуналишлари бўйича бюджет даромадларининг тақсимланиши.

24. Валюта — мамлакат пул бирлиги. ўзбекистон валютаси сўмни ташкил этади. Муомалада хорижий валюталар ҳам фойдаланилади.

25. Валюта операциялари - корхоналарда халқаро валюталар орқали амалга ошириладиган операциялар.

26. Даромад — маҳоулот сотишдан, бажарилган ишлардан келиб тушган тушумнинг бир қисми. Олинган тушумларнинг пулдаги ифодаланиши.

27. Даромаднинг турлари - даромадлар куйидаги турлардан иборат маҳсулот сотилишидан олинган даромадлар, асосий фаолиятнинг бошқа операцияларидан олинган даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавкулотдаги даромадлар.

28. Инвестиция — хўжалик юритувчи субъект фаолиятига четдан моддий ва молиявий ресурсларнинг жалб этилиши.

29. Иқтисодий назорат — ваколатли органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг назорат қилиниши. Бундай назорат молия органлари, банклар, солиқ идоралари орқали амалга оширилади.

30. Молиявий назорат — хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд молиявий ресурсларнинг давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларга

мос равишда ташкил зтилиши, фойдаланилиши ва кўпайтирилишини текшириш.

31. Молиявий натижа — корхона фаолиятида эришилган сўнгги натижа. Ушбу натижа фойда ёки зарардан иборат бўлади.

32. Назорат — хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш, мавжуд ички имкониятларни аниқлаш, камчиликларни топиш, фаолиятни яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

33. Назорат турлари — назорат турларига қуйидагилар киради давлат назорати, маъмурий назорат, ички назорат, ташки назорат, дастлабки назорат, жорий назорат, мавсумий (тасдиқловчи) назорат, аудиторлик назорати, бошқа назорат турлари

34. Солиқ — давлат томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган мажбурий тўловлар. Солиқлар давлат бюджети даромадининг асосий манбаси хисобланади.

35. Солиқ сиёсати — солиқ, тўловчиларнинг ва давлат манфаатларини мувофиқлаштирувчи сиёсат. Солиқ сиёсати солиқ тўловчилар ва давлат манфаатларига мос келиши керак

36. Солиқ кодекси— солиқларнинг тури, ўндирилиши ва тўланишини мувофиқлаштирувчи хужжат. Солиқ Кодекси 1998 йилдан татбиқ этилган.

37. Солиқ органлари — солиқ қонунчилигини амалга оширувчи ташкилотлар (муассаса) бўлиб, уларга туман, шаҳар Давлат солиқ инспекциялари, вилоят Давлат солиқ бошқармалари ва Республика Давлат солиқ Қумитаси киради.

38. Солиқ органларининг назорати — иқтисодий назоратнинг муҳим турларидан бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар иктисодий фаолиятини назорат қилади.

39. Ҳисоб сиёсати - мавжуд ҳуқуқий меъёрлар асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини акс эттирувчи ҳамда назоратини таъминловчи хужжатлар мажмуаси ва уларга амал қилишлик

40. Якуний молиявий натижа - корхона ўз фаолияти натижасида олинадиган фойдаси ёки зарари. Якуний молиявий натижа мавжуд моддий ва меҳнат

ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини ифодалайди. Корхона фойдаси ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўз билимини текшириш учун

САВОЛЛАР

1.Суд бухгалтерия экспертизасини предмети.

2.Эксперт бухгалтер хулосасининг тузилиши.

3.Суд бухгалтерия экспертизаси тушунчаси.

4.Эксперт бухгалтер хулосасининг тергов органлари ва суд томонидан баҳоланиши.

5.Суд бухгалтерия экспертизасининг усуллари.

6.Касса ва банк операциялари буйича суд бухгалтерия экспертизаси.

7.Суд бухгалтерия экспертизасининг турлари.

8-Товар моддий бойликлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш.

9.Суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари.

10.Сотувда умумий овқатланиш ва моддий техника таъминотида товар операциялари бўйича суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш.

11.Суд бухгалтерия экспертизасини ташкилий (формалари) шакллари.

12.Саноатда қурилиш ва бошқа тармоқларда махсулот ишлаб чиқариш ва бажарилган иш хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш.

13.Суд бухгалтерия экспертизаси ишларини ташкил этиш.

14.Суд ишидаги айбдор ва бошқа шахсларинг кўрсатмалари.

15.Суд бухгалтерия экспертиза ўтказишда бухгалтер эскпертни бурчлари.

16.Суд бухгалтерия экспертизасини ахборот билан таъминлаш мазмуни.

17.Суд бухгалтерия экспертизаси ўтказиш бухгалтер экспертни хукуқлари.

18.Суд бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш.

19.Суд бухгалтерия экспертиза утказишда бухгалтер эксперт ишларини ташкил этиш.

20.Суд бухгалтерия экспертизаси изланишининг ўзига хос хусусиятлари.

21.Суд бухгалтерия экспертизани ўтказиш асослари. .

22.Суд бухгалтерия экспертизаларини белгилаш поғоналари.

23.Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишда тайёргарлик ишлари.

24.Суд бухгалтерия экспертизасини буйруқлари ва уларнинг ишларини ташкил этиш.

25.Суд бухгалтерия экспертизасида изланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

26.Бошқа турдаги экспертизалари хусусиятлари.

27.Суд ишларидаги айбдор ва бошқа шахсларнинг кўрсатмалари.

28.Иш хақи фондларини ишлатиш бўйича бухгалтерия экспертизаси.

29.йқтисодий рағбатлантириш фондларини ишлатиш бўйича суд бухгалтерия экспертизаси.

30.Бажарилган иш ва хизматлар юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси.

31.Суд бухгалтерия экспертизаси хулосасини суд ва терговчи томонидан куриб чиқиш ва ишлатиш.

32.Суд бухгалтерия экспертизасининг таклифлари.

ЗЗ.Суд бухгалтерия экспертизасини бажарилишини назорат қилиш.

34.Корхона ва ташкилотларда ижтимоий мулкни сақлаш бўйича суд бухгалтерия экспертизасининг таклифлари.

35.Суд бухгалтерия экспертизаси хулосасининг мазмуни.

36.Корхона ва ташкилотларда моддий жавобгарликни ташкил этиш бўйича суд бухгалтерия экспертизасининг таклифлари.

37-Суд бухгалтерия экспертизасиинг моҳияти.

38.Суд бухгалтерия экспертизаси корхона молиявий хўжалик фаолиятини тақомиллаштиришга таъсири.

39. Суд бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш.

40. Суд бухгалтнрия экспертизаси хулосаси.

41.Суд бухгалтерия экспертизасини белгилаш ва ўтказиш поғоналари.

42.Суд бухгалтерия экспертизасини маълумотлар билан таъминлаш.

43.Асосий хўжалик молиявий операциялар бўйича суд бухгалтерия экспертизасини ишланиши.

44. Суд бухгалтерия экспертизасининг турлари.

45. Савдо корхоналари суд бухгалтерия экспертизасини ўтказмш.

46.Ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларининг текширилиши.

47.Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишдаги тайёргарлик ишлари.

48. Эксперт бухгалтернинг ҳуқуқ ва бурчлари.

49.Суддаги ишлар бўйича суд экспертизасини ўтказиш тартиби.

50. Эксперт текшириш методлари.

Суд бухгалтерия экснертизаси» фанидан тест саволлари

1. Экспертиза деганда нимани тушунасиз?

A) Санаш, тортиш, ўлчаш усуллари орқали ҳақиқатда олинган маълумотларни ҳисобот маълумотларига солиштириш.

B) Жиноят-процессуал қонун асосида фан ва техниканинг, санъат ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларидаги мутахассислар томонидан терговда баъзи далилларнинг бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш мақсадида объектлар устида олиб бориладиган текширишдир.

C) Ташкилот ва корхона фаолияти устидан юқори ташкилотлар ва назорат органлари томонидан доимий равишда олиб бориладиган назоратдир.

D) Жиноят ва фуқаролик иши мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар тартибга солиб турувчи фаолият.

E) Барча жавоблар тўғри.

2. Эксперт — бу:

A) Фан, техника, хунар, санъат соҳасида махсус билимга эга бўлган эксперт муассасаларидан бирида ишловчи процессуал шахс.

B) Фақатгина тиббий билимларга эга бўлган шахсдир.

C) Шартномалар доирасида маълум бир иқтисодий, хўжалик муаммоларини ҳал этувчи шахсдир.

D) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари давридаги харажат, даромад ва молиявий натижаларнинг аниқ объектив равишда акс эттириб берилишини кўрсатиб берувчи шахсдир.

E) Барча жавоблар тўғри.

3.Фаннингсоҳасига кўра криминалистика қуйидаги экспертизаларнинг қайси бирини ўзида акс эттиради?

A) Излар юзасидан ўтказиладиган текшириш, уқ отиш қуроллари, суд-баллистика текширишлари.

B) Суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-биология.

C) Суд-бухгалтерия, автотехника,ёнғин техникаси экспертизалари.

D)Суд-товаршуносли суд-агротехника,суд-ветеринария хужжатларини текшириш.

E) Барча жавоблар тўғри.

4. Қоиминалистик экспертиза қаерларда утказилади?

A) Адлия вазирлиги қошидаги махсус суд экспертизалари илмий текшириш институтида.

B) Ички ишлар вазирлигининг илмий техника бўлинмаларида.

C) Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Миллий Хавфсизлик Хизмати ва Мудофаа Вазирлиги экспертиза муассасаларида.

D) Вилоятлар ички ишлар бошқармаси қошидаги криминалистик экспертиза бўлинмаларида.

E) Барча жавоблар тўўғри.

5. Экспертизанинг асосий вазифаси нималардан иборат?

A) Олиб борилган текширишлар натижасида аниқ шахс, объект-далилий ашё, моддий қолдиқлар, излар юзасидан уларнинг айнанлиги ёки қайси гуруҳга мансублиги ҳақида

ахборот беришдир.

B) Корхоналарнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, рақобатбардошлик даражасини ошириш, хўжалик фаолияти сирини сақлашдан иборат.

C) Юридик ишларни ҳал этувчи чуқур бухгалтерия ва иқтисодий билим асосида қўшимча маълумотлар, ахборотлар, далиллар тўплашдир.

D) Мулкнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш ва ундан тўғри фойдаланиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва уни мустаҳкамлашдан иборат.

E) A ва B жавоблар тўғри.

6. Суд бухгалтерия экспертизаси предмети булиб:

A) Товар пул муносабатлари ҳукмрон бўлган бозор иқтисодиёти шароитида амал қилинадиган хужалик юритиш механизми буйича норматив далолатномаларга амал қилиш жиҳатидан хулоса беришдан иборат.

B) Суд ишида ва терговда ўрганиш объекти бўлган ҳужжат ва ҳисоб регистрларида акс этган хўжалик муомалаларидир.

C) Тергов ва суд фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг тадбиқ этилишига доир назарий ва амалий масалаларни текшириш ва ўрганиш.

D) Талон-тарож тўғрисидаги ишларни суриштиришда, тергов қилишда ва судда кўриш жараёнида хужжатли тафтиш, инвентаризация ва суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш техникаси, ташкил қилишни белгилашдир.

E) B), C), B) жавоблар тўғри

7.Суд бухгалтерия экспертизасининг объектларига қуйидагиларнинг қайси бири таллуқли.

A) Бирламчи ва йиғма ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари.

B) Бухгалтерия хисоботи ҳужжатлари, тафтиш далолатномаси

C) Мажлис баёни кўчирмаси ва гувоҳ, айбловчиларнинг кўрсатмаси.

D) Бошқа соҳа экспертларининг хулосалари.

E) Барча жавоблар тўғри.

8. Суд бухгалтерия экспертизасини қандай туркумланиш мумкин?

A) Экспертизани тайинлаш органларига кўра ва изчиллигига кўра туркумланади.

B) Фақат текшириш ҳажмига кўра туркумланади.

C) Текширишда қатнашган мутахассис сонига қараб туркумланади.

D) Текширишда фойдаланилган билимларга кўра туркумланади.

E) Барча жавоблар тўғри.

9. Суд бухгалтерия экспертизасининг вазифалари нималардан иборат?

A) Товар моддий бойликларни, пул маблағларини камомади ёки ортиқча тўпланиш сабаблари, уларнинг миқдори ҳамда камомад вақти, қаерда содир бўлганлигини текшириш ва аниқлаш.

B) Хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулотларни ҳисобдан чиқарилиши тўғри эканлигини текшириш ҳамда молиявий фаолият бузилиш ҳолатларини аниқлаш.

C) Амалга оширилган хужалик муомалаларининг амалдаги қонун ва йуриқномаларга мос келиш-келмаслигини текшириш ҳамда мансабдор шахслар ва бошқа шахслар томонидан келтирилган моддий зарарни аниқлаш ва қайта текшириш.

D) Ҳужжатли тафтиш ўтказиш усуллари тўғри ёки

нотўғри эканлигини аниқлаш, содир этилган суистеъмолларнинг салбий иқтисодий оқибатларини аниқлаш ҳамда уларга қарши курашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

E) Барча жавоблар тўғри.

10. Текширувда мутахассис-бухгалтср фаолиятидан фойдаланиш мумкинми?

A) Ҳа мутахассис-бухгалтер терговчининг маслаҳатчиси . сифатида иш кўради, далилларни излаб топишда, мустаҳкамлашда яқиндан ёрдам беради.

B) Албатта, мутахассис-бухгалтер эксперт ва тафтишчидан фарқ қилиб, у далилларни излаб топмайди, балки жиноий ишга аҳамияти бор маълумотларни тўплашда терговчига ёрдам беради.

C) Зарурат туғилиб қолганда экспертлар ишидан воз кечиб, мутахассис-бухгалтердан фойдаланиш ҳамда тафтиш ўтказиш ёки экспертиза тайинлайди.

D) Аммо имконият даражасида жиноий ишларни туларок очишга эришиб булмайди, чунки у эксперт-бухгалтер эмас. E) A, B, C жавоблар тугри.

11. Катта ҳажмда камомад ва талон-тарожларга йўл қўйилганда тергов органларига тафтиш ўтказишда қандай асослар бўлади?

A) Жиноятнинг айрим фактлари аниқланса (қалбаки хужжатлар тузилганда).

B) Бухгалтерия ҳисобини юритишни ўз ҳолига ташлаб ҳўйганлигидан келиб чиқиб дастлабки ҳужжатларни нотўғри тузилганлиги тўғрисида айбланувчининг тавсияномаси ҳамда дастлабки ҳужжатлардан фойдаланиш билан бўлган ўзгаришларни айбланувчилардан олса.

C) Терговчи берган саволларига тафтишсиз хулоса беролмаслиги тўғрисида эксперт бухгалтердан ариза тушса.

D) Тафтишнинг оғзаки ўтказилганлигидан суистеъмоллар аниқланмай қолганида.

E) Барча жавоблар тўғри.

12. Қайси ҳолатларда иккиламчи суд бухгалтерия экспертизаси утказиш мумкин?

A) Хулоса берган эксперт малакасиз деб топилганда.

B) Эксперт терговчи томонидан барча материалларни тулиқ ишлатмаган ҳамда ўз устида изланишларни олиб бормаганда.

C) Экспертиза ўтказиш тартиб қоидалари бузилганда.

B) Биринчи экспертиза материалларига қарама-карши материаллар тақдим этилганда.

E) Барча жавоблар тўғри.

13. Суд бухгалтерия экспертизасининг текшириш усуллари маълум бир тартибга солиниб, қандай турларга бўлинади?

A) Текширишнинг умумий усулларига.

B) Текширишнинг махсус усулларига

C) Текширишнинг умумий ва махсус усулларига

B) Текширишнинг қисман усулларига

E) Барча жавоблар тўғри.

14. Текширишнинг махсус усуллари бу:

A) Хўжалик ишларини динамик ва норма бўйича текшириш

B) Бирламчи текшириш бўлиб, айрим муомалалар бўйича ҳужжатлар ўзаро солиштирилади.

C) Бойликлар ҳаракатини назорат остига олиш ҳамда ҳисоб ишларини намуналаштириш.

D) Моддий бойликларнинг ҳисоб қолдиқ натижаларини аниқлаш ва миқдорли нисбат тузиш ҳамда машинограммаларни кодлаштирилган ҳужжатлар асосида таҳлил қилишдир.

E) Барча жавоблар тўғри.

15. Эксперт-бухгалтернинг ҳуқуқлари асосан:

A) Эксперт иш материаллари билан танишиш, ишда иштироқ этаётган шахсларга саволлар бериш, эксперт сифатида ўзини қизиқтираётган холатлар учун ўзига қўшимча материаллар беришни суддан илтимос қилиш, башарти ўзига тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса ёки етарлича билимга эга бўлмаса, хулоса беришдан бош тортишдан иборат.

B) Текшириш даврида - аниқланган далилларни корхона раҳбари билан мухокама қилиш, айбдор шахснинг жиноий ишларини енгиллаштиришдан иборат.

C) Терговчи берган материаллардан ўз фаолияти доирасида четга чиқиш, судлшларида катнашишдан иборат.

D) Эксперт-бухгалтер тергов жараёнининг ҳохлаган босқичида алмашиши мумкин, чунки у фаннинг объектив маълумотлари асосида хулоса беради.

E) А ва В жавоблар тўғри.

16.«Суд бухгалтерия экспертизасини олиб бориш ва ўтказиш» тўғрисидаги кўрсатмага асосан эксперт-бухгалтер қандай хуқуқларга эга эмас?

A) Экспертиза хулосасида кўзда тутилмаган хужжатларни ўрганиш.

B) Муайян жиноий ва фуқаролик иши бўйича жихозларни хисобга олишда қатнашиш ва тафтиш ўтказиш.

C) Ўзи мазкур текширилувчи корхонада ишлаган бўлса хамда ундан моддий манфаатдор бўлса, текширишда қатнашиши мумкин эмас.

D) Айбланувчи билан мулоқот қилиш, бошка шахсларни ўз ишига аралаштириш.

E)Юқоридаги барча жавобларда берилган кўрсатмаларда эксперт-бухгалтернинг хуқуқлари чегараланади, ёки бундай хуқуқларга йўл қуйилмайди.

17. Дастлаб бухгалтерлик хисобини ташкил қилиш ишини эксперт-бухгалтер томонидан текширганда энг аввало қуйидагилардан қайси бири кўриб чиқилади?

A) Моддий бойликлар харакатини акс эттирувчи хужжатларнинг расмийлаштириш тартиби.

B) Қатъий хисобдаги бланкалардан фойдаланиш ва сақлаш тартиби.

C) Инвентаризация ўтказиш шароитлари

D) Хом ашё ва тайёр махсулотни хисобга олиш ва сақлаш тартиби.

E) Барча жавоблар тўғри.

18.Текширилаётган хужжатлар ашёвий далил сифатида тасаввур этилиши мумкинми?

A) Йўқ чунки ушбу хужжатларда камомадлар, ўғирликлар курсатилмайди, баъзи жиноятлар бекитилган бўлади.

B) Агар олдин тафтиш ўтказилган бўлса ва унда жиноят излари топилмаган булса, ашёвий далил сифатида тасаввур этилиши мумкин эмас.

C) Агар хужжат жиноятни амалга ошириш воситаси ёки ўзида жиноят изини сақлаб қолган бўлса, яъни жиноят объекти бўлса, бу холда ашёвий далил сифатида тасаввур этилади.

D) Бухгалтер ёки моддий жавобгар шахс хужжатларни юритишда бир вақтнинг ўзида хам асосий хам қалбаки тарзда олиб борса.

E) Барча жавоблар тўғри.

19. Экспертиза неча боскичда амалга оширилади?

A) Текшириш, хулоса чиқариш, амалга шириш ва якунлаш.

B) Амалга ошириш, хулоса ва ижро этиш.

C) Тайёргарлик кўриш, текшириш, хулоса.

D) Кузатиш, йиғиш ва тақдим этиш.

E) Танлаш, кузатиш ва йиғиш.

20. Эксперт-бухгалтер хулосаси бу:

A) Хўжалик назоратининг иккиламчи (кейинги) шаклларидан бири хисобланади.

B) Тергов ёки суд томонидан қўйилган саволлар бўйича материалларнинг тахлили ва далилларни илмий бахолашдан иборат.

C) Текширув ўтказилаётган корхона молия хисоботининг объективлиги ва ишончлилигидан гувохлик берувчи хужжатдир.

D) Бухгалтерия хисоби сохасидаги билимига, амалий тажрибасига суюнган холда унга гувох сифатида маълум бўлган далилларга асосланган мутахассиснинг хулосасидир.

E) Барча жавоблар тўғри.

21. Эксперт-бухгалтернинг хулосаси қандай бахоланади?

A) Экспертнинг хулосаси бошқа далиллар билан қай даражада таққослаб кўрилганлиги асосида бахоланади.

B) Экспертнинг хулосаси ўтказилган текшириш тўғрилиги асосида бахоланади.

C) Текшириш объектларининг хақиқийлиги текширилиб, иш юзасидан бахоланади

D) Ҳар кандай ҳолатда экспертнинг хулосаси тўғри деб топилади. Чунки унга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари, мажбуриятлари, хуқуқлари тўлиқ кўрсатиб ўтилган бўлади. Шунинг учун ҳам судда унинг хулосаси қандай бўлишидан қатъи назар бахоланмайди.

E) A, B, C жавоблар тўғри.

22. Суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашдан олдив терговчи:

A) Буйруқ чиқаради.

B) Фармойиш қабул қилади.

C) Қрор чиқаради.

B) Эълон беради.

E) Баёнот беради.

23.Терговчи томонидан чиқарилган қарорда асосан нималарга эътибор берилади?

A) Эксперт ўтказиш учун асосга.

B) Экспертиза ўтказилувчи корхонанинг номи, манзили, экспертиза ўтказувчининг фамилияси, мансабига.

C) Эксперт олдига қўйиладиган саволлар тўпламига.

D) Эксперт ихтиёрига бериладиган материаллар тўпламига.

E)Юқоридагиларнинг барчасига эътибор берилади.

24. Нима учун товарлар камайтирилиб кўрсатилади?

A) Аввал келган товарлар бўлган счёт-фактура ва юк коғозларидаги сумма хамда микдорлар камайтирилиб, бирламчи хужжатлар йўқотилади. Шунингдек камомадларни яшириш сифатида инвентаризация далолатномаларида ушбу товарлар қолдиғи кўрсатилмайди, камомад эса аниқланмай колади.

B) Товарсиз муомалаларни амалга оширганлиги учун ўзи жиноий жавобгарликдан чўчиб, бу ишни амалга оширади.

C) Ҳисобдаги товарларнинг табиий камайишини нотуғри акс эттиргани учун қолдиқларни камайтириб кўрсатади.

B)Пул маблағлари билан ноқонуний муомалаларда фойдалангани учун ўз жиноятини инвентаризацияда яширади.

E) Барча жавоблар тўғри.

25. Товарсиз муомалаларнинг асосий хусусияти нимада акс этади?

A)Моддий жавобгар шахс ўғирлиқ қилиш мақсадида савдога келган товарларнинг бир қисмини кирим қилмайди.

B) Моддий жавобгар шахс шартнома асосида бир савдо корхонасидан иккинчи савдо корхонасига товарларни ўтказиш тўғрисидаги юк хатини тузади хамда унда хисоботда бўлмаган товарлар харажатини акс эттиради.

C) Моддий жавобгар шахс товарларнинг табиий камайишини хисобдан

чиқаришни хисобда нотўғри акс эттириб, шу хисобдан жиноий ишга қўл уради.

D) Моддий жавобгар шахс товарлар колдиғини камайтириб кўрсатиш максадида чиқим хужжатларини ўзгартиради.

E) Барча жавоблар тўғри.

26.Текширилувчи объектлар доирасига кўра, ҳисоб маълумотларининг текшириш усулларини қандай турларга ажратиш мумкин?

A) Алохида хужжатни текшириш ва ўзаро боғлиқ операцияларни акс эттирувчи ҳужжатларни текшириш

B) Айнан ёки ўзаро боғлик операцияларни акс эттирувчи хужжатларни текшириш ва бир турдаги бойликлар харажатини акс эттирувчи хужжатларни текшириш

C) Алохида, узаро боглик операқияларни акс эттирувчи хамда бир турдаги бойликлар харажатини акс эттирувчи хужжатларни текшириш.

D) Комплекс ва қисман текшириш

E) Танлама, комплекс ва кисман текшириш

27. Инвентаризация руйхатидаги маълумотларда бойликлар хисобдагидан ортиқча қолдиқ қолиш ёки ортиқча чиқиш куйидаги холатларнинг қай бирида ўз аксини топади?

A) Инвентаризация рўйхатидаги бойликларнинг хакикий қолдиғига қўшиб ёзишга йўл қўйилганда

B) Моддий бойликларнинг колдиғи камайтириб кўрсатилганда.

C) Кирим хужжатлари билан қабул қилинмаган бойликлар бўлса.

D) Инвентаризация руйхатидаги бойликларнинг номлари ва кийматлари нотўғри қайд килинганда.

E) Барча жавоблар тўғри.

28. Касса муомалалариви текшириш (инвентаризақия килиш) да кандай хужжатлар асос булади?

A) Юк хати, товар-транспорт накладной, банк кўчирмаси.

B) Иш хаки тарқатиш кайдномаси, 2-журнал-ордер, материалларни қабул қилиш далолатномаси.

C) Касса кирим, чиқим ордерлари, 1-журнал-ордер, 1-А кайднома, банк кўчирмаси, касса дафтари.

D) Чек дафтарчаси,иш хақи тарқатиш кайдномаси, тўлов квитанциялар.

E) С ва В жавоблар тўғри.

29. 02-сонли шифр дебетида нима акс эттирилади? Банк кўчирмасида.

A)Тўловталабномалари билан хўжалик счётига келиб тушган маблағлар.

B) Хўжалик счетида тўлов талабномалари асосида олинган маблағлар.

C) Хўжалик счетидан чек билан олинган нақд пуллар.

D) Хўжалик кассасидан хисоблашиш счётига келиб тушган нақд пуллар.

E) Хужаликнинг хисоб-китоби лимитланган чеклар бўйича тўланган пуллар.

30. Чек дафтарчалари каерда сақланади ва қайси счётда акс эттирилади?

A) Банкда сақланади ва 5520-счётда хисобга олинади.

B) Архивда сақланади ва балансдан ташқари 004-счётда хисобга олинади.

C) Бухгалтерияда сақланади ва 5520-счетда хисобга олинади,

D) Кассада сақланади ва балансдан ташқари 006-счётда хисобга олинади.

E) Ички аудиторда сақланади ва 5890-счеёда хиообга олинади.

31. Қандай холатларда амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофик камомадни ва ортикчаликни бир бирига қоплаш мумкин?

A) Бир даврда бир хил товарларда камомад ёки ортиқчалик аниқланганда.

B) Бир моддий жавобгар шахс бўйича товарларда камомад ёки ортиқчалик аниқланганда.

C) Умумий холатда товарлар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқланганда уларни бир бирига қоплаш мумкин эмас, чунки амалдаги меъёрларга мувофиқ келмайди.

D) Агар бир хилдаги товарларнинг ташқи кўринишида ухшашлик бўлса.

E) A, B, B жавоблар тўғри.

32. Савдо пуллари дўкон кассасида тўла қабул қилинганлигини качон ва қайси хужжатларда тасдиқланади?

A) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар жўнатувчи ва банк ҳужжатига асосан тасдиқланади.

B) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги товар сотиб олувчи хамда пудратчининг хужжатларига асоасн тасдиқланади.

C) Бухгалтерия хужжатларида акс эттирилган савдо пули магазин кассасига тўла қабул қилинганлиги товар ва касса хисоботлари билан тасдиқланади.

D) Савдо пуллари тўла қабул қилинганлиги хисобдор шахс ва ишлаб чиқариш хисоботлари билан тасдиқланади.

E) Барча жавоблар тўғри.

33.Умумий овкатланиш корхоналари амалиётида суистеъмолларнинг қандай усуллари мавжуд?

A) Ошхонада тайёрланган махсулотга белгиланган меъёрдан кам масаллиқ сарфлаш хисобига уларнинг ортиқчасини хосил қилиш.

B) Хисобга олинмаган махсулотларни ташиб келтириш билан омборда махсулотларнинг ортиқчасини яратиш, хамда кейинчалик бу махсулотларни сотиш.

C) Озиқ-овқат махсулотларини истеъмолчига нақд пулга сотиб, тушумини кассага тўлик кирим қилмаслик

D) Омборга товарларни тулиқ ёки қисман кирим қилмаслик хамда камомад аниқланганда товарсиз хужжат тузиш, фойда ҳисобидан қоплаш.

E) Барча жавоблар тўғри.

34. Умумий овқатланиш корхоналари товар масаллиқларини ва ишлаб чиқаришни ғисобга олишни текширишда қандай хужжатлардан фойдаланилади?

A) Ошхона маҳсулотлари харажат тўғрисидаги мудир хисоботлари ва уларга илова қилинган юк хатларидан.

B) Ошхона махсулот реализация тқғрисидаги далолатномалар, меню ва забор варақаларидан

C) Инвентаризация натижалари ва калькуляция карточкалари.

D)Махсулотларнинг қабул қилиниши ва сарфланишга ёзма кайдномалардан.

E) Барча жавоблар тўгри.

35.Курилиш ташкилотларида олиб бориладиган бухгалтерия ҳисоби ишларини эксперт-бухгалтер томонидан текширилганда қандай номувофиқликларга дуч келиши мумкин?

A) Қурилиш монтаж ишларининг таннархи тўғрисидаги маълумотлар бузиб кўрсатилиши мумкин.

B) Фойда суммаси тўғрисидаги маълумотлар бузиб курсатилиши мумкин.

C) Сарфланганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган материалларнинг миқдори ва суммаси тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш йўли билан хисобга олинмаган материалларнинг захирасини ҳосил қилиш.

B) Бажарилган ишлар кўрсаткичларини ошириб ёзилиши, шунингдек харажатларга чиқариб юборилган қурилиш материаллари, ҳисобланган иш ҳаки ва мукофотларни ортиқча чиқарилган маълумотларга мос келиши

E) Барча жавоблар тўғри.

36. Кайси асосий фондлар бўйича амортизация хисобланмайди?

A) Махсулдор мол, буқа ва хўкизлар бўйича хисобланмайди.

B) Кутубхона фондлари,хокимиятлар ва умумий овқатланишдаги шаҳар ободончилиги иншоотлари ҳамда

автомобил йўлларига.

C) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан консервацияга олинган асосий фондларга

D) Бутунлай амортизация қилинган асосий фондларга

E) Барча жавоблар тўғри.

37-Қурилишда эксперт-бухгалтерга қуйидаги материаллардан қайсилари тақдим этилади?

A) Қурилиш монтаж ишларини бажариш тўғрисида далолатнома хамда кирим-чиқим юк хатлари, иш хақини ёзишга доир хужжатлар.

B) Бўлим бошлиқларининг хисоботлари, юкларни қайд этиш дафтари, ишчиларнинг шахсий ҳисоблари

C)Айланма ва қолдиқли қайдномалар, хисоб-китоб ва тўлов қайдномалари.

D) Мемориал-ордерлар, журнал ордерлар,тафтиш ва далолатномалар.

E) Барча жавоблар тўғри.

38. Юк ташиш таннархи таркибида асосий харажат моддаси нимани ташкил этади?

A) Иш хақи харажати

B) Ижтимоий суғуртага оид харажат

C) Амортизацияга оид харажат

D) Моддий (ёкилғи) харажат

E) Эхтиёт қисмлар

39.Нефт махсулотлари қайси муддатларда инвевтаризация қилиниши мумкин?

A) Ҳар 3 ойда 1 марта инвентаризация қилинади

B) Хар 6 ойда 1 марта инвентаризация қилинади

C) Хар ойда 1 марта инвентаризация қилинади

D) Йилига 1 марта инвентаризация қилинади

E) Ҳар 2 ойда 1 марта инвентаризация килинади

40. Қўшимча иш хақи ва мукофотларнинг тўғри хисобланганлиги Куйидаги хужжатларнинг кайси бирини текширишда аниқланади?

A) Бухгалтерия ҳисоб-китоблари

B) Маълумотлар

C) Автотранспорт корхонасининг буйруғи

D) Касаба уюшмасининг қарори ва тўлов хисоб-китоб қайдномалари.

E) Барча жавоблар тутри.

41. Мутахассис-бухгалтер зиддиятли вазиятларда сўроқларда катнашиш хуқуқига эгами?

A) Ха, бундай ҳолатларда айбланувчи сохта кўрсатмаларни бериши мумкин. Мутахассис-бухгалтер эса ёлғон гапирилаётганлигини фош этиш учун терговчига қўшимча саволларни тузади.

B) Гувохлар берган кўрсатмалардан тонадилар. Шу вактда мутахассис-бухгалтер айрим хужжатларни шархлаб беради.

C) Мутахассис-бухгалтер зиддиятли вазиятларда сўроқларда иштироқ эта олмайди. Чунки у керакли хужжатларни терговчига топширган бўлади.

D) Мутахассис-бухгалтер тергов, суд томонидаи кўрсатилган вазифалардан четга чиқиш хуқуқига эга эмас.

E) Барча жавоблар тўғри.

42. Мутахассис-бухгалтернинг сўроқ чоғидаги юзлаштиришда қатнашиши терговчига қандай амалий ёрдам бериши мумкин?

A) Мутахассис иштироқисиз ўтказилган сўроқ натижасини бахолашда унга тегишли хужжатлар билан танишиш имкони берилади.

D) Юз берган талон-тарож холларини аниқлашда кўрсатмаларнинг ахамиятини белгилайди.

C) Тергов қилинаётган талон-тарожда гумон қилинаётган шахсларнинг роли ва иштироқ этиш даражасини аниқлайди.

B) Қўшимшча тергов ўтказишни режалаштиради ва кўрсатмаларнинг тахлил доирасини кенгайтиради.

E) Барча жавоблар тўғри.

43. Хужжатли тафтиш хажми, теранлиги ва тафтишчилар таркибига кўра неча турга бўлинади?

A) Ялпи

B) Комплекс ва ялпи

C) Комплекс ва мавзувий

D) Ялпи, комплекс ва мавзувий

E) Ялпи, комплекс, танлама ва мавзувий

44. Қамров миқёсига кўра тафтиш неча турга бўлинади?

A) Комплекс ва ялпи

B) Ялпи ва танловли

C) Ялпи ва мавзувий

D) Ялпи ва комбинациялашган

E) Ялпи ва такрорий

45. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш чоғида мутахассисни жалб этиш терговчига . .

A) Аниқ хулоса чиқариш имконини беради.

B) Экспертиза тайинлаш учун қулай вактни танлаш ҳамда уни ўтказиш учун материаллар етарли ёки йўклигини аниқлаш имконини беради.

C) Экспертларга бериладиган саволларни малакали тарзда тузиш имконини беради.

D) Экспертизани тезкорлик билан ўтказиш имконини беради.

E) Барча жавоблар тўғри.

46. Экспертиза тайиялашгача бўлган босқичларда тсрговчилар эксперт-бухгалтсрларга асосан кандай масалалар юзасидан мурожаат қилишлари мумкин?

A) Аввало шу объектда тафтиш ўтказиш керак деган масалани қўядилар

B) Мавжуд йиғилган материаллар бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун етарлими

C) Экспертиза ўтказиш учун қанча вақт кетади ҳамда уни каерда ўтказиш мумкин.

D)Моддий жавобгар кишилардан ҳамда бухгалтерия ходимларидан қандай масалаларни кай услубда аниқлаш мумкин.

E) Барча жавоблар тўғри.

47. Тафтиш хужжатлари асосида мутахассис бухгалтер профилактик жихатдан қандай саволларга жавоб бериши мумкин?

A) Корхонада хисоб-китоб ишлари қандай йўлга қўйилганлиги

B) Ҳисоб-китоб ишлари пул маблағлари ва моддий қийматликлар талон-тарож қилинган вақтда аниқлаш имоконини берадими.

C) Моддий қййматликларни сақлащ, назорат қилиш тартиби амалдаги талабларга жавоб берадими,

B) Ҳисоб-китоб қоидалари бузилган эмасми, агарда бузилган бўлса у нималарда кўринади

E) Барча жавоблар тўғри.

48. Суд-бухгалтерия экспертизаси:

A) Жиноий-фуқаролик иши мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар ўтказилади.

B) Жиноий-фуқаролик ишларида ўтказилади.

C) Корхона фаолияти устидан юқори орган томонидан уларнинг методлари асосида ўтказилади.

D) Уюшма томонидан хар йили бир маротаба молиявий ишлаб чиқариш фаолиятига холисона баҳо бериш учун ўтказилади.

E) Тўғри жавоб йўқ

49. Эксперт-бухгалтер:

A) Мансабдор шахс ёки жамоа ташкилотлари, тафтиш комиссиялари низомига мувофиқ тафтиш комиссиясининг аъзосидир.

B) Судда ва дастлабки терговда гувоҳ сифатида сўроқларда қатнашади.

C) Эксперт бухгалтер мансабдор шахс эмас, балки терговчи ёки суд қарори билан унинг аниқланмаси бўйича хулоса берувчи мутахассисдир.

D)Эксперт-бухгалтер хулоса бера туриб хеч кимга боғлик эмас.

E) Тўгри жавоб йўқ

50. Қайси тизимдаги суд экспертизаси муассасаларида суд бухгалтерлик ва суд автотехник экспертизалар ўтказиш тайинланган?

A) Харбий қумондонлик суд экспертизаси муассасаларида

B) Ички ишлар вазирдиги бўлимларидаги суд экспертизаси муассасаларида

C) Давлат солиқ қўмитаси суд экспертизаси муассасаларида

D) Адлия вазирлиги суд экспертизаси муассасаларида

E) A ва C жавоблар тўғри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Тадбиркорлик субъектларини текширишни

янада қисқартириш ва

унинг тизимини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига катъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш макса дида:

1.қуйидагилар белгилансин:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини хар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади;

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди;

худудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да руйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вактда амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг такдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладаи пеня тўлаган такдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

2. Вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Ташкент шаҳар ҳокимлари қаттиқ огоҳлантириб қўйилсинки, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатьий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг янгиланган таркиби тасдиқлансин.

4. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йиллик ва чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари ишлаб чиқилишини таъминласин;

2005 йилнинг 1 декабригача муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 2006 йилда текшириш мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда мазкур «Фармоннинг 1-бандига мувофиқ комплекс текширишлар ўтказишнинг асосланган тамойиллари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда текширилиши лозим бўлган субъектлар рўйхатини шакллантиришни назарда тутсин;

назорат органларига "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавкулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив ҳужжатларини мазкур Фармон билан

мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 3 августдаги "Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида" ПФ-2678-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Шамшиев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республккаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 5 октябрь.

Ўзбекистов Республикасининг БҲМСларига мувофиқ корхона активларини режали инветаризация қилишда қуйидаги муддатлар белгиланган:

Инвентаризация объекти	Инвентаризацияни ўтказиш муддатлари	Қайси БҲМСга мувофиқ
Асосий воситалар	Икки йилда бир марта йиллик ҳисобот олдидан	5 - сон БҲМС, 19-сонБҲМС
Кутубхона фонди	Беш йилда бир марта	5-сонБҲМС, 19-сонБҲМС
Товар-модқий бойлик-ларх (ёқилғи,озик-овқатлар, қимматбаҳо	Иилига камида бир марта	4-сонБҲМС, 19-сонБҲМС
Ёкилги, озиқ -овқатлар	ҳар чоракда	4-сонБҲМС 19-сонБҲМС
Қимматбахо металлар	Тармок йурикномасига мувофик белгиланган	Махсус Йўрикнома
Пул маблағлари, Пул эквивалентлари ва ҳужжатлар	Ҳар ойда бир марта	12-сонБҲМС 19-сонБҲМС

4-илова

Молиявий ҳисоботлар шаклларини тўлдириш Тартибига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг таркиби ҳисобот даврлари бўйича ўз ичига қуйидаги ҳисобот шаклларини олади.

Ҳисоб-китоблар	Бир марта йиллик хисобот олдиндан	19-сонБҲМС

Ҳисобот турлари	Ҳисобот шакллари
Йиллик	1. 1-сонли шакл “Бухгалтерия баланси” 2. 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” 3. 3-сонли шакл “асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот” 4. 4-сонли шакл “пул оқимлари тўғрисида ҳисобот”

	5. 5-сонли шакл “Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот” 6. 2а-сонли шакл “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот”
Ярим йиллик	1. 1-сонли шакл “Бухгалтерия баланси” 2. 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” 4-сонли шакл “пул оқимлари тўғрисида ҳисобот” 3. 2а-сонли шакл “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот”
Чораклик	1. 1-сонли шакл “Бухгалтерия баланси” 2. 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” 3. 2а-сонли шакл “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот”

Асосий адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:" Адолат"1992

2.Ўзбекистан Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Қонуни. 1996 йил 12 сентябр, " Халқ сўзи" газетаси.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" 1999 йил 5 феврал.

4. Молиявий ҳисоб. Т. "КАРАНА" ва "ПРАГМА" корпорациялари. Т.: 2000-2001.

5. Остонақулов М "Бухгалтерия ҳисоби назарияси", Т. «Ўкитувчи» 1993.

6. Хасанов Б, Бобобеков Б. «Бухгалтерия ҳисоби назарияси, методик қўлланма». ТДИУ. 2000.

7. Хошимов Б, Хасанов Б, «Бухгалтерия ҳисоби назарияси кўргазмали қўлланмалар мажмуаси», ТМИ-1993.

8. Қодирхонов С.Б ва бошқалар. «Бухгалтерия назарияси бўйича масалалар тўплами», Т.Д.И.У 1996.

9. Янги счётлар режаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2002.

10. Юлдашев С, Хошимов Б, Муҳаммад Салим. Основы бухгалтерского учета, Т.Д.И.У. -1997.

11. Сотиволдиев А, Иткин Ю , «Бухгалтерия ҳисоби» Т.:ПБ ва АА-2002, 1 ва 2-томлар.

12. Каримов А. А. Исломов Ф. Авлокулов. А. "Бухгалтерия ҳисоби" Шарқ нашриёти. 2004

13. А.С. Сотволдиев , Ю.М.Иткин «Замонавий бухгалтерия ҳисоби» Тошкент 2002 и III том .

14. Б.А. Хасанов «Бошқарув ҳисоб: назария ва услубиёт» Молия нашриёти,

Тошкент, 2003 и

15. Пардаев А. «Бошқарув ҳисоби» Академия нашриёти Тошкент 2002 и

16. Джумамуродов Ш.Я. «Ревизия по требованию следственных органов» Т.: Изд. МВД Узбекистана, 1987 г

17. А.С. Сотволдиев «Замонавий бухгалтерия ҳисоби» Тошкент 2004 и I II,III том.

18. Қўзиев И., Бокиева Ҳ.А., Муҳамедова М. "Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари". Т. ТМИ. 2004Й.

19. Хасанов Б.А., Хошимов А. А. "Бошқарув ҳисоби". Т. "Иқтисод-молия". 2005 й.

20. Очилов И., Қурбонбоев Ж. "Молиявий ҳисоб". Т. ТМИ. 2004 и.

21. Боқиева Ҳ.А., Маматқулова Д. "Мутахассисликка кириш" Т. ТМИ. 2005 и

Қўшимча адабиётлар:

1. Нидлз .Б, Андерсон. Х, Колдуэлл. Д «Принципы бух-галтерского учета» (под. Ред В. Соколова), М.: «ФиС», 1994 г.

2. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) Ўзбекистан Республикаси Молия Вазирлигининг ойлик нашрлар тўплами. 2000-2002.

3. Ибрагимов А. Каримов А. «Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби» Т.: Ўзбекистон 1999 и.